

Ҳабибулло
ВИСОЛ УМИДИ
Ҳашироқул Ғизо
ЧУЛ ҚАЛДИРҒОЧИ



812

Ҷабибулло
ВИСОЛ УМИДИ
Ҷалроқул Ғизо
ЧУЛ ҚАЛДИРҒОЧИ

Ҳиссалар



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси
«Ўзбекистон» миллиети



Турсунматов Х.
Т 91 Висол умиди. (Турсунматов Х. Чўл қалдирғочи. Қиссалар.) Ризо Х.—Т., «Еш гвардия», 1985.—160 б.

Текст охирида Авт: Х. Турсунматов, Ризо Х.
Автордош.

Икки ёзувчининг икки қиссаси ўз тематикаси ва қаҳрамонларининг орзу-умидлари билан бир-бирига ҳамоҳангдир. Бу икки асарда минг йиллар қақраб ётган ерларни боғу-бўстонга айлантираётган бунёдкор ёшлар тасвирланади.

Бу ёшлар — интилувчан, олисни кўзловчи, нурли келажакни кўра олувчилардир. Уларнинг мақсади — яратиш, ҳаётни яна ҳам гуллатишдан иборат.

Турсунматов Х. Объяснение в любви. Ризо Х.
Ласточка степей. Повесть.

66.3[2]6+Уз2

Х $\frac{4702570200-123}{356 (04)-85}$ 138—85

© Издательство «Еш гвардия», 1985 й.

Ҳабибулло
ВИСОЛ УМИДИ

Ҳисса





1

Табелчининг қўққис алмашиши кўпчиликка, айниқса ёшларга ёқмади. «Бригадирга ялтоқланиши амал учун экан-да,— деди Феруза ижирғаниб.— Наҳотки, шунчалик пасткаш бўлса».

Қизлар эса ўша кунинёқ Ферузага пичинг ота бошланди.

— Мана энди Ферузахоннинг ишлари беш,— деди Зулфия ёнидаги қизларга кўз қисиб.— Мукофотнинг зўри шуники. Лекин нимагадир қовоғинг очилмаяпти-я, ўртоқжон?

— Сен ҳозирдан баҳона ахтармай қўя қол,— деди Феруза жилмайиб.— Мен ҳеч қачон бировдан ёрдам умид қилганмасман. Фақат ўзимга ишонаман. Биринчи мукофотдан умидвор бўлсанг, қўлларингни чаққонроқ ишлат.

— Ҳо, мен астойдил терганим билан, Ғулом аканг гарозидан уриб қолиб, сеникига қўшиб турса-чи?

— Хавотирланма, эҳтимол бу ҳам бир ой ўтар-ўтмас бўшаб кетар.

— Йўқ, буниси узоқ ишласа керак. Бригадирнинг чизигидан чиқмаса бас.

Феруза кечки пайт колхоз партком секретари Қаримовнинг олдида борди. Лекин у ҳам бригадирнинг тарафини олди.

— Малик аканинг борлиги яхшимас. Ўзи ариза берди. Енгилроқ иш берамиз. Яхшиси, сиз комсорг сифатида Ғуломжонга кўмаклашинг. Ёш кадрларни тарбиялаб ўстириш бизнинг вазифамиз.

Ғуломжондан норозилик ҳиси партком секретарининг насиҳатидан кейин ҳам йўқолмади. Ғуломжон унга олдингидай очиқ чехра, меҳрибон эди. Лекин Феруза унга рўйхуш бермай қуруқ, расмий оҳангда гаплашарди.

Улар ўртасида биринчи очиқ тортишув теримнинг дастлабки ўн кунлиги якуни туфайли келиб чиқди. Феруза комсорг бўлганлиги учун шийпондаги оммавий-сиёсий ишлар кўпроқ унинг зиммасида эди. Шу соҳани текшираётган обком комсомол комитети комиссиясининг келишига шийпонни беками-кўст қилиб қўйиш учун икки кун ёзув-чизув билан банд бўлди. Шунинг учун бошқа қизларга нисбатан камроқ пахта терди. Лекин ўн кунлик якунида ҳамманикидан кўп бўлиб чиқди.

Тушликда бригадир ўн кунлик мусобақа якунини эълон қилиши биланоқ, четроқда алоҳида тўп бўлиб ўтирган қизлар ўртасида пичир-пичир бошланди.

— Зулфия, шунча чиранганинг билан иккинчи ўринга зўрға илашибсан-ку,— деди Нозима лабини тишлаб, бўзариб ўтирган Ферузага кўз қирини ташлаб қўйиб.

— Бизга Ферузахондан қолган-қутганиям бўлаверадими,— дея Зулфия мийиғида кулди.— Биз фақат қўлимизга ишонамиз. Бировдан ёрдам умид қилмаймиз.

Дугоналари Ферузани ўзининг гапи билан калтаклашаётганди. У ўсал бўлганидан, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгиси келди. Кейин бригадир гапдан тўхташи билан, шартта ўрнидан туриб деди:

— Мен терган пахта нотўғри ҳисобланибди!

— Нима, озми?— сўради бригадир ажабланиб.

— Озмас, кўп. Терган пахтамни ҳар куни ёзиб ҳисоблаб юрганман.

— Шунақами? — Шермат ака Ғуломжонга қараб қўйди.— Бўпти, буни кейин аниқлаймиз. Демак, биринчи мукофот ҳозирча берилмайди.

— Нимага берилмас экан? — деди Феруза қизишиб.
— У — Зулфияники.

— Ҳеч-да!— Қизишди Зулфия ўтирган жойида.— У сенки, ўртоқжон, олавер. Унча-мунча қўшилган бўлса, нима. Ахир биз шийпондаги ишни қилишни истамадик, теримдан қолиб, бир ўзинг бажардинг. Агар тенг терганингда, буидан ҳам кўпайиб кетарди, қўшилгани тўғри бўпти.

— Мен айтдим — тамом!— бригадир овозини қўйиб гапирди.— Биринчи мукофот ҳеч кимга берилмайди!

Мукофотлар тақсимланиб бўлгач, колхозчилар дув туриб, далага жўнашди. Бригадир хирмонга қараб кетди. Ғуломжон дафтариини қўлтиқлаб, хонасига йўл олди. Унинг ортидан Феруза ҳам кирди.

— Келинг, Ферузахон, келинг,— Ғуломжон ўнғайсизланиб, қизга ҳадик билан боқди.

— Бу сизнинг ишингизми? — Феруза қошларини чимириб, зарда билан сўради.

— Ҳам ҳа, ҳам йўқ.

— Сизга нима гуноҳ қилгандим?

— Нима деганингиз бу?

— Ахир шарманда қилдингиз-ку, бутун бригаданинг олдида.

— Тўғрисиини айтсам, бригадир тайинлаганди. Шийпон билан овора бўлиб, пахтадан қолди, бир оз қўшиб қўй, деганди.

— Нима ҳақи бор? Кўпайтиришга ҳам, озайтиришга ҳам ҳақларинг йўқ! Билдингизми!

— Билдим. Хўп, иккинчи такрорланмайди, ўртоқ комсорг,— деди Ғуломжон қизни жаҳлидан тушириш умидида хушомадомуз.

— Хозироқ камайтириб қўйинг!

— Йложи йўқ, табелни бузолмайман.

— Бузасиз! Қилғиликни қилдингизми, тузатасиз.

— Хўп! Тузатаман! Тавба қилдим! Келинг энди, жаҳлингиздан туша қолинг,— Ғуломжон ялинган бўлди. Наҳотки қулингизнинг шу арзимаган гуноҳини ҳам кечиролмасангиз? Кечира қолинг.

У журъатсизлик билан Ферузанинг қўлини ушлади. Қиз чўчиб, ортига чекинди.

— Қўлингизни тортинг!— Қиз ғазабланди.— Шилқимлик қилманг!

Ғуломжон бўзарганича қотиб қолди. Феруза эса тарс-турс юриб, чиқиб кетди.

Балки муносабатлари секин-аста изга тушиб кетарди ҳам. Лекин Ғуломжон Ферузанинг наздида яна бир кечириб бўлмас гуноҳ қилиб қўйди.

Апрель ойининг бошлари эди. Ерлар чигит экишга тайёрланаётган пайт.

Қиз-жувонлар утириб, дам олишарди. Қизлар ўзаро ҳазил-ҳузил қилишарди. Хотинлар тўпидан Ёқутхон деган аёл Маликани чақириб қолди. Қиқирлаб кулаётган қиз эшитмади шекилли, Нозима биқинига туртди.

— Сени чақиряпти.

Малика кулгидан тўхтаб, уша томонга қаради.

— Ҳа, Ёқут опа, нима дейсиз?

— Кеча тўйдан ким билан қайтдинг?

Қизлар сергак тортишиб, Маликага қарашди.

— Нима ишингиз бор?— Малика довдиради ранги оқариб.

— Ҳа-а, айтолмайсан-а? Сен қиз ўлгур қачонгача йигитларнинг бошини айлантирасан?

— Кимнинг бошини айлантирибман?

— Гоҳ панада Зиёд билан ҳиринглашасан, гоҳ бошқаси билан. Ҳатто менинг укам...

— Укангиз бошингизда қолсин! Ўзи суйкалиб юрибди.

— У суймаганга суйкаладиганларданмас. Қош қоқасанки, югуради орқангдан.

Ёқут опа ёнидаги аёлларга қараб давом этди:

— Қаранглар, кеча Салимжоннинг тўйдан ярим кечада Ғуломжон билан чиқиб кетса-я! Уятсиз!

Феруза ялт этиб Маликага қаради-ю, дарҳол кўзини олиб қочди.

— Ўлгудай ичиқора хотин экансиз? — деди Малика ғазабдан кўзлари ёшланиб.— Ёлғиз кетгани қўрқиб, у билан бирга келдим. Дарров шпионлик қилибсиз-да!

— Қўрққан одам тўйхонада ётиб қолади ярим кечада бўйдоқ, йигит билан санғимасдан. Истолдаям иккаланг доим ҳиринглашиб утирдинг. Ҳаммасини кўриб тургандим. Ким билсин, йўлда...

— Ҳай, Ёқутхон, бировнинг пардадаги қизини шунақа дегани қандай тилингиз боради? — аёллардан бири Маликанинг тарафини олди.— Уйига олиб бориб қўйган бўлса нима қипти? Ҳамма йигитлар ҳам сизнинг укангиздақамас.

Аёлларнинг феъли шунақа. Бир гапни бошлашдими, меъёрига етказмагунча қалава ипдек чуватишаверади. Мана, ишга туришди ҳамки, Ғуломжон билан Маликани чандишарди. Бири қораласа, бири оқларди.

— Ғуломжонингиз ҳам писмайиб юргани билан чаканамас,— деди Ферузаларнинг қўшниси Лайлихон.—

Хўжайиним, оғзингдан чиқарма деб тайинловди-ю, мавриди келиб қолди, айтмасам бўлмайди. Кеча Феруза кичик укаси Шердил билан уйда ёлғиз эди. Ота-онаси қариндошникига тўйга кетувди. Санобар опам илтимос қилувдики, дадаси кечроқ бўлсаям қайтиб келади, шунгача ҳамроҳ бўлиб тулинг, қиз боланарса, кечаси чўчиб юрмасин, деб. Лекин Феруза, укам бор, ҳеч нарсалардан қўрқмайман, хавотирланманг, деб кўнмади. Бир вақт, соат ўн иккимиди-ей, бирмиди, томнинг орқасидаги гудинг-гудинг гаплашган товушдан уйғониб кетдим. Бирпасдан кейин машинанинг ҳам овози эшитилгандай бўлди. Юрагим ҳовлиқиб, хўжайинимни уйғотдим, кўчага чиқинг-чи, бемаҳалда юрган кимлар экан, ё Собиржон акам келдимикин, деб. Чиқиб қараса, Ферузаларнинг дарвозаси олдида биров гўдайиб турганмиш. «Ҳой! Кимсан?» деса, тап тортмай олдига кепти. Ғуломжонмиш. Нима гап, деса, Ферузаларникида кимлар борлигини сўрармиш. Кейин тоғангиз пўписи қилиб, уйга жўпатиб юборибди.

— Қизларимиз ҳам борган сари ўткирлашиб кетяпти, замонга мослашиб,— деди бошқаси.— Эҳтимол ўзи ваъда бергандир, ёлғиз бўламан, келинг, деб.

— Феруза унақа қизмас! — чўрт кесди Лайлихон.— Оғзингизга қараб гапиринг.

Бир неча кундан сўнг Ғуломжон тўғрисида янги гап тарқалди. Табелчиликдан ҳайдалганмиш. Ҳеч ким сабабини аниқ билмасди. Биров, бригадир билан уришиб қолибди, дерди, биров Салимжоннинг тўйида Зиёд билан жанжаллашган экан, шунинг учун бўшатишибди, деса, яна бошқаси, ўғирлиги очилиб қолганмиш, дерди.

Бригада ёшлари Шермат акани ўртага олишди. У ҳам аниқ бир гап айтмади-ю, лекин миш-мишларнинг кейингиси ростлигига шаъма қилди.

Феруза Ғуломжондан ҳар қанча аччиқланган бўлса-да, бригадирнинг гапига ишонмади. Кечки пайт колхоз идорасига борди. Комсомол комитетига кирди. Секретарь хонасида экан.

— Афсуски, унинг тўғрисидаги гапларнинг кўпи рост,— деди Қобилжон.— Ишламаган иккита одамга тўла иш ҳақи ёзиб, ўзи қўл қўйиб олиб юрган экан. Ревизор ведомостларни текшираётиб пайқаб қолибди. Тўғри, у бутун айбни бригадирга ағдаришга уриняпти. Бироқ бригададаги молиявий ишларга, асосан, табелчи жавобгар.

— Энди нима бўлади? Қамаладимми?

— Йўқ. Аслида комсомолдан ўчириб, ишини тегили-
га ошириш керак эди. Аммо коллектив кучи билан тар-
биялашга қарор қилдик. Албатта, ўзлаштирган пулини
тулайди.

— Кўпми?

— Икки минг сўмдан ошиқроқ. Ярмини у, ярмини
бригадир тулайди. Чўлда ишлаш учун битта одам жуна-
тиш тўғрисида райком комсомолнинг топшириғи бор.
Шунга Ғуломжонни тавсия қилмоқчимиз. Сиз нима дей-
сиз?

Феруза елкасини қисди.

— Ўзи нима деяпти?

— У рози. Чўлда тобланиб, пишиб келса ажабмас.
Ё бригадада қолдирайликми? Ўзларинг тарбиялайсиз-
ларми?

— Йўқ-йўқ! Кетаверсин!

Икки кундан буён қорасини кўрсатмаётган Ғулом-
жон эрталаб далада пайдо бўлиб қолди. Тўғри Феруза-
нинг олдида келди.

— Ҳорманг.

— ...

— Сизнинг олдингизга келувдим.

— Кўриб турибман. Нимага?

— Эртага кетяман... чўлга.

— Эшитдим!

— Бугун кечки пайт шафтолизорда кўришсак.

— Нима учун?

— Нега бундай бўлганини тушунтирмоқчиман.

— Кераги йўқ.

— Илтимос.

— Йўқ! Кетинг, ҳамма қараяпти.

Феруза ишида давом этди. Ғуломжон оғирлигини гоҳ
у, гоҳ бу оёғига ташлаб, бир оз турди-да, хўрсиниб, ор-
тига қайтди.

2

Ғуломжон поездда фарғоналик бир йигит билан та-
нишиб қолди. Икки йилдан буён Қаршида механизация-
лашган кўчма колоннада ишларкан. Ҳозир бетончилар
бригадасининг бошлиғи эмиш. Меҳнат отпусчасини туга-
тиб, қайтаётган экан. Ғуломжоннинг чўлга ишлагани
кетаётганини эшитиб, ёпишиб олди.

— Хўп деяверинг, афсусланмайсиз,— деди у сам-
мий.— Бригадамиз, асосан, ёшлардан иборат. Битта ота-
хонимиз бор, лекин у ҳам йигитлардан қолишмайди.

Дилкаш одам. Ишимиз янги канал қирғоғига бетон ётқизишдан иборат. Тезда ўзлаштириб оласиз. Бизда ишласангиз, тез орада разрядли бетончи қилиб етиштирамиз.

— Бораверайлик-чи, кўрармиз,— Ғуломжон дудмол қилди. Чунки унинг нияти ҳамқишлоқлари ишлаётган совхозга бориш эди. Аммо Олимжон тутган еридан кесадиган йигит экан. Область комсомол комитетига кириб, бирпасда тўғрилаб чиқди. Сўнг кўчма колонна идорасига бошлаб кетди.

Ёши қирқ бешлардаги, орқага силлиқ таралган сочларига оқ оралаган барваста киши — прораб алланима ёзиб утирарди. Тўрт қанотли деразада бир эмас, иккита совутгич ишлаб турар, хона муздай, роҳатижон эди.

Қирганларни кўриб, прораб ишини тўхтатди. Лекин ўрнидан турмади. Кресло суянчигига ястаниб:

— Ҳа, келинглар,— деб қўйди истар-истамас. Олимжон стол олдида боргандагина хиёл қўзғалиб, кўришгани қўл узатди. Ғуломжонга эса бош ирғаб қўя қолди.

— Хўш, ўртоқ Одиллов, отпуска дуруст ўтдими?— сўради Парпиев салобат билан

— Раҳмат!

— Хўш, хизмат? Бу йигит ким?— прораб Ғуломжонга бош ирғади.

— Бригадага янги аъзо олиб келдим. Андижонлик.

— Ҳм. Яхши! Ишга олампиз. Лекин сизнинг бригадангизга эмас.

— Нима учун?

— Биз раҳбарлар билан келишдик, бригадангизни тарқатиб юбормоқчимиз.

— Тарқатиб юбормоқчимиз? — Олимжон ҳайратланди.— Нима деганингиз бу, ўртоқ Парпиев? Сабаб?

— Ўзингизни гулликка солманг, боисини яхши биласиз. Бизга планни бажармайдиган, корхона бўйнига боғланган тош бўлиб, доим орқага тортиб юрадиган бригаданинг кераги йўқ!

— Эҳтимол сизга, шахсан, кераги йўқдир. Аммо бригадада жонли одамлар ишлайди. План масаласида эса яна гаплашамиз.

— Гаплашамиз дейсиз-а?!. Бригаданинг ярми тарқалиб кетган бўлса. Отпускадалигингизда яна уч киши ариза бериб, бошқа бригадага ўтиб кетди. Манави янги одамнингиз ҳам у ердаги аҳволни кўрса, бир ҳафтадаёқ қочиб қолади. Туппа-тузук бригадани бир йилдаёқ ўтқизиб қўйдингиз-у, яна гаплашамиз деб чиранасиз-а?

— Бригададаги аҳвол учун, фақат мен эмас, аввало сиз айбдорсиз. Кетдик, Гуломжон, бу одам билан гап талашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

— Тўхтанг, йигит, қаёққа кетасиз? — деди Парпиев ўрнидан сапчиб тураркан.— Ҳозир бирга бошлиқнинг олдига кирамиз. Бригадангизни тарқатиб юбориш тўғрисидаги буйруқ билан танишиб, қўл қўйиб кетасиз.

— Бўлти, юринг! — деди Олимжон кескин.— Гуломжон, сиз бирпас ташқарида кутиб турасиз энди.

Гуломжон бинодан чиқиб, ҳовли ўртасидаги ҳовуз бўйига, ёш чинор остига ўрнатилган скамейкага ўтирди. Кўнгли ғаш эди. Олимжоннинг гапига кириб, бу ёрга келганидан пушаймон бўлди. Бир кўнгли қайтиб, обком комсомолга бориб, ҳамқишлоқларининг олдига жўнатишларини илтимос қилишни ҳам ўйлади. Бироқ нима биландир кўнглига ўтиришиб қолган Олимжонга айтмай кетишни эп кўрмай, уни кутишга қарор қилди.

У ҳовузнинг кўкара бошлаган сувига боқиб, паршон ўтираркан, хаёли қишлоғига кетди. Буёққа келишига сабаб бўлган воқеаларни, айниқса, Феруза билан ораларига тушган совуқчиликни ўйлаб, юраги сиқилди.

Шермат аканинг мурувватига, меҳрибонлигига болаларча гўллик билан ишониб, панд егани учун дили эзиларди унинг.

Шермат акадай обрўли, машҳур киши уни ўзига тенг кўриб, бирга улфатчилик қилгани, ўта сахийлик кўрсатгани учун қанчалар боши осмонга етган эди. Тўғри йўл кўрсатадиган маслаҳатгўй мураббий топилганидан севиниб, ўқишга кириш оворагарчиликларию хижолатпазликларини ҳам унута бошлаганди. Бунинг устига севган қизининг ёнида бўлиш, у билан бирга ишлаш хаёли билан маст эди.

Ҳаммаси пуч хаёл, сароб бўлиб чиқди. Ферузанинг ғазабига учради, пешонасига колхознинг пулини ўзлаштирган қаллоб, ўғри деган шармандалик тамғаси босилди. Кейингисига, албатта, ўзи айбдор. Шермат аканинг аврашларига кўр-кўрона ишониб...

Ўқишга киролмаганидан одамларга кўринишга юзи чидамай уйда ётган кунларининг бирида, кечқурун Шермат ака кириб қолди. У қариндош бўлса-да, Гуломжонларникига кам келарди. Чол-кампир унинг ташрифидан бошлари осмонга етиб, ош-сув қилишди. Шермат ака гап орасида:

— Расулберди ака, Гуломжонни ёнимга олсам, нима дейсизлар? — деб қолди.

— Барака топинг, ишим,— бидирлаб кетди Қумри хола отадан олдин.— Сиз мурувват кўрсатаман, дейсиз-у, йўқ дегулигимиз борми. Ёлғизгина боламиз сиздай бўлиб юрса қанийди. Мана, ўқишга кираман, деб икки йил уринди, бўлмади. Ёлғиз отнинг чанги чиқсаям донги чиқмас экан.

— Умрингдан барака топ, Шерматвой,— деб қўйди Расулберди бува оппоқ соқолини силаб.

— Энди, гап бундай, жиян,— деди Шермат ака Ғуломжонга юзланиб,— эртадан бригадага чиқиб, бир-икки ой шийпондаги ёзув-чизувларга қарашиб турасан. Табелчимиз мазаси йўқроқ одам. Келишолмай қолдик. Бунинг устига касалванд, унча иш бермаяпти. Яқинда бўшатаман. Ўрнига сени қўйдираман. Унгача табелчиликнинг йўл-йўриқларини ўрганасан. Дурустми?

— Билмадим... Ҳайронман,— Ғуломжон иккиланди.

— Ўғил бола деган шартта гапириши керак,— таъбеҳ берди Шермат ака,— мужмаллик қилма. Мен сени ёмопликка бошламайман. Одамлар билан муомала қилишни, ишлашни, пул топишни ўрганасан. Фақат менинг чизигимдан чиқмасанг бўлди. Битта нон топсак, бўлишиб еймиз. Яхшиликни биладиган одамдан муруватимни аямайман.

Шермат аканинг бригадага келадиган меҳмонлари сон-саноқсиз экан. Баъзан деярли кунбўйи уларни зиёфат қилишдан бўшашмасди. Ғуломжон деярли барчасида қатнашар, асосан бригадир ва унинг улфатларини хизматида бўларди. Шермат ака танишларига Ғуломжонни яқин укаси сифатида таништирарди. Ҳар замонда ёнига чақириб, меҳмонлар билан ўтиришга қистаган бўлиб, бир пиёла-ярим пиёла арақ ҳам қўйиб берарди.

Колхознинг спорт инструктори, Ғуломжоннинг синфдоши Зиёдбек ҳам Шермат аканинг ҳамтовоқларидан эди. У бригадада колхоз правлениесининг вакили саналарди.

Ўқувчилик пайтларида Ғуломжоннинг обрўси Зиёдникидан баландроқ эди. У бу билан ҳисоблашар, Ғуломжонга ўзини яқин тутиб юрарди. Энди бўлса, гарчи сездирмасликка уринса-да, муомаласидан, қарашларидан нописандлик, ўзини устун тутишини англаш қийин эмас эди.

Бир куни Ғуломжон оммавий-сиёсий ишлар хонасида бекорчиликдан китоб ўқиб ўтирганди, Феруза кириб қолди.

— Ҳорманг, чарчаб қолмаяпсизми? — деди қиз салом-аликдан сўнг жилмайиб.

Ғуломжон унинг оҳангидаги кинояни сезиб, хижолат тортди.

— Шукур, давлатингиз соясида...

— Жуда сояпарвар бўлиб кетманг, заҳлаб қоласиз.

— Хўп! Бир оғиз гапингиз-да. Буюринг, бажарамиз.

— Бригадирнинг пинжида юриб, буйруқни бажаришга ўрганиб қолибсиз,— узиб олди Феруза.

Бу гапнинг заҳридан Ғуломжон титраб кетди:

— Бригадир ҳаммамизнинг раҳбаримиз, сизга ҳам буйруқ бериши мумкин.

— Албатта! Нимасини айтасиз.

— ...

— Айтишгандир, Ғуломжон ака...

— Нимани айтишади? Хўш, ўзингиздан эшитсак.

— Биринчидан, бизда, иш вақтида бекор туриш одатмас.

— Тушунарли. Иккинчидан-чи?

— Иккинчидан бригададаги ҳамма ишларни бўлишиб олганмиз. Сиз ҳам...

— Жоним билан. Хизматга тайёرمىз...

— Маслаҳатлашиб, «Комсомол прожектори»ни, «Чақмоқ», «Жанговар варақа»ни сизга беришга қарор қилдик. Деворий газетани чиқаришга ҳам ёрдам бериб турасиз-а? Мактабдалигингизда шеърлар ҳам ёзардингиз шекилли-ку.

— Фақат сизга атаб.

— Ростдан-а? Ҳеч ўқиб бермагандингиз-ку?

— Ҳозир ўқиб берайми?

— Йўқ!

— Қачон?

— Ҳеч қачон!

— Яна-я?

Ғуломжон уф тортди. Феруза кулди.

— Чидасангиз шу!.. Ҳалигиларга хўп демадингиз-ку?

— Сиз ҳам шеъримни эшитмадингиз-ку?

— Ҳозир эшитишни истамайман.

— Қачон истайдилар?

— Билмадим... Бу ўзингизга боғлиқ.

Феруза шундай деб, гизиллаганича чиқиб кетди. Зум ўтмай яна мўралаб:

— Ғуломжон ака, қизларнинг яна битта илтимоси бор эди, айтиш эсимдан чиқибди,— деди.

— Қизларники керакмас, ўзингизники бўлса, айтинг. Феруза позли жилмайди:

— Бўпти, ўзимники. Ривожни паст ғузаларга қўшимча ўнг соляпмиз, биласиз. Шунга пича қарашиб юборсангиз, илтимос.

— Ғўнг ташийманми?

Ферузанинг қошлари чимирилди.

— Нима бўпти? Биз ташияпмиз. Ё сиз...

— Бўлди! Йўқ демадим, ахир. Ғуломжон қизга билдирмай хўрсиниб қўйди.

...У куйиб-пишиб ишлаётганди, мотоциклда Зиёд келиб, тўхтаб қолди.

— Ғорманглар! — деди қизларга қарата. Сўнг Ғуломжон билан кўришар экан, ғўнгга ишора қилиб:— Ғуломбой, тузук, қўлингдан иш келиб қолибди,— дея илжайди.— Эҳтиёт бўл, тағин олтин медаль ҳам аралашиб кетмасин.

Қизлар пиқир-пиқир кулишди. Олифта кийинган Зиёдни кинояси Ғуломжонга оғир ботди. Лекин ўзини босди.

— Ғаммаям сенга ўхшаб катта амалдор бўлавермайди-да, оғайни,— деди оғирлик билан.— Бу ишни ҳам кимдир қилиши керак.

Зиёд бўзариб кетди. Бироқ ўзини эшитмаганга солиб, Ферузага гап қотди:

— Ферузахон, гап бор, шийпонга юринг.

— Айтаверинг гапингизни, кўряпсиз-ку, ишляпмиз,— деди Феруза зарда билан.

— Эртага комиссия келяпти, спорт ишларини кўриб қўйишимиз керак.

— Спорт фақат комиссия келганда эсингизга тушаркан-да?— Гапга аралашди Нозима.— Йиртиқ волейбол туридан бошқа ҳеч бало йўқ шийпонда. Тағин оғзингизни тўлдириб, спорт ишлари, дейсиз.

— Бўлади, ҳаммаси бўлади. Мана, ҳозир комсорг билан маслаҳатлашамиз, эрталабгача ҳамма зарур спорт инвентарларини келтирамиз.

— Агар ўтган галдагидек, комиссияга кўрсатгач, йиғиштириб олиб кетадиган бўлсангиз, керакмас,— деди Феруза.

— Йўқ-йўқ, бу сафар ҳаммаси ўзларингизга қолади. Қани, мотоциклга ўтиринг, кетдик.

Ғуломжонда ўзига яраша ғурур бор эди. Бригадада ўз ўрни йўқлиги, катта оғиз, майшатпараст Шермат

ака, Зиёдларнинг сал кам югурдагига айланиб қолаётгани нафсониятига тегарди-ю, бироқ бригададаги иккинчи раҳбар — табельчиликни эгаллаб, тенгқурлари, айниқса Феруза олдида обрусини тиклаб олиш илнжи қаршилик кўрсатишга йўл бермасди.

У бригадирнинг раҳбарлик усулини кузатаркан, ҳайрон қоларди. Шермат ака ишлар билан бутунлай қизиқмайдигандек кўринарди. Тўғри, эрталаб келиб, унибуни суриштиргач, бир нечта одамга топшириқлар беради. Ҳар замонда далани бир айланиб қўяди. Шугина холос. Аммо бригадада ишлар бир зайлда яхши кетаверарди. Таниш-билишлари орқали минерал ўғитларни ортиқчаси билан олар, чопиқ трактори бошқа бригадаларда биттадан, унда иккита эди.

Ғуломжон бригадирнинг хотамтойлиги сирларини табелчиликка тайинлаганидан кейин аста-секин тушуна бошлади.

— Ғуломжон, пича маслаҳатлашадиган гаплар бор,— деди Шермат ака бир ҳафта ўтгач, табелчи хонасида.— Ўзинг биласан, бизда меҳмон-измон, келди-кетди. кўп. Ҳеч қайсисини қуруқ жўнатиб бўлмайди. Керакли одамлар. Ҳаммасини ёнимиздан зиёфат қилиш учун сениям, мениям ойлигимиз етмайди. Ё потўғрими?

— Тўғри! — деб минғирлади Ғуломжон гап тополмай.

— Бунинг йўли шундай жиян: иккита ўзингга қарашироқ одам топасан. Ҳар бирига ойига юз эллик сўмдан ойлик ёзиб борасан.

— Ишламаган одамларга-я?

— Қўрқма, бу олдиндан бўлиб келган иш. Колхознинг катталари билан келишганмиз. Мен айтдимми, ҳеч чўчимасдан қилавер. Ким бир парса деса, жавобини ўзим айтаман. Уч юзнинг эллиги сенга, кам-кўстингга ишлатиб турасан. Қолганини бамаслаҳат харажат қиламиз.

— Пулни ўша одамлар ўзлари қўл қўйиб олишадими?

— Йўқ, ўзинг эплаштириб қўяверасан. Фақат уларга сал шипшитиб қўй, бирор бемаъни текшириб қолгудай бўлса, олганмиз, дейишлари учун. Албатта, сенинг ишингни мендан берухсат ҳеч ким ревизия қилолмайди-ю, ҳар эҳтимолга қарши-да.

— Кейин чатоғи чиқса-чи? — Ғуломжон рад этишга ботинмайроқ гапирди.

— Ие, мен ҳалидан бери нима деяшман, сенга! Иккаламиз иттифоқ, бир оғиз бўлсак, ҳеч чанги чиқмайди. Жиян, қўлда берганга қуш тўймас. Ойликнинг ўзи билан тирикчилик ўтказиш қийин ҳозирги замонда. Қолаверса, бу пулларни бригаданинг манфаати учун сарфлаймиз. Мана шу улфатлар, таниш-билиш, ошна-оғайнилар бўлмаса, бу илғорлик қайда-ю, мақтовлар, мукофотлар қайда. Менинг қанотимда юрсанг, кам бўлмайсан.

Ғуломжонга Шермат ака ҳар иш қўлидан келадиган қудратли киши бўлиб кўринди. Кўнгил хиралик билан бўлса ҳам унинг айтганига кўнди.

— Ҳа, айтгандай,— деди хонадан чиқиб кетаётган бригадир арзимаган гап эсига тушиб қолгандай останада тўхтаб.— Бизнинг Носирбойгаям оз-моз ҳақ ёзиб тургин. Биламан, хирмонда аралашиб юрибди.

Носирбой дегани Шермат аканинг туғма довдир ўғли. Иш қилиш қаёқда, ҳаммага халақит бериб, сандироқлаб юради. Лекин бригадирга қандай йўқ деб бўлади?

Ғуломжон Зиёд билан Шермат аканинг қалинлиги сабабини ҳам кейинроқ англади.

Кеч куз эди. Бир куни спорт инструктори унинг олдига беш юз сўмлик ҳисобдан чиқариш актини кўтариб келди.

— Дўстим, шу қоғознинг арзини тинглаб, бармоқ босвор,— деди актни Ғуломжоннинг столига қўйиб, қувноқ оҳангда.— Эски спорт инвентарларини списать қилишимиз керак.

— Қанақа инвентарь? Бу ерда ҳеч нарса йўқ-ку, ахир.

— Бор, бўлган. Сенгача ҳаммаси бузилиб, узилиб, синиб, ёрилиб, адойи тамом бўлган. Қўл қўявер.

— Мен йўқ нарсага қўл қўёлмайман.— Ғуломжон қоғозни Зиёднинг қўлига тутқазди.

— Ҳу Шермат ака! Табелчингиз кўнмаяпти, ўзингиз бир нарса денг! — деди Зиёд очиқ деразадан бошини ташқарига чиқариб.

— Ғуломжон, имзолаб бергин ўша қоғозини,— буюрди бригадир ўша ёқдан туриб.

— Ахир бизда ҳеч қанақа спорт ашёси йўқ-ку! — Ғуломжон бўғилиб кетди.— На эскиси, на янгиси. Қанақасига... қўл қўйишим керак?!

Шермат ака унга яқинлашди:

— Мен айтгандан кейин қўл қўйиб беравср,— деди

насиҳатомуз.— Ҳаммаси йўқолиб кетган нарсалар, ҳозир қайдан топиб кўрсатади, сенга?

— Ундай бўлса, ўзингиз имзолаб беринг.

— Ие, Ғуломбой, бунақамас,— хўмрайди бригадир.— Ахир келишиб олганмиз-ку, иттифоқликда ишлаймиз, деб... Мен айтганни қилавер, сенга гап тегмайди.

Ғуломжон бу пулни бригадир ва Зиёд аллақачон бўлишиб, йўқотиб бўлганини фаҳмлади-ю, бари бир, яна бригадирнинг иродасига қарши чиқолмади. Қалбаки актга имзо чекиб юборди...

3

— Ғуломжон! Кетдик!

Олимжоннинг овози Ғуломжоннинг хаёлини бузди. Урнидан туриб нарсаларини қўлига олди. Олимжоннинг юзи бўғриқиб кетган, кўзлари чақнарди.

— Нима бўлди? Ҳал қилдингларми?

— Э,— Олимжон қўл силтади,— нима бўларди... Яна уч ой муҳлат беришди. Бу катта муддат, бир дунё иш қилвориш мумкин. Юринг, кадрлар бўлимига кирайлик. Сизни приказлаштиришимиз керак. Кейин тезроқ жўнамасак бўлмайди. Йўл олис... Фикрингиздан айнаб қолганингиз йўқми?

— Йўқ.

Кадрлар бўлимида узоқ туришмади. Корхона дарвозасидан чиқишганда, Олимжон темирбетон плита юкланган КРАЗ машинасини кўриб, суюниб кетди.


— Саша шу ерда экан. Бирга кетамиз. Йўлимиз қисқарадиган бўлди. Бирпасда етамиз. Топиб гаплашай-чи, қачон жўнарсан.

Олимжон яна ичкарига кириб кетди-ю, 15—20 минутларда эски шапка кийган рус йигити билан қайтиб чиқди.

— Машинага чиқинг, Ғуломжон,— деди Олимжон.— Кетамиз.

Жўнашди.

— Мен сенга айтгандим-ку, Олимжон, эсингдами, Парпиев осонликча кечирмайди, деб,— Саша соф ўзбек тилида гапирарди.— Мана, кўрдингми, сен уни жиний жавоб билан саклаб қолдинг, махинацияларини тўлдирмади. Ҳаммаси бўлса, ўзингни бригадирликка туширгизди, бўш келсанг бундан ҳам хайлатали.



— Бригадирликка ўз ихтиёрим билан утганман. Партбюронинг топшириғи билан.

— Қўйсанг-чи, мени билмайди дейсанми, ҳаммаси ўшанинг иши, дўстим, Парпиев уста одам. Мана, унинг участкаси пэмкадаям, трестдаям биринчи. Қўрасан, яқин орада яна ўзи бошлиқ бўлади.

— Эҳтимол бўлиши мумкин!..— жавоб берди Олимжон ўйчанлик билан.— Тўғри, ўшанда кўнгилчанлик қилиб катта хато қилганман. Трест бошлиғи: ПЭМка бошлиқлигидан прорабликка туширдик, пулни ундирдик, виговор бердик. Бу гапларни ташқарига чиқармай қўя қолайлик; партиядан ўчиб, қамалиб кетмасин, ёш болалари бор, жабр бўлади,— деб илтимос қилганди. Раҳмим келиб, хўп дебман.

— Албатта, илтимос қилади-да, ахир улар қалин ошпа-ку.

— Йўғ-е?

— Трест бошлиғининг янги қураётган уйини кўрганмисан?

— Йўқ.

— Санаганим йўғ-у, ўн бештача хонаси бор. Ҳали битгани йўқ. Ўша уй, менимча, бизнинг ПЭМка ҳисобидан қуриляпти.

— Шунақа дегиш? Аниқ биласанми?

— Йўқ, тахмин... Икки-уч марта Парпиевнинг буйруғи билан материал элтиб бердим. Ҳар қалай, Олим, Парпиев билан олишиб удда қилишинг қийин. Айниқса, бир ўзинг.

— Энди ёлғизмасман. Камол ака бор, Қозимжон...

— Ҳа, Камол акага суянса бўлади. Зўр одам.

— Ке, қўй, бир гап бўлар. Омон бўлсак кўрафмиз, деган гап бор-ку. Биз ҳам бўш келмаймиз парпиевларга. Хўш плиталар бизгами?

— Э йўқ, сенга йўл бўлсин. Тўртинчига олиб кетяпман. Лекин илтимос қилсанг, беришим ҳам мумкин. Йўлим қисқароқ бўлади.

— Майли, бораверайлик-чи.

— Меҳмон билан таништирадинг, Олим? — Саша Ғуломжонга қараб қўйди.

— Кечирасизлар, гап билан бўлиб... Ғуломжон. Андижонлик. Комсомол путёвкasi билан ишлагани келаяпти.

— Яхши,— деб қўйди Саша Ғуломжонга яна бир сиповчан боқиб.

— Ўзбекча яхши гапираркансиз,— Ғуломжон нима дейишини билмай.

— Болалигидан ўзбеклар орасида ўсган-да,— Сашанинг ўрнига Олимжон жавоб қилди.— Ўзбекча ашулаларни қийворади. Зўр йигит. Мақомниям шундай элиб айтадики, ҳайрон қоласиз. Тошкентдаги мақомчилар ҳам бунинг олдида ип эшолмайди.

— Мақта-я, мақта,— Саша кулди.— Сенга қолса ҳофизгаям чиқариб қўясан.

— Рост-да. Ишлар сал бир ёқли бўлсин, сени ўзим бош бўлиб консерваторияга жўнаттираман. Қани, олмай кўришсин-чи, чўлқуварни.

— Олишади, олишади,— Саша кулди.— Сен айта-сан-ку, йўқ дейишармиди.

— Жойимизга етвойлик, бир жуфт ўзбекча, бир жуфт русча ашула айтиб беради. Ё ҳозир бошлай қоласанми, Саша?

— Қўйсанг-чи, ашулага нима бор ҳозир, йўлнинг расволигини қара. Яқинда текислашганди.

Йўл чиндан ҳам олис экан. Кун ботишига яқин етиб келишди. Ишчилар канал қирғоғида дам олиб ўтиришарди. Ғуломжон уларнинг бригадирни қувонч билан кутиб олишганини, қучоқлашиб кўришганларини кузатаркан, Олимжоннинг обрўси баландлигини ҳис этди. Ишчилар Саша билан ҳам ҳазил-мутойиба қилишиб қадрдонларча кўришишди.

Ғуломжон ҳамма ўзига қараб тургани учун ўнғайсизланиб туриб қолди.

— Жуда пўримини топиб келибсан-ку, Олимжон?— деди бетон қорадиган машинага суяниб турган каттароқ ёшдаги киши.— Ишқилиб, бунинг ҳам уч кундаёқ қочиб кетмайдими?

«Отахонимиз дегани шу бўлса керак»,— деб кўнглидан ўтказди Ғуломжон.

Ғуломжон ишчилар билан кўриша бошлади. Камол ака унга синчков нигоҳ билан бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди-да, қўлини қисди. Ғуломжоннинг суякларини қисирлаб, кўзлари ёшланди.

— Вей, менга қара,— деди Камол ака қовониб келиб,— чўлга кимнинг қўлини кутариб келдинг? Пахта-я, пахта. Ҳей аттанг, эсизгина йигит.

Ишчилар қаҳ-қаҳ уриб кулди. Ғуломжон ўзига бўлиб, ерга қаради. Камол ака бош чайқаб қўйди.

Сўнг:

— Бошингни кўтар, йигит, хафа бўлма,— деб унинг

елкасига қўлини қўйди.— Ҳечқиси йўқ. Кўп ўтмай булар ҳақиқий эркакнинг қўлига айланади бу ерда. Фақат чидаш бера олсанг бас.

У бригадирга қаради:

— Бу болани менга тиркаб қўй, ўзим одам қиламан.

— Майли-ю, лекин жуда қийнаворманг. Тагин қочириб юбориб, орқасидан қидириб юрмайлик.

— Қочмайди. Қочса, мен беноват. Осмонга чиқса — оёғидан, ерга кирса — қулоғидан тортаман.

— Плиталарни тушириб оласизларми, ё «туртинчи»-га олиб кетаверайми? — сўради Саша.

— Олиб кетавер,— Камол ака қўл силтади,— автокран бузуқ, қўлда тушириб бўлмаса.

Саша кетгач, Олимжон прораб Парпиев билан кўчма колонна бошлиғининг хонасида бўлган гапларни қисқача айтиб берди.

Бригадани тарқатиб юбориш тўғрисидаги гапларни ишчилар ҳар хил кутиб олишди.

— Бунақа судралиб юргандан тарқалиб кетган ҳам яхши,— тўнғиллади бир йигит.— Эшакдай ишлайсан, маош бўлса, бошқа бригадаларникидан икки баравар кам.

Баҳс, тортишув қизиб кетди. Биров у деди, биров бу. Лекин, бари бир, бир қарорга келишолмади. Эрталаб Олимжон Камол ака билан нималарнидир анча тортишишди-да, қаёққадир кетди. Камол ака унинг ортидан бош чайқаб бирпас қараб тургач Ғуломжонга:

— Қани, юр-чи,— деб буюрди шағал уюмни кўрсатиб. Ғуломжон унинг ёнига бораркан, ишчилардан бири:

— Шўрингиз қуриди,— дея ачиниб кулган бўлди.

— Сен нимага қўрқитяпсан, ҳу дангаса? — унга ўшқирди Камол ака.— Буларнинг гапига қулоқ солма. Қани, орқага ўт.

Ғуломжон замбилни кўтарди. Шағал анча пастдан кўтариб чиқиларди. Ғуломжон тезда ҳолдан тойиб, қўллари ўзига бўйсунмаётганлигини пайқади.

Бир вақт Камол ака.

— Қани, олдинга ўт-чи,— деб қолди. Ғуломжон итоаткорлик билан унинг айтганини қилди.

— Ие, оёқларинг чалмашиб кетяпти-ю, йигит? — деди Камол ака.— Бўшашма! Ўзингни маҳкам тут.

Ғуломжон тишларини қисди. Индамади.

Кечгача зўрға чидади. Бармоқлари зирқираб оғирди. Иш тўхтагач, вагон-уйларга қайтишаркан,

аҳволини бошқаларга билдирмасликка уринарди.

Йигитлар қоқиниб-силкиниб вагон-уй олдига қатор илинган умивальникларда ювина бошлашди. Боя Ғуломжонга шўрингиз қуриди, деб ачинган чуван йигит Қозимжон умивальниклар бандлигини кўриб, қозоннинг бошига борди-да, овқатга кўз ташлади.

— Ие, яна шавлами? — деди оқ фартуқли бақалоқ йигитга норози оҳангда. — Нима, шундан бошқа овқатни билмайсанми?

Ошпаз Сотволди ўчоққа ўтин ташларкан, унга бепарво қараб қўйди.

— Хоҳласангиз шу, тўрам, хоҳламасангиз, пулингиз чўнтагингизда. Бу ер катта холангизнинг ресторанимас танлаб егани.

— Ҳар кунгидай гўштнинг ярми шахсий бочкангга, — Қозимжон унинг қорнига ишора қилди, — тушиб кетгандир? Бугун ҳам қуруқ суяк ғажирмиз?

Сотволди бақбақаларини силкитиб хохолаб кулди.

— Мучалинг шунақа бўлса, нима қилай, ошна? Ўчакишгандай доим сенинг косангга суяк тушади.

У кулгидан тўхтаб, жиддийлашди.

— Менга қара, Қозим, ўзинг чинчалоғимдай боласан. Бир чимдим овқатга тўясан-у, жанжал қилганинг қилган-а?

— Бизга тегишли гўштларни сен еяверсанг, мен қаёқдан семираман? — тўнғиллади Қозимжон. — Аслида бурнингни ерга ишқаб, шағал ташитиш керак. Меҳнаткаш халқнинг қадрига иннайкейин етасан.

— Бўпти, эртага сенга топшираман ошпазликни. Бемаъни гапларингни эшитгандан шағал ташиганим минг марта афзал.

— Ҳа, ташийсан-а, ташийсан. — Қозимжон кулиб унинг қорнига қаради. — Ярим йўлга етмай бола ташлаб кўярсан...

Йигитлар хохолаб кулишди.

— Иккаланг яна жанжаллашяпсанми? — Камол ака қўлларини сочиққа арта-арта уларга яқинлашди. Ҳар куни бир тортишмасаларинг, хумори тутиб қоладими дейман-да-а?

— Э, қарамайсизми, — Сотволди Камол акага шикоят қилди, — ҳамма ювиняпти-ю, бу ювуқсиз бўлса, менга осилиб ётибди-да.

Йигитлар кулиша-кулиша столга ўтиришди. Навбатчилар овқат тарқата бошлади. Қаттиқ чарчаганидан бўлса керак, Ғуломжоннинг иштаҳаси йўқ эди. Йигит-

лар талашиб-тортишиб еяётган шавла унга ниҳоятда бемаза туюларди.

— Ис, меҳмон,— кулди Сотволди,— оғизларига ёқмадимми, дейман?

— Егиси келмаса, қистама,— гапга аралашди Камол ака.— Қўявер, бир-икки кун қантарилса, совитилган отдек гижинглаб қолади.

Ғуломжон уни бир кундаёқ ёмон кўриб қолган эди. «Бераҳм одам экан», деб қўйди ичида.

— Ғуломжонни қаерга жойлаштирсак экан-а? — сўради Олимжон овқатланиб бўлишгач.

— Ўзимизникига қўявер,— буюргандек бўлди Камол ака. Олимжон кулди.

— Нима, кечасиям тарбияламоқчимисиз?

— Уёғи билан ишинг бўлмасин.

Ғуломжон эрталаб аллакимнинг турткисидан уйфонди. Кўзини очиб, Камол акани кўрди.

— Турсинлар энди, тўрам,— деди Камол ака бир оз истехзо билан.— Бу ер онангизни уйимас тушгача ётавергани.

Ғуломжон хўмрайганича туриб ўтирди.

— Тур, тур тезроқ,— деди Камол ака жиддийлашиб.— Ювиниб нонуштага чиқ, йигитлар кутиб қолишди.

Камол ака чиқиб кетди. Ғуломжоннинг бадани қақшаб оғрирди. Оқсоқланиб ташқарига чиқди. Дарҳақиқат, йигитлар стол атрофида ўтиришарди. Ғуломжон ҳаммадан кейин турганидан уялди.

— Камол ака, шогирд болани бир кундаёқ қўлти-таяёқ таянадиган қилиб ташлабсиз-ку,— Сотволди ҳиринглади.

— Ўзинг бир-икки кун шу болачалик ишлаганингда кулишнинг ўрнига йиғлардинг. Келавер, ўғлим, бунинг гапига қулоқ солма. Бир-икки ҳафтадан кейин любойи билан беллашадиган бўласан. Ке, ўтир.

— Шогирдингизга саккизгача қўйиб бердингиз. Бизни бўлса олтидаёқ мажбур қилиб уйғотаверасиз.

— Ҳа, энди меҳмон деб бугунча иззат қилдик-да: эртадан ҳамма билан тенг турмай кўрсин-чи... Лекин, укалар, сизлар хафа бўласизлар-у, аммо-лекин эрта туришнинг хосияти кўп! Қани, тез-тез кавшанглар. Вақт бўлиб қолди.

«Бунча хўжайинлик қилмаса. Бригадир индамай ўтирибди-ю, бу бўлса, карчалонлик қилади», уйлади Ғуломжон гаши келиб.

Кечга бориб қўллари яна зирқираб оғрий бошлади. Бироқ номус кучли, тишини-тишига қўйиб чидади. Вақт пихоятда имиллаб ўтаётгандек, бу азоблар тугамасдек туюларди. Ишдан қайтгач, вагонга гандираклаб зўрға чиқди. Каравотга ўтирди.

— Жуда бераҳмсиз-да, Қамол ака,— Олимжоннинг ташқаридан овози эшитилди. — Аҳволини қаранг.

— Ҳечқиси йўқ, чиниқади,— деди Қамол ака пастроқ овоз билан.— Менинг раҳмим келмайди дейсанми... Хом экан-да. Қўявер пишисин, ўрганиб кетади.

Вагонга Қамол ака чиқди. Ғуломжон бошини кўтариб, қаради. Қамол ака унинг кўзлари ёшланиб турганини кўриб, қовоғини солди.

— Ха?— деди дағдағали овозда.— Нимага бушашиб ўтирибсан? Тур ўрнингдан, эркакмисан! Ювиниб кел, овқатланамиз.

Ғуломжон истаб-истамайгина ўрnidан турди, аста эшик томон юрди. Қамол ака унга разм солиб тураркан, қўллари авайлаётганини сезди шекилли:

— Тўхта-чи,— деди яқин келиб, Ғуломжоннинг кафтига қаради.

— Вой-бў,— деди ачиниб,— гўшт бўлиб қопти-ку. Нимага индамадинг?

У Ғуломжонни курсига ўтқазиб, аптечка қутисини очди. Дори суркаб бинт билан боғлаб қўйди.

— Хафа бўлма, тузалиб кетади.

Ғуломжон овқатни чала-чулпа еб, ётоқхонага кирди-ю, ўзини каравотга ташлади. Анчадан кейин ғалаговур қилиб бошқалар ҳам кириб келишди. Ғуломжон ёнида кимдир тўхтаганини сезиб, кўзини очди. Олимжон экан.

— Иситмангиз йўқми? — сўради у ташвишланиб.

— Йўғ-э,— Ғуломжон ўрnidан қўзғалди.

— Ётаверинг, ётаверинг. Ҳаммамиз ҳам дастлаб шунақа бўлганмиз. Кўникиб кетасиз. Дам олаверинг.

Каравотда ўтирган Қамол ака Ғуломжонга уйчан боқаркан:

— Ҳозирги ёшлар жуда ҳавойи бўлиб ўсяпти-да,— деб қўйди бошини чайқаб.— Биз ўн саккиз ёшда ўт кечганмиз. Ўқ ёмғири остида душман билан бетма-бет олишганмиз.

— Сиз катталарнинг тәпиб олганингиз шу,— Қозимжон қизишди.— «Биз ўт кечганмиз, урушганмиз». Ўт кечган бўлсангиз, урушган бўлсангиз, раҳмат. Лекин ҳадеб шуни миннат қилавериш керакми энди?

— Бу миннатмас, ўғлим,— деди Камол ака сулҳ оҳангида,— сен унақа дарров лов этиб кетмагин. Сизларга сабоқ бу.

— Сабоқ берганингиз яхши, лекин камситманг-да, урушган бўлсангиз, шароит шунини талаб қилган, зарур бўлса, биз ҳам четда қолиб кетмасмиз.

— Бу гапинг тўғри, Олимжон. Мен сизларни камситмоқчи эмасман. Чамамда, мўлжални сал мундайроқ олибман шекилли. Ҳақ гапини айтдинг. Мард йигит юрт буюрган ишдан бўйин товламайди. Эл ҳам ота-она билан тенг. У сенга тил, билим беради, одамликни ўргатади. Йигит киши ота-она олдида қанчалик бурчли бўлса, эли олдида ҳам шунчалик бурчли. Бунини унутган хор бўлади.

Ғуломжон баҳсга аралашмай жимгина эшитиб ётарди. Камол ака уни ҳавойи деганига ғаш келди-ю, лекин бу гапга қарши бирон далил тополмади. Тўпори, анчайин дағал кўринган бу одамлар ўзидан ҳар томонлама юксак эканлигини, улар олдида ўзининг анча бачкана, потавон эканлигини ҳис қилди. «Ғалати одамлар экан. Бор айбинини шартта бетингга айтади-қўяди. Мен уларни бу ерда фақат кўпроқ пул топиш учунгина ишляпти деб юрибман... Йўқ, бундай эмас шекилли. Ахир, пул топишнинг осонроқ йўллари ҳам бор-ку. Мапа, чайқовчилик. Номига бирор ерда ишлаган бўлиб, шаҳарма-шаҳар кезиб, минг-минглаб пул топаётганлар оэми?.. Бунақалар ўзимизнинг қишлоқдаям бор...»

Ишчилар чарчашганди. Кўп ўтмай Ғуломжондан бошқа ҳаммаси ухлаб қолди. Ёқимсиз, оғир хаёллар, қўл-оёқларининг оғриғи Ғуломжоннинг уйқусини қочириб юборганди. Очиқ ҳавога чиқиб, бирпас ўтиргиси келди. Шерикларини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида эшик томон юрди. Лекин, бари бир, Камол ака уйғониб, кўзини очди.

— Сенмисан, Ғуломжон? Уйқунг келмаяптими? Ётсанг бўларди, эрталаб туролмайсан... Елкангга бирор нарса ташлаб ол, ташқари салқин, шамоллайсан.

Ғуломжон елкасига пальтосини ташлаб, ташқарига чиқди. Канал лабига бориб, ўтирди. Атроф сокин. Чўлнинг ойдиндаги салобатли, сирли манзараси йигитнинг хазин қайфиятига монанд эди. Кўкда тун маликаси — тўлиқ ой ўз канизлари — сержилва юлдузлар билан кеча сокинлигига посбонлик қилади. Шоирлар уни қизга бежиз ўхшатмаган. Нурлари қуёшдек кўзни қамаштирмайди, баданини куйдириб, беҳаловат этмайди.

Қиз боқишларидек майин, латофатли. Ойнинг нафис нур пардаси остида кундузи хунук кўринадиган чўл ҳам гўзал қизнинг позик қўллари оро бергандек, чиройли.

Ғуломжон ойга термилиб ўтираркан, хаёлида Феруза жонланди: «Қани энди, мўжиза юз берса-ю, бир зумгина ойда кўринса»,— дея шивирлади интизор ошиқ. Ёдига бир мактабдошининг:

Сени қўмсаб, кетиб оромим,
Ойдан васлинг сўраб толаман.
Ойдинга чиқ, сен ҳам дилдорим,
Ой орқали ўпа қоламан,—

деган шеъри тушди. Ғуё Ферузанинг акси чиндан ҳам ойда кўринадигандек, узоқ термилиб ўтирди.

Бирдан баркашдек ойда Ферузанинг чеҳраси намоён бўлди. Унинг шуълаланиб турган чеҳрасидан тараляётган нур йигитнинг маҳзун қалбига ором бахш этиб аллаларди ғуё... Йўқ, бу Феруза эмас! Бутунлай бошқа қиз. Аммо чеҳраси таниш. Ғуломжон қаерда кўрганди уни? Қаерда?.. Эслади? Ахир бу Юлдуз-ку! Университетда қабул имтиҳонини бирга топширган қиз...

Иккаласини тенг чақиришди.

— Муваффақият тилайман,— деди Ғуломжон имтиҳон хонасига етиб келишганда, оҳиста. Қиз ялт этиб қаради. Унинг чеҳрасида аллақандай хавотирлик, қўрқинч акс этиб турарди.

— Раҳмат! Ўзингизга ҳам,— пичирлади қиз мулоийм жилмайиб.

Бирин-кетин билет олишиб, кўрсатилган жойларга ўтиришди. Ғуломжон саволларни ўқиб кўраркан, кўнгли жойига тушди.

Бир пайт ўқитувчилардан бири, жингалак сочлиги ўрнидан туриб энг орқада ўтирган йигитнинг олдида борди-да, имтиҳон билетини олиб:

— Йўқолинг, қорангизни ўчиринг бу ердан,— деди.

— Нега, домла? — сўради йигит саросималаниб.

Ўқитувчи қўлини парта остига тикиб, бир даста ғижимланган қоғоз олди. Йигит индамай аудиториядан чиқиб кетди. Ўқитувчи барча парталарни текшира бошлади. Ғуломжон билан кирган қиз партаси остидан ҳам ўшандай қоғозлар топилди.

— Сиз ҳам, синглим,— деди ўқитувчи бу сафар анча мулоийм қилиб.

— Булар меникимас,— қизнинг овози титрар эди.

— Чиқиб кетинг, деяпман, сизга! — ўқитувчи овозини сал кўтариб, таҳдид билан гапирди.

Қиз қалтираб, ўрнидан турди. Ғуломжон унинг орқасидаги партада ўтирарди.

— Тўғри айтяпти, шпаргалка бу қизникимас,— бехтиёр можарога аралашди у.— Билет олганидан бери бирор қоғозга қарагани йўқ.

Ўқитувчи ялт этиб Ғуломжонга қаради. Истеҳзоли илжайди.

— Шунақа денг? Унда, сизникидир эҳтимол?!.

— Нимага энди? — Ғуломжон пинагини бузмади.— Аввал кирганлардан қолгандир-да.

— Укам, сиз маҳмадоналик қилмай, ўзингизнинг ишингизни билинг.

Ўқитувчи энди қизга юзланди:

— Ҳалиям турибсизми? Чиқинг деяпман, сизга!

Шу пайт эшикдан учинчи ўқитувчи кирди.

— Бундай қилишга ҳақиқатга йўқ!— деди Ғуломжон қизишиб.— Нимага бекордан-бекорга ҳайдайсиз? Айтяпман-ку, ахир, шпаргалка ишлатгани йўқ.

— Тўхтанг-чи,— қизни тўхтатди янги кирган ўқитувчи, нима гаплигини уққач. Майли, тайёрланаверсин,— деди,— балки йигитча ҳақдир. Жойингизга ўтиринг, қизим. Яхшилаб тайёрланинг.

Шпаргалка қидирган ўқитувчи ёнидаги шерикларига кулимсираб, гап қотди:

— Олижаноб рицарлар замони ўтиб кетди, деймиз: Мана, донкихотлар ҳамон бор. Баракалла, йигит.

Ҳеч қанча вақт ўтмай яна унинг овози эшитилди.

— Қани, рицар, келинг-чи, буёққа,— деди нописанд оҳангда.— Қурайлик-чи, тилингиз бу томонга ҳам бурромикин.

Ғуломжон учинчи савол масаласининг ечимига яқинлашиб қолган эди.

— Илтимос, домла, яна бир оз...

— Чиқинг-чиқинг, дам олиш уйимас ҳаёл суриб ўтиравергани.

Ҳалиги қиз шоша-пиша ўрнидан турди.

— Мен чиқа қолай, майлими?

— Марҳамат!

Ғуломжон қизнинг кумагидан миннатдор бўлди. Масала ечиш билан оворалигидан қизнинг имтиҳон саволларига қандай жавоб қайтарганини билолмай қолди.

Қиз чиқиб кетди. Ғуломжон унинг ўрнига ўтириб, биринчи саволнинг жавобини айта бошлади. Ўқитувчи-

лардан бири, боя қизга имтиҳон топширишга рухсат бергани, яна ташқарига чиқиб кетганди. Қолган икки ўқитувчи эса Ғуломжоннинг жавобларига эътибор бермай, ўзаро гапга тушиб кетишди. Ғуломжон тўхтаб қолди. Ўқитувчиларнинг диққатини тортиш учун аста томоқ қирди.

— Гапираверинг-гапираверинг,— деди бири унга кўз қирини ташлаб.

Ғуломжон учала саволга ҳам жавоб бериб бўлди. Жингалаксоч домла масала ишланган қоғозни ҳафсала-сизлик билан олиб, бир қур кўз югуртирди-да, столга ташлади. Сўнг эринчоқлик билан:

— Бўлмади, жигарим, жавобингиз қониқарсиз. Масалани тўғри ечганингиз учун «уч» қўямиз, майлими?— деди.

— Нимага энди? Ахир жавобимни эшитганларингиз ҳам йўқ-ку!

— Эшитдик.— Ўқитувчи Ғуломжоннинг имтиҳон варақасига ёза бошлади.— Оғизга келганини валдирай-вериш билан имтиҳондан ўтиб бўлмайди, жигарим, билим керак, билим.

— Илтимос, қайта айтиб берсам.

— Бўлди, чиқаверинг.

— Ҳақингиз йўқ! Устингиздан арз қиламан ректорга!

— Шунақами? — Ўқитувчи имтиҳон варақасини олдига тортиб, «удов» ўрнига «не» қўйди-да, «3» рақамини «2» га айлантириб, қоғозни Ғуломжоннинг олдига ташлади.

— Олинг, кимга арз қилсангиз қилаверинг.

Ғуломжон дарди-дунёси қоронғи бўлиб, ғазабланганича чиқиб кетди.

Қиз уни кутиб турган экан.

— Неча бўлди?— сўради хаяжонланиб.

Ғуломжон индамай имтиҳон варағини узатди.

— Вой! — деб юборди қиз шапалоғини юзига қўйиб.— Неуд-ку?.. Мен туфайли...

— Билмадим.

Ғуломжон елкасини қисди. Сўнг қизишиб:

— Ҳечқиси йўқ,— деди,— ректорга кираман! Адолат қиладиганлар ҳам бордир-ку!

— Киринг, албатта, киринг.

— Айтгандай, сиз неча олдингиз?

— «Тўрт»,— деди қиз унғайсизланиб.

— Табриклайман.

- Раҳмат... Сиз туфайли.
- Қўйсангиз-чи... Хўп, хайр.
- Исмингиз нима ака?
- Ғуломжон.

— Меники Юлдуз... Раҳмат, Ғуломжон ака,— деди қиз кўзлари ёшланиб.— Хайр!..

...Йўқ, ойдаги Юлдуз эмас, Феруза! Ҳа, ана, жиддий кўзларини Ғуломжонга тикиб турибди.

Аллақаерда, узоқда бир нарса ув тортди. Ғуломжон сесканиб кетди. Атрофига аланглади. Сўнг ойга боқди. У аввалгидек нур сочиб турибди. Ҳеч қандай тасвир йўқ. «Нима бўлди? Қанақаси бу? Туш кўрдими? Наҳотки ухлаган бўлсам? Кўзим очиқ туриб-а? Ахир аниқ кўрдим-ку, Ферузани ҳам, Юлдузни ҳам!.. Ё ажина кўриндимикин-а?!» Ғуломжонни ваҳима босиб, қалтирай бошлади.

Бир оздан кейин увиллаш яна такрорланди. «Нима экан? Бўримикин?.. Бу ерда ҳамма нарса бўлиши мумкин». Юраги дукиллаб, ўрнидан турди. Вагон томонга қаради. Ниҳоятда олис кўринди. Худди тез юрса, увиллаган нарса эшитиб, ҳозироқ етиб келадигандек, юрагини ҳовучлаб, битта-битта юриб кетди. Вагон зинапоясига етиб келиб, ҳаллослаб тўхтади. Овоз келган томонга қаради. Ҳеч нарса йўқ. Сокинлик. «Юрагингга қойил-э», деб қўйди ўз-ўзидан кулиб. Сўнг ичкарига кириб кетди...

Кул ўтган сайин Ғуломжон наздида Феруза тобора узоқлашиб борарди. Бироқ умид узгиси келмас, унинг илтифотига эришиш йўлини ахтарарди. Ўйлаб-ўйлаб, хат ёзишдан бошқа илож тополмади. Уни тўғри Ферузанинг ўзига жўнатишга журъат қилолмай, конвертга Гулсаранинг номини қўйди. Бир варақ қоғозга унча алоҳида хат ёзди.

Индинига иш ўртасидаги қисқа дам олиш пайтида нариги группадан бир йигит қоғоз кўтариб келди. У тўғри Ғуломжоннинг ёнига келиб утирди-да:

— Сизни тушунади деб эшитдим. Биласизми, кеч-қурун битта шеър ёзгандим. Бир кўриб берсангиз.— Йигит Ғуломжоннинг қулоғига пичирлади:— Қизимга юбормоқчиман.

— Жуда яхши.— Ғуломжон шерикларига қараб қўйди.— Ўқиб кўришимиз мумкин. Шундайми, йигитлар?

— Ҳа, бўлмаса-чи, қани овозингизни чиқариб ўқинг-чи, хатоси бўлса, мана, купчилик бўлиб тузатамиз-да.

Ғуломжон автор рози бўлгач, шеърни овоз чиқариб ўқиди.

— Яхши ўқиркансиз, автор мамнун бўлди.— Хўш, қалай?

— Яхши, менга ёқди. Айниқса охири яхши чиқибди.

— Охири дейсизми? — сўради Олимжон.— Ўша жойини қайта ўқинг-чи.

Ғуломжон сўнгги бандни такрор ўқиди:

Куйган қулман, раҳм этиб бир бор,
Ғар кулбамга келсанг, ғўзал ёр,
Муҳаббатим қилиб поёндоз,
Йўлгинангга чиқурман пешвоз.

— Нимаси яхши бунинг?

— Умуман...— Ғуломжон гап тополмай бир дам ўйланди,— умуман менга ёқди.

— Менга ёқмади,— деди қатъий Олимжон.— Бемаъни гап!

— Нимага энди бемаъни гап бўларкан? — ранжиди автор.— Қаери бемаъни?

— Муҳаббатнинг поёндоз бўлиши. Нима, муҳаббат латтамиди, поёндоз қиласиз? Сал эвида-да.

— Тўғри,— қувватлади Қозимжон.— Менимча, шеърда йигитлик ғурури йўқ. Ўзингизни жуда ерга урворгансиз.

— Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да. Қўнгил, муҳаббат муқаддас нарса. Уни қизлар пойандоз қилиб тепкилаши эмас, гул қилиб кўксига сақлаши керак.

— Олимжон, ақлингга балли,— гапга Қамол ака аралашди,— жуда ўғил бола гапни айтдинг. Йигит киши қирқ йилда бир дунёга келади, дейишади. Ҳақ гап. Қўнгил — табаррук нарса. Уни ардоқлаш керак, ҳар кимнинг оёғига пойандоз қилмай.

Ғуломжон шеър муносабати билан бўлиб ўтган баҳсдан кейин уч-тўрт кунгача ўйланиб юрди. Унинг хати олдида бетончи йигитнинг шеъри холва эди. «Уни қанча қоралашди. Менинг хатимни ўқиб кўришганда, нима дейишардийкин?.. Ҳақиқатан гўдак эканман».

У бетончилар билан ишлай бошлаганининг учинчи ҳафтасида, бир куни кечқурун Қамол ака:

— Келганингдан бери дурустроқ гаплашганимиз йўқ,— деди.— Андижоннинг қаеридансан?

— Олтинкўлдан.

— Ота-онанг ҳаётми?

— Ҳа!

— Ака-ука, опа-сингиллар бордир?

— Йўқ!

— Мен ҳам шунақа деб ўйлагандим. Эрка ўғил экансан-да. Ўйлаб қўйишгандир?

— Йўқ. Энди...

— Яхши,— деди Камол ака ўйчанлик билан.— Ўйланиш қочмайди. Олдин бундоқ йўлингни топиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўришинг керак. Хотинниям, рўзгорниям қадрига етасан. Мана, мен, ўттиз ёшда ўйланганман. Бешта болам бор: ҳаммаси қиз. Каттаси ўн саккизга тўляпти... Мен сенга айтсам, иним, ҳозирги қизлар бўшашганларни ёқтиришмайди. Юрганда ерни гумбирлатадиган, қўлидан ҳар иш келадиган, гапини ҳеч кимга бермайдиган бақувват, чечан йигитларни танлашади. Йигит номинг борми, шунга яраша яша. Ҳақиқий эркак бўл. Ростини айтсам, сени ёқтириб қолдим. Астойдил бўлавер, сени ўзим куёв қиламан.

Унинг насиҳатларини жимгина эшитиб ётган Сотволди кулди.

— Камол ака, қизларингиз ҳам ўзингизга ўхшаган жуда «чиройли»дир-а?

Йигитлар кулишди. Ғуломжон ҳам беихтиёр жилмайди. Камол ака Сотволдига қаради-да:

— Хиринглама! — деди бегараз жилмайганча.— Мен хунук бўлганим билан қизларим чиройли. Онасига тортган.

— Ғуломжон, ишонманг,— кулиб деди Қозимжон.— Тўй куни, бўлгани шу, деб ўзидақа чўтир қизни кўрсатмасин тағин.

Ғуломжоннинг Камол ака тўғрисидаги фикри тобора ўзгариб борарди. У бригададаги йигитларнинг отасидек бўлиб қолганди. Вақти келса койир, вақти келса эркалатарди. Ишчилар ундан сал ҳайиқишарди-ю, лекин ниҳоятда ҳурмат қилишарди.

Уларнинг норасида ёши кичиги ҳам, тажрибасизи ҳам Ғуломжон эди. Бошқалар озми-кўпми ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, кўпчилиги илк муҳаббатнинг лаззати, изтиробларини бошидан кечирган, баъзилари ҳали ишқ фариштасининг сеҳрли ўқиға дуч келмаган навқирон йигитлар эди.

Одатда, тўртта қиз тўпланса, йигитлар ҳақида, тўртта йигит йиғилса, қизлар тўғрисида гап очилмай қолмайди. Айниқса, бу кимсасиз саҳрода, қизларни фақат хаёлда ёки тушдагина кўриш мумкин бўлган жойда

йигитларнинг энг севимли мавзуси эди. Оғир шароит, иш гапларини ҳам, хатти-ҳаракатларини ҳам анча дағаллаштириб қўйган йигитлар қизлар ҳақида гапирганда, қандайдир мулојимлашиб қолишарди. Уларнинг ҳар бири севган ёки ҳали севиб улгурмаган кўнгил яқин қизларининг ҳатто арзимаган меҳрибонликларини ҳам чуқур ифтихор билан эслашар, бундан тасалли, ором олишарди. Қизлар... Ишқ малаклари. Сиз гул каби нафислигингиз, фақат аёллардагина бўладиган муъжизакор меҳрингиз билан ўзингиз ҳам сезмаган ҳолда йигитлар қалбига эзгулик, нафосат, гузалликка чанқоқлик нурини сочасиз. Уларни мардликка, чин одамийликка, фидокорликка чорлайсиз. Сиз борки, ҳаёт ширин, мангу гузал...

Ғуломжон борган сари чиникиб борарди. Гарчи иш енгиллашмаган бўлса ҳам аввалгидек толиқмайдиган бўлиб қолди. Дастлаб ниҳоятда бемаза туюлган ишчилар овқати ҳам энди мазали татирди. У энди иш бобида ҳам, иштаҳада ҳам бошқа йигитлардан қолишмасликка уринарди.

Бир куни тушликда Камол ака унга разм солиб утираркан:

— Қалай, Ғуломжон, овқат ширинми? — деб сўради мийиғида кулиб.

— Раҳмат, яхши! — жавоб берди Ғуломжон шошапиша.

— Мана кўрдингми, ўғлим,— деди Камол ака мамнун бўлиб,— янги келган кўнларингда овқатниям қиз болага ўхшаб ердинг. Энди ҳақиқий эркакчасига овқатланаяпсан. Нимага десанг, ҳақиқий меҳнат қияпсанда. Меҳнат билан топилган нон ҳам, бахт ҳам ширин бўлади. Буни ҳеч эсингдан чиқарма!

4

Чўл табиати шафқатсиз. Айни саратон. Эрталабдапоқ осмондан олов сели ёғилади. Ҳатто соя-салқинда ҳам ҳарорат қирқ беш даражадан пастга тушмайди. Баҳорги намгарчиликда унган гиёҳлар аллақачон қовжираб бўлган. Ҳар ер-ҳар ерда, пастликларда тўпланган, қуриёзган кўлмаклардан қўланса ҳид таралади. Саратон иссиғига кўлмаклар атрофидаги қамишлар-у, узоқдан дарахтзордек кўриниб, кишини алдайдиган саксовул буталари, янтоқларгина бардош бериб турарди.

Тушгача бир илож қилиб жон сақлаш мумкин эдику, аммо кун найзадан утгач, қочгани жой тополмай қоларди киши. Иссиқдан нафас бўғилиб, томоқ қуриydi. Бунинг устига чўлнинг қайноқ нафаси — гармсел баданни жизиллатиб куйдиради. Бош айланиб, кўз олдинги қоронғилик босади. Гўё ўпкага ҳаво эмас, қайноқ қўрғошин кириб чиқаётгандек туюлади кишига. Тинмай ҳарсиллайсан.

Олимжон поездда келишаётганда, Ғуломжонга бригаданинг аҳиллиғи, ишчанлиги, канал қурилишининг қизиқарли, хайрли иш эканлигини сўзлаб, уни қизиқтиришга уринган, бунга эришган ҳам эди. Аммо, аслида, бу ердаги иш бригадир мақтаганчалик эмаслигини Ғуломжон аста-секин фаҳмлай бошлади. Бригада ихтиёрида битта авто кўтарма кран, иккита самосвал, битта сув ташийдиган машина, битта бульдозер, битта бетон қориш машинаси бор эди. Кўчма дизел электр станцияси — генератор ўрнатилган мотор вагон-уйлар ҳамда бетон қориш машинасини ток билан таъминларди.

Бригадада иш суст кетарди. Канал қирғоқлари, остига тайёр темир-бетон плиталар ётқизилар, уларни мустаҳкамлаш учун орасига шу ерда қорилган бетон қуйиларди. Плиталар пешма-пеш келтирилиб, автокран нуқсонсиз ишлаган кунларда иш анча енгил кўчарди. Лекин плиталар етарли эмасди. Гоҳ бу бригадага тегишлисини бошқа бригадага бериб юборишар, гоҳ уни ишлаб чиқарадиган цехда нимадир бузилиб, плита келиши бир неча кунлаб тўхтаб қоларди.

Шундай пайтларда яна эски усулга кўчишиб, ёппасига бетон қуя бошлашарди. Бироқ бу оғир, кам унум, диққинафас иш эди. Ҳозир бригада ишлаётган участка қуруқ қумдан иборат эди. Бирор нарса сал тегиши билан қум шувиллаганича канал тубига қуйиларди. Уни мустаҳкамламасдан туриб бетон қуйиб бўлмасди. Аввал қумни зичлаштирадиган суюқ қоришма сепишарди-да, сўнг арматура қуйиб, бетон қуйишарди. Бунинг устига бригададаги техниканинг деярли ҳаммаси эски, гоҳ униси, гоҳ буниси бузилиб турарди.

Қанча уринишмасин, план бажарилмасди. Табиий, маош ҳам мўлжалдагидан анча кам чиқарди.

Баъзи ишчилар бетонни юпқароқ қуйиш ҳисобига ишни тезлатишга уринишарди. Лекин Олимжон ва Қамол ака бунга йўл қуйишмасди.

Бригадир ва партия ташкилотининг секретари Камол ака (Ғуломжон буни яқинда билди) навбат билан гоҳ прораб, гоҳ кўчма колонна бошлиғига, гоҳ карьер, гоҳ гаражга югуришар, аммо сезиларли ўзгариш бўлмасди.

Бетончилар, Камол аканинг таъбири билан айтганда, ишни «уйқусида босишга» ҳаракат қилишарди. Агар барча ашёлар етарли бўлса, эрта тонгда иш бошлашарди. Кундузи энг иссиқ пайтда бир неча соат дам олишар, тўғрироғи, иссиқдан тўлғанишиб, ким саксонул, ким вагон-уйлар соясида ҳарсиллаб, терлаб-пишиб ётишарди. Кун қайтиб, ҳароратнинг дами кесилганда, икки гурппага бўлинишиб, навбат билан ишлашарди. Кечки салқинда эса ҳамма тенг уринарди.

Даштнинг дарғазаб феъл-атвори кишиларга таъсир этмасдан қолмасди, албатта. Дастлабки кунларда Камол ака, Олимжонлар Ғуломжондан буни яширишга уринишганми, ё у ўзининг дард-алами билан оворалигиданми, буни унча фаҳмламаганди.

Улар билан икки-уч ҳафта бирга ишлагандан сўнг биринчи кунги таассуротлари юзаки эканлигини англай бошлади. Ҳар хил ёшдаги, турли характерли ўн етти кишининг ҳаммаси ҳам Ғуломжон хаёл қилгандек, юксак эътиқод, гоҳ учунгина ишламаётганди бу ерда. Уларнинг орасида Камол ака, Олимжон, Қозимжонга ўхшаш инсофли, диёнатли кишилар билан бирга пул деса томдан ташлайдиган очкўзлар ҳам, ишчан кўринса-да, кўпроқ енгил юмушни кўзлайдиган муғамбирлар ҳам бор эди.

Ишлаётганда ҳамма бир хилдай кўринарди. Лекин кўпинча бекор қолган пайтларида кишилар феъл-атворидаги нуқсонлар юзага қалқиб чиқиб қоларди. Шунинг учунми, Камол ака бошлиқ уч коммунист, комсомоллар раҳбари Қозимжон, Олимжонлар ишчиларни иложи борида бекор қўймасликка уринишарди. Аммо гоҳ шағал, гоҳ цемент, гоҳ сув етишмасдан иш баъзан бутунлай тўхтаб қоларди. Мана, бугун карьердаги шағал юклаётган экскаватор бузилиб қолибди. Шағал келмаслиги аниқ бўлгач, кимлардир озиқ-овқатга кетаётган машина билан шаҳарга жўнади, кимлар пиёда бу ердан 7—8 километр наридаги янги совхоз посёлкасига, танишларникига. Олимжон ва Камол ака уларга рухсат бермасликка уриниб кўришди. Аммо қиладиган иш бўлмагач, одамларни бу дўзахда ушлаб туриш осонмасди...

Ғуломжон бирпас Олимжон, Қамол акаларнинг гапларига қулоқ солиб ўтирди. Кейин, зерикиб, ўридан турди. Шаҳарга ёки посёлкага кетганларга қушилмаганлигидан афсусланди ҳам. Баландроқ бархан устига чиқиб, қулини пешонасига соябон қилиб, атрофни кузата бошлади. Ҳаммаёқда юракни сиқадиган бир хил манзара. Ҳаво тобора исиб борарди. У канал бўйлаб кетган йўлда, узоқда кўтарилган чангни кўриб, югурганича пастга тушди.

— Олимжон ака, қандайдир машина шу томонга келяпти,— деди.

Ҳамма соядан чиқиб, уша тарафга қаради.

— «Газик»ка ўхшайди. Прорабмикин? — деб қўйди Қамол ака.

— Эҳтимол, майли, бир кўрсин аҳволимизни,— бу Олимжоннинг овози эди.

Чиндан ҳам Парпиев экан. Машинадан яна бир шляпали киши ҳам тушди.

— Ҳа, Қамол ака одамлар қани? Нимага ишламай ўтирибсизлар? — сўради прораб қовоғини солиб.

— Шағал йўқ.— Қамол ака баланд овозда жавоб берди.

— Плита қўйиб тураверинглар, бўлмаса. Автокран қани?

— Бузуқ! Устахонага судраб олиб кетилганига уч кун бўлди. Олимжон шу тўғрида ўзингизга ҳам учраб келди-ку?

— Ҳа... дарвоқе, тўғри... Ҳозирча запчаст йўқ. Хўш, шағал нимага келмабди?

— Буни сиздан сўрамоқчимиз, ўртоқ участка бошлиғи,— бу Олимжоннинг кинояли овози эди.

— Нега мендан сўрайсиз? Шағалингизни елкамга ортиб, мен келтириб беришим керакми?

— Материал билан таъминлаш сизнинг вазифангиз, ўртоқ прораб. Ҳолинг қалай деб сўраш ўрнига, осмондан келиб дўқ урасиз?

— Менга қаранг, йигит,— Парпиев баланддан кела бошлади,— участкада сизникидан бошқа бешта бригада бор. Бориб кўринг, уларнинг ишларини. Отлично меҳнат қилишяпти. Материаллар ҳам етарли, нолишмайди. Чунки сизга ўхшаб, сояга кириб олиб, олма пиш-овзимга туш, деб ётишмайди. Елиб-югуришади, топишади. Тирноқ остидан кир қидириб, раҳбарлар устидан нгво йиққандан кўра, жон куйдириб ишлаш керак.

— Йғво деб нимани назарда тутяпсиз, ўртоқ Парпиев? — сўради Олимжон истеҳзо билан. — Товламачилигингиз фош қилиниб, тумшуғингиз ерга ишқалганини бўлса, у мутлақо йғво эмас! Бу ҳам кам, сизга.

Парпиев бўзариб кетди.

— Кўрдингизми, ўртоқ Қурбонов, — деди ҳамроҳига юзланиб, — ишлари расвои жаҳон, лекин гап бўлса, раҳбарларга қарши тиш қайраш бўлса, биринчи булар. Райком вакили сифатида ўзингиз буларга...

— Ўртоқ Қурбонов, келганингиз яхши бўлди, — суҳбатга Камол ака аралашди. — Райкомга ўзимиз бормоқчи бўлиб тургандик. Ҳақиқатан, бригадада аҳвол оғир. Илтимос, аввал қандай шароитда яшаётганимизни, ишлаётганимизни бир кўринг.

Камол ака дастлаб уларни яшаётган вагон-уйга бошлади. Беихтиёр Ғуломжон ҳам эргашди. Хона шундай қизиб кетган эдики, нафас олиб бўлмасди. Кўрпа-ёстиқларнинг уладаси чиқиб ётар, чойшаблар кир эди.

Меҳмонлар тездаёқ қайтиб чиқишди.

— Бошқаларигаям кирасизларми, ё шу етарлими?

— Бўлди, тушунарли, — Қурбонов Парпиевга зимдан қараб қўйди.

— Энди иш шароитимизни кўринг. Корхонада ишга яроқсиз қанақа техника, ускуна бўлса, ўртоқ Парпиев бизга тиқиштиради. Бир кун ишласа, бу қурғурлар уч кун бузуқ.

— Қўйсангиз-чи, — деди Парпиев жаҳл билан. — Қачон иш талаб қилсак, шароит-у техникани пеш қиласизлар. Ҳаммани янги техника билан таъминлашнинг ҳозирча имкони йўқ. Келсин — берамиз. Эски машиналар бошқа бригадаларда ҳам бор. Лекин улар эплаб ишлатишяпти. Мавжуд имкониятдан фойдалана билиш ҳам керак-да! Шароитга келсак, бу, аввало ўзларингизга боғлиқ. Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари бор, шуғуллансин. Сизларга биров четдан келиб, жаннат яратиб бермайди. Айтиш керак, талаб қилиш керак. Умуман, булар партия ташкилотининг секретарига хос гаплар эмас. Бундан оғир шароитларда ҳам одамлар ишлаган. Ҳавойи гаплар билан кишиларнинг кўнглини ишдан совутиш керакмас. Сиз коммунистсиз, ишчиларни қийинчиликларга чидашга ўргатинг, чиқиқтиринг. Партияимизнинг талаби...

— Э, бунақа баландпарвоз гапларни қўйинг, — слтаб ташлади Камол ака. — Партия талабини сиздан кам билмайман. Канал нима учун қуриляпти? Халқнинг

турмушини яхшилаш учун. Уни бунёд этаётганлар сизнингча кимлар? Нима учун уларга ғамхўрлик қилмаслик керак?

— Э, отахон, қўйинг, нима қиласиз менинг гапимдан сиёсий ишқал қидириб. Тирноқ остида кир излаш илллати бригадирингиздан сизгаям юқибди шекилли. Мен у маънода айтганим йўқ.

— Худди шу маънода айтдингиз. Сизга ўхшаган баъзи ҳовлиқма партия аъзолари амалга мишволиб, халқ, халққа ғамхўрлик! — деб кўкракларига урадилар-у, қўл остларидаги одамларга келганда, улар ҳам халқнинг бир зарраси эканлигини унутиб қўядилар. Иложи бўлса, қамчилаб ишлатгиси келади.

— Ғирт ифвогар экансиз-ку, оғайни,— Парпиев қизишди.— Бу гаплар билан кимларга тил теккизаётганингизни биласизми?

— Ўртоқлар, даҳанаки жангни бас қилинглар,— аралашди Қурбонов.— Ҳозир пайти ҳам, ўрни ҳам эмас. Қамол ака, бу ерда кўрганларимни, талабларингизни секретарларга, албатта, етказаман. Ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Энди ишчилар олдига борайлик. Уларга Марказкомнинг ўн олтинчи Пленуми тафсилотларини сўзлаб беришимиз керак. Сизлар, албатта, кеча радиода ахборотни эшитгандирсизлар?

— Одилов, ҳозир нечта ишчингиз бор?— Олимжондан хўмрайиб сўради Парпиев.

— Кўпчилиги йўқ. Тушдан кейин келишади ҳаммаси. Иш йўқлиги учун тутиб қололмадим.

— Латтасиз-да, шунинг учун бригадангизда интизом ҳам йўқ,— узиб олди Парпиев, Олимжон бузариб, жавобга оғиз жуфтлаганди, прораб унга гал бермай, Қурбоновга гап қотди: — Бу ердаги йиғилишни кейинроққа қолдирсак. Нариги бригадаларни кўриб, яна шу йўлдан қайтамиз. Ҳаммаси қатнашгани яхши, ҳар қолда, асосан, интизом масаласида-ку, йиғилишимиз.

— Майли. Бўлмаса, Пленум материаллари босилган газетадан қолдириб кетайлик, қайтгунимизча танишиб туришсин.

Парпиев билан Қурбонов жўнаб кетишди.

Қамол ака вагон-уй соясига қўйилган каравотга жойлашиб ўтиргач, Парпиев ташлаб кетган газетани Ғуломжонга узатди.

— Қани, ўқи-чи, ўғлим, чамамда анча жиддий гаплар шекилли.

Ғуломжон газеталарда босилган йиғилиш тафсилот-

лариши ёқтирмасди. Шунинг учун, аввалига, истар-истамас, лоқайд ўқий бошлади. Лекин Марказком Пленумининг материалида аллақандай маҳобатли жозиба кучи кўп ўтмай бутунлай ром қилиб олди. Уни, фақат ўнгигина эмас, тингловчиларни ҳам партиянинг қудратли кучи, социалистик турмушимизга ёт нарсаларга муроасизлик кучи қамраб олганди.

Мутолаа салкам икки соатда тугади. Ҳамманинг чеҳрасида қандайдир тантанаворлик, қониқиш бари урарди.

— Зўр гаплар-а! — Қамол ака юзлари нурланиб кетди.— Партиянинг кўзи ҳам, ақли ҳам минг-минглаб. Ким қандай яшаётганини, ишлаётганини доим кўриб туради... Мана, энди, йигитлар, жон куйдириб ҳалол ишлаганнинг меҳнати рўёбга чиқаверади. Қалбакилик билан қоғозда план бажариб, мукофот олишлар бўлмайди, бундан буён.

— Менга ҳаммасидан ҳам раҳбарларни қаттиққўллик билан танлаш тўғрисидаги гаплар маъқул,— деди Олимжон.— Ахир одамларни тўғри йўлга бошлайдиган ҳам, бузадиган ҳам аввало шулар-ку!

Баҳс, мунозара шаҳар ва посёлкага кетганлар қайтгач, янада кучайди. Ҳамма газетани ўқишга шошиларди.

Парпиевлар қайтишганда, икки кишидан ташқари барча ишчилар келиб бўлишганди.

Овқатланадиган стол устига ўнгиброқ қолган мато ёзиб, президиум столига айлантиришди. Ишчилар баъзилари курси, скамейкалар, айримлари ерга тизилишиб ўтиришди. Очiq партия йиғилиши бошланди.

Биринчи бўлиб Қурбонов гапирди:

— Ўртоқлар, шу канал қурилишида сизларникидан ташқари яна учта бригада ишляпти,— деди.— Биз бугун ўртоқ Парпиев билан ҳаммасида бўлдик, ишлари билан танишдик. Очигини айтиш керак, ўртоқлар, энг ёмон аҳвол сизларда. Планни узлуксиз бажармаяпсизлар, бир, интизом ниҳоятда бушашиб кетган, икки, мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланмаяпсизлар, уч ва ҳоказо. Бу каналнинг областимиз, айниқса, бизнинг районимиз учун қанчалик зарурлигини, нечоғли аҳамияти зўрлигини сизларга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бунини яхши биласизлар. Хўш, учта коммунист... кечирасизлар, комсомоллар нечта?

— Етти киши,— деди Козимжон.

— Ана кўрдингизми, учта коммунист, етти нафар

комсомол бор жойда шундай аҳвол бўлиши керакми? Менимча, йўқ! Бригадада шундай ачинарли вазиятнинг юзага келиши, аввало, партия ташкилотининг, комсомол ташкилотининг, қолаверса, касаба союз ташкилотининг фаолиятсизлиги натижасидир. Бундан бошқа сабаб бўлиши мумкин эмас.

Парпиев бош ирғаб, маъқуллаб қўйди.

— Мана, бир мисол: бугунги аҳволни олайлик. Шағал йўқ, деб бутун бригада кунни бекор ўтказди. Ҳатто биз келиб кетгандан кейин ҳам, на бригадир, на партия ташкилотининг секретари, на комсорг бирор чора кўргани йўқ. Ё нотўғрими гапим? Ҳамма нарсани прораб қилиб бериши керак, деб, оғзини очиб ўтиравериш шартми, ўртоқ коммунистлар, ўртоқ комсомоллар?

— Мумкинми, ўртоқ райком вакили, саволингизга бир оғиз жавоб айтсам? — Камол ака ўрнидан турди.

— Марҳамат!

— Бригадирнинг карьерга бормаганлигининг сабаби шуки — фойдаси йўқ. Олимжон ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам механик эмасмиз, бетончилармиз. Экскаваторнинг бузуқ жойини тузатиш қўлимиздан келмайди. Механиклар бўлса, ўртоқ Парпиев шахсан буюрмагунча оёғига йиқилиб ялинсангиз ҳам гапингизга қулоқ солмайди. Бу биринчи марта бўлаётгани йўқ.

— Яхши, айб Парпиевда экан, нимага, масалан, сиз, коммунист сифатида, парторг сифатида унинг масаласини партбюрога қўймадингиз?

— Э,— қўл силтади Камол ака,— қўйганмиз. Бирмас, икки марта. Лекин аҳвол бадтар бўлса бўлдики, унгланиши йўқ. Трест бошлиғи қўллаб тургандан кейин партбюронинг ҳам тиши утмас экан.

— Хўп, партия ташкилоти либераллик қилибди, райкомга ёки ундан юқори партия ташкилотларига мурожаат қилдингизми бу тўғрида?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Раҳбарларимизга гап тегмасин, дедик. Ўзимиз ҳал қиламиз, деб ўйлагандик.

— Мана, иллатнинг томири қаерда,— Қўрбонов жонланди.— Бригадангизда ишлар хуржин. Бутун айбни раҳбарларга ағдарасиз-у, ўзингиз мурасасозлик қиласиз. Йўқ, ўртоқлар, бунақаси кетмайди. Ахир сизлар партияга, комсомолга ўтаётганда, камчиликларга мурасасиз бўламиз, партия, халқ учун ташаббускорлик, фидойилик намунасини кўрсатиб ишлаймиз, деб ваъда

бергансизлар-ку! Қани сизлардаги коммунистга, комсомолга хос ташаббускорлик, қани фидойилик?.. Партия-миз сиз билан биздан, айниқса, коммунистлардан ҳалол меҳнат қилишни, барча соҳаларда активлик кўрсатишни, камчиликларга қарши, кўзбўямачилик, текинхўрликка қарши кескин курашишни талаб қилмоқда.

Қурбонов гапини тугатиб ўтиргач, Парпиев сўз олди.

— Ўртоқлар,— деди қовоғини солиб,— асосий гапларни ўртоқ Қурбонов айтиб бердилар, мен вақтларингизни кўп олмайман. Фақат Пленум талаблари хусусида баъзи фикрларимни айтиб ўтмоқчиман.

— Бригада партия ташкилотининг секретари ишдаги хавфли аҳволга турли баҳоналарни рўкач қилишга уринди. Аслида, ҳаммасига ягона сабаб бригада бошлиғи Одиловнинг ношудлиги, холос. Биз уни, ёш коммунист, ғайрат билан ишлайди, бригадани олға бошлайди деб, техникумни яқинда битириб келганлигига қарамасдан, раҳбарликка кўтаргандик. Афсуски, бригадани бир йилдаёқ хароб қилиб, ўтқизиб қўйди. Манманлиги, ўзбилармонлиги, аллақандай ишёқмас, қилвир одамларни атрофига тўплаб олганлиги, ишдан кўра ўзининг ҳузурини кўпроқ ўйлаганлиги туфайли шундай бўлди, ўртоқлар.

— Туҳмат бу!— Қозимжон ғазаб билан ўрнидан туриб кетди.— Нега ҳалол одамни ҳақорат қиласиз? Нима ҳақингиз бор?!

— Майли, қўяверинг,— Олимжон босиқлик билан гапирди,— кўнглидагини гапириб олсин. Фақат аниқроқ сўзласангиз, ўртоқ Парпиев, ишёқмас, қилвир, деганда кимларни назарда тутаясиз? Бу ерда бегона йўқ, очиқ гапираверинг.

— Айтишим мумкин,— Парпиев пинагини бузмасликка интиларди.— Масалан, Расулов. Одилов яқинда қайдандир топиб келиб, пинжига олди. Биз суриштириб билдик: бу шахс ўз юртида қалбаки ҳужжат билан колхознинг бир неча минг сўм пулини ўзлаштирган. Сири очилиб, шарманда бўлгач, қандай мақсадда, билмадим, буёққа қочиб келган. Ўртоқ Расулов, тўғрими гапим?

Ҳамма ўгирилиб, Ғуломжонга қаради. У бу гаплар ўнига қаратилганлигига ақли бовар қилмай атрофга иланглади.

— Сиздан сўраяпман, тўғрими?

Ғуломжон беихтиёр ўриндан турди.

— Ҳа...— деди ерга қараб.— Менинг ёшлигим, ғўр-лигимдан фойдаланиб, шундай балога тиқишгани рўст.— Кейин у бошини кўтариб, мамнун илжайиб турган Парпиевга боқди.— Афсуски ўртоқ Парпиев, дунёда ғаламис ёлғиз сизгина эмассиз. Менинг юртимда ҳам туғишган оға-иниларингиз топилади. Ўшалар...

— Кўрдингларми, ўртоқлар, бу йигит фирибгар, ўғригиша эмас, безори ҳам,— деди Парпиев қониқиш билан.— Одилов ўзига монанд одамни топишни билади. Бунақалар билан нимага эришиш мумкин, мана, ишларидан кўриниб турибди. Ўтиринг, ўртоқ Расулов. Хўш... Пленум, ўртоқлар, ҳаммамизнинг олдимизга конкрет вазифалар қўйди. Айниқса, меҳнат интизоми, план интизоми масаласида. Давлат планлари ҳар қандай шароитда, қандай бўлмасин, сўзсиз бажарилиши керак. Биз баъзи кишиларга нисбатан, балки ўзини ўнглар, ишда ўзгариш ясар, деб келишувчанлик, кўнгилчанлик қилиб келдик. Бунга энди чек қўямиз! Раҳбармисиз, коммунистмисиз, марҳамат қилиб планни бажаринг. Қандай бажариш сизнинг ишингиз. Бўлмаса, партбилетингиз билан жавоб берасиз. Ҳеч кимга шафқат қилинмайди энди. Ўртоқ Одилов, сизнинг бригадангизга ҳам тааллуқли бу, эсда тутишингизни сўрайман.

Парпиев ўтирди.

— Сўз Олимжонга,— деди йиғилишни олиб бораётган Қамол ака.

— Ҳақиқатан, Пленум ҳаммамизни ғафлатдан уйғотди,— осойишта гап бошлади Олимжон.— Лекин партиямизнинг талабчанлигини ўртоқ Парпиевга ўхшаб, бузиб талқин қилиш, ундан тўқмоқ сифатида фойдаланишга уриниш зараркунандаликдан бошқа нарсамас. Пленумда кишиларни шафқатсиз жазолаш эмас, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, юқори унум билан меҳнат қилишлари учун, турмуш шароитларини яхшилаш масаласи қўйилган... План интизоми тўғрисида гапирилди. Умуман, тўғри талаб. Лекин холва деган билан оғиз чучимайди. Камчиликларимизни ўзимиз ҳам яхши биламиз, сизлардан кам ташвишланаётганимиз йўқ. Аммо кўпчилиги бригадага боғлиқ бўлмаган нарсалар. Янги техника берманг, майли, лоақал эскилар вақтида ремонт қилинсин, таъминот яхшиланиши керак. Бизга партиявий жазони пеш қилиб дўқ ургандан кўра амалий ёрдам беринг, камчиликларни биргалашиб тугатайлик... Турмуш шароитимизни ҳам эрталаб кўрдила-

рингиз. Ун минут ҳам чидаш беролмадиларингиз ётоқхонамизда.

— Ишлаётган фақат сизмас,— луқма ташлади прораб,— пима, чўлда боғи эрам яратиб беришимиз керакми сизга?

— Йўқ, ўртоқ Парпиев, лоақал яшаш учун ўртача шароит бўлсин. Ахир ишчилар ҳукиз эмас-ку, олдига сомон ташлаб қўйиб, қўшга солавергани. Булар ҳам сизга ухшаган инсон. Кабинетингизга кирган кишининг чиқиб кетгиси келмайди. Юмшоқ креслолар, ялтироқ столлар, кондиционерлар, шойи пардалару гиламлар...

— Бунчалик орзуманд экансиз, сизга бўшатиб берай бўлмаса, креслони,— заҳарханда қилди Парпиев.

— Ўртоқ Қурбонов бизни фаолиятсизликда тапқид қилдилар,— прорабга парво қилмай давом этди Олимжон.— Бу унчалик тўғри эмас. Партия, касаба союз йўли билан ҳам, ўзимиз якка ҳолда ҳам раҳбарларимиз олдига ана шу масалаларни бир неча марта қўйганмиз. Ваъда беришади, бир-икки кун аҳвол ўнглангандай бўлади-ю, кейин яна эски ҳаммом, эски тос. Райкомни ҳам биздаги шароитдан беҳабар деб бўлмайди. Шу йилнинг бошида бир нечта ишчи хат ёзган. Райком хатни кўчма колонна бошлиғига, у эса ўртоқ Парпиевга жўнатган. Участка бошлиғи осонгина йўл топди: ўша ишчиларни ўзининг эътиборидаги пешқадам бригадага ўтказиб қўя қолди. Бу билан бутун айбни бошқаларга ағдармоқчи эмасман, ўртоқлар. Менда ҳам камчилик кўп. Бригадада меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги, асосан, менинг айбим. Сизларни ишонтирамани, ўртоқ Қурбонов, ўртоқ Парпиев, биз Пленум қарорларидан тўғри хулоса чиқарамиз, ўзимизга боғлиқ камчиликларни бир-икки кунда тугатамиз.

Олимжондан кейин яна бир неча киши сўзлади. Бирорта йиғилиш бунчалик қизгин ўтмаган эди. Чамаси, Марказком Пленумининг жанговар руҳи кишиларга ҳам кўчганди. Тортишув йиғилиш тугаб, Парпиев ва Қурбонов кетгандан сўнг ҳам тўхтамади.

Фуломжон баҳсга аралашмади. Кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Ётоқхонага кириб, каравотга ёнбошлади. Гарчи бугун ишламаган бўлса-да, бутун вужудида каттиқ чарчоқ ҳис этарди.

Вали ака келиши билан қизлар ўраб олишди. Почтальон улар билан ҳазиллашиб кулишиб, газета-журналларни тарқата бошлади.

— Вой, тоға, соқолингиз қани? — деди шўх Зулфия газета оларкан.— Ё Норжон опам қолган-қутганиниям юлволдими?

— Йўғ-э, қирдириб келдим.

— Аттанг,— деди Нозима ачинган бўлиб,— ўзингизга бирам ярашиб турардики!

— Бечора Норжон опам уришган-да, нимани юлади энди?

— Муйлов бор-ку!

— Ҳа, шайтонлар! — пўписа қилди почтальон.— Асли ҳаммангни куёвга бервориб қутулмасам бўлмайди шекилли.

У кетаётган жойида яна тўхтади.

— Айтгандай, сен пучуқларнинг биттангга хат бор эди. Одамнинг ақлини ўғирлаб қўясанлар, шайтонлар. Гулсара сенга экан.

Почтальон кетгач, қизларнинг эътибори Гулсарага кўчди. Лекин у хатни ҳеч қайсисига кўрсатмади. Ишдан қайтишаётганда, Феруза иккаласи ёлғиз қолишгач, қўйнидан бояги конвертни олиб узатди.

— Сенга экан. Қизларнинг олдида бергим келмади.

— Менга? — сўради Феруза ажабланиб.— Кимдан?

— Ғуломжон акамдан. Ўзингга жўнатгани қўриқиб, менинг номимга ёзибди.

— Керакмас! — Ферузанинг жаҳли чиқиб кетди. Кейин қадамини тезлатди. Гулсара ҳаллослаб етиб олиб, қўлидан тортиб тўхтатди.

— Ўқиб кўргин.

Феруза бир дам ўйланиб турди-да, хатни олди.

— Оч-чи,— деди Гулсара қизиқсиниб.

Феруза конвертни кўндалангига ўртасидан тенг бўлиб йиртди.

— Нима қилипсан, жинни! — Гулсара унинг қўлига ёпишди. Феруза қўлини шартта тортиб, бўшатиб олди-да, хатни шоша-пиша етти-саккиз бўлакка бўлиб, йўл қирғоғидаги зовурга сочиб юборди.

— Бекор қилдинг. Не умид билан ёзган шўрлик.

— Менга ҳеч ҳам қизиги йўқ,— деди Феруза бурнини жийириб.

— Ахир яхши кўрасан-ку, уни!

— Ҳеч-да! Қаёқдан олдинг бу гапни? — Феруза дугонасидан кўзларини олиб қочишга уринди.

— Кейин афсусланасан.

— Афсусланмайман...

6

Ғуломжон хатига жавоб келишидан охири умидини узди. Кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Ҳатто ҳамхоналарининг салгина ҳазилларини ҳам кўтараолмасди. Уни зимдан кузатиб юрган Қамол ака бир куни Олимжонга:

— Бола бечора сиқилиб қолди, чамамда,— деди.— Жавоб бер, қишлоғига бориб келсин.

— Майли,— Олимжон дарров кўна қолди,— борма деганим йўқ. Ўзи сўрамагани учун мен ҳам индаганим йўқ.

— Тортиняпти шекилли-да.

Ғуломжон вокзалга туш пайтида етиб келди. Касса берк экан. Кутиш залидаги сақлаш камераларининг бўшини топиб, юкларини қўйди-да, перронга чиқди. Соатга қараб қўйди. «Касса очилишига анча бор. Тушлик қилволсаммикин?...» У шундай деб ўйланиб турган эди, кимдир отини айтиб чақирди. Ғуломжон ялт этиб қаради. Ўзи томон келаётган ҳамқишлоғи Жалолбекни куриб, севиниб кетди, қучоқлашиб куришишди.

— Ҳа? Нима қилиб юрибсан, бу ерда? — сўради Жалолбек.

— Шундай, ўзим. Қишлоққа кетаётгандим. Ўзингиз-чи?

— Мен ўша ёқдан келдим.

— Шунақа денг,— сўради Ғуломжон шошқалоқлик билан.— Қалай, қишлоқдагилар тинчми?

— Тинч. Ота-онанг роса соғинишибди. Бугун-эрта олдингга ўтмоқчи эдим, яхши учрадинг. Қорин оч. Юр, овқатланамиз.

Ресторанга киришди. Овқат буюришгач, Жалолбек:

— Оббо сен-эй, бизнинг районда экансан, ҳеч ўтмайсанам?— деди ўпкалаб.

— Ишимиз жадалроқ,— Ғуломжон бошқа баҳона тополмади:— Канал қурыпмиз... Қишлоқда янгиликлар борми?

— Деярли йўқ. Ўзинг билган гаплар.

— Наҳотки?

— Ноябрьда Гулсара иккаламизнинг тўйимизга борасан. Агар шуни янгилик ҳисобласанг.

— Э, шунақами! Табриклайман. Гулсара яхши қиз. Жалолбек кулди.

— Дугонасини нимага сурамаяпсан?

— Нима? У ҳам!..

— Йўғ-э, юрагинг ёрилмасин, у ҳозирча тинч. Лекин доғда қолишинг мумкин. Зиёд парвона бўлиб юрибди.

— Феруза Зиёднинг қанақалигини билади. Унга тегмайди.

— Ишончинг комилми?

— Албатта!

— Унда майли-ю, лекин ҳозир Зиёд сенинг ўрнинг-да табелчи. Иккаласи анча қалинмиш.

— Бундай бўлиши мумкинмас,— Ғуломжоннинг ранги оқариб кетди.

— Нимага энди? У Ферузани исноддан сақлаб қолган экан-ку.

— Зиёд-а? Қанақасига?

— Ие, нимага талмовсирайсан, укам, ахир ўзинг Феруза ёлғизлигида кечаси олдига кирмоқчи бўлибсан-ку? Зиёд тўйдан келаётган экан, ниятингни фаҳмлаб қолиб, зўрға қайтарибди.

Ғуломжон тили калимага келмай Жалолбекка бақрайганича қотиб қолди.

— Гулсарага айтдим, бекор гапдир, Ғуломжон бунақа аҳмоқлик қиладиган боламас, деб. Лекин Ферузаларнинг дарвозаси олдида турганингни қўшниси Шариф ака кўрган экан.

— Ахир... ахир бунинг бутунлай акси бўлган, Жалол ака! — Ғуломжон ғазабдан қалтирарди.— Ферузани мен эмас Зиёд, Шермат акалар бадном қилишмоқчи эди. Зиёднинг йўлини мен тўсганман. Тўғри, Шариф ака мени кўрганлиги рост. Зиёд яна қайтиб келиб Ферузани хафа қилмасин, деб пойлаб тургандим. Ферузага шубҳа тушиб қолишидан қўрқиб, Шариф акага сабабини айтмадим.

— Билмадим, ука, эҳтимол шундай бўлгандир. Мен одамлардан эшитганимни айтдим. Чўлга келишинг сабаблари тўғрисида ҳам ҳар хил гаплар юрибди. Колхознинг пулини еб қўйганинг ростми?

— Сизга нима десам экан?.. Буни бир-икки оғиз гап билан тушунтириб бўлмайди.

Ғуломжон Шермат ака бригадасига ишга кирган кундан бошлаб бўлган воқеаларни қисқача сўзлаб берди.

— Уша, Зиёд Ферузанинг олдига кирмоқчи бўлган

кечанинг эртасига, бригадир иккаламиз ёлғиз қолганимизда, тундаги ҳодисани айтдим. Зиёдни олдиндан бу ифлос ишга Шермат ака қайраб юрганини биттасидан тасодифан билиб олгандим. Лекин у бундан беҳабарлигини айтиб, қасам ичди, мен ишонмадим.

— Агар ўзингизми, югурдакларингизми, яна бирор марта Ферузанинг обрусини тукишга, номини булғашга уринганингизни билиб қолсам, мендан яхшилик кутманг,— дедим.— Бутун сирларингизни очиб, шармандангизни чиқараман.

«Ука иккаламиз энди бир одаммиз,— деди бригадир.— Битта арқонга боғланганмиз. Нима бўлсин, бирга бўламиз. Шунинг учун, фалон қилвораман, деб дуқ уришнинг хожати йўқ. Сенга бунақа бемаъни ифво гапни ким айтган, билмадим, лекин, яна қайтариб айтаман, Ферузага менинг ҳеч қандай ғаразим йўқ, бўлишим мумкинмас. Феруза ким? Қизим тенгли муштдай бола. Оддий колхозчи. Комсомолларга бош бўлиб, ишга яхши ёрдам берапти. Ундан хурсанд бўлишнинг ўрнига ёмонотлиқ қиламанми, жиян. Унга ошиқ экансан, менга дуқ уришнинг ўрнига секин шипшитиб қўй, бир ҳафтада тўй қилиб олиб берай. Мен жигарим деб суянсам-у, сен ҳар кимнинг гапига кириб... одамгарчилик бунақа бўлмайди-да, иним».

— Очиғини айтсам, Ҳалол ака, охири ундан кечирим сўрадим. Шу ишим бемаъни бўлди. Ўша кунлари колхозда ревизия бор эди. Ревизорни Шермат ака билан жанжалимиздан бир неча кун бурун уникида «зиёфат ҳам қилгандик.

Бригадир билан «суҳбатимиз»дан уч кун ўтгач, бош бухгалтер чақиртириб қолди. Борсам, ҳонасида ёлғиз экан. Кейин орамизда шунақа гап-сўз бўлиб ўтди:

— Ишлар чатоқ, Ғуломжон,— деди у салом-аликдан сўнг.— Ревизор пул ведомостларингдан қалбаки имзоларни топибди. Шунга сени талаб қиляпти. Ишламаган одамларга тула иш ҳақи ёзибсан. Ревизор иккаласини ҳам чақиртириб сўради. Имзо бизникимас, пулларни олганимиз йўқ, дейишди. Шу тўғрими?

— Тўғри!

— Пинагингни бузмай тўғри дейсан-а! — бухгалтер бўғилди.— Имзолар сеникими?

— Ҳа!

— Нима иш қилганингни биласанми ўзи?

— Бригадирнинг топшириғини бажарганман.

— Менга қара, укам, сен йигитсан, эркакча гап

қил. Табель сенинг қўлингда, иш ҳақини сен ёзасан, ведомостни сен тузасан, бригадирнинг нима алоқаси бор бунга?

— Уша буюрган-да.

— Хуш, қани уша буйруқ? Кўрсат.

— Оғзаки буюрган.

— Оғзакимиш. Оғзаки ҳаммаям буюриши мумкин. Ўзингнинг миянг йўқми! Икки минг уч юз ўн саккиз сўм ўн олти тийин-а! Одамда озгина инсоф бўлиши керак!.. Бугуноқ кассага тўлаб қўй, бўлмаса иш кучайиб кетади.

— Менинг бунча пулим йўқ. Деярли ҳаммасини Шермат ака олган.

— Унақа гапни қўй. Топасан. Бошқа илож йўқ, ука. Ревизорнинг авзойи бузуқ. Ишни терговга оширамиз, деяпти. Ёшсан, номингга доғ тушиб қолмасин.

Бу гапдан гангиб, тўғри бригадирнинг олдига бордим. У анча ташвишланди. Кечқурун идорага бирга келдик. Ревизор кетмаган экан. Шермат ака бухгалтернинг хонасида иккаласи билан узоқ гаплашди. Сўнг учаласи раиснинг олдига киришди. Бригадир у ердан лаб-лунжи осилиб чиқди.

— Ревизор жуда батарин одам экан, хайф зиёфатларимиз,— деди бош чайқаб.— Бу жиной иш, прокуратурага оширмасак бўлмайди, деяпти. Ҳатто раиснинг илтимосига ҳам кўнмаяпти. Ҳалиги пулни иккаламизга начёт қилди. Бу ҳеч нарсамас-ку-я, омон бўлсам ўзим тўғрилавораман, лекин...

Шу пайт иккаламизни раис чақиртириб қолди. Кирдик. Раис Шермат акага узоқ дўқ қилди, ундоқ қилвораман, бундоқ қилвораман, деб. Охири:

— Сизнинг ишингизни правлениеда, парткомда алоҳида кўрамиз,— деди бригадирга,— табелчингизни бўлса, молиявий интизомни қўпол равишда бузганлиги учун ишдан бўшатамиз. Шундай қилмасак, жиной иш қўзғалиб, ҳаммамизга доғ тушиши мумкин. Ўзимиз чора кўрдик, десак, юқоридагилар ҳам инобатга олишар.

— Раис,— минғирлади Шермат ака,— Ғуломжон анча ишчан йигит, ҳисоб-китобга пишиқ, ташкилотчилиги ҳам ёмонмас, уни...

— Ҳозирмас,— бригадирнинг гапини бўлди раис,— манави ғалвалардан ўтиб олайлик, кейин кўрамиз. Ғуломжон ҳозирча бу ерда камроқ кўриниб тургани маъқул. Комсорг, чўлга битта одам жўнатишимиз керак, деяётганди. Бориб, бирор йил ишлаб келмайсанми, Ғу-

ломжон? Ўз ихтиёри билан чўлга ишга кетди, деймиз-қўямиз. Гангиб қолганимдан қандай рози бўлганимни билмай қолдим. Жалолбек Ғуломжоннинг гапларини жим ўтириб тинглади. Охирида:

— Хуллас, улар сендан силлиққина қутулишибди-да,— деди.— Шермат ака, бухгалтер, эҳтимол ранс ҳам бир-бирига боғлиқ одамлар. Бирининг шохига урсанг, қолганларининг ҳам туёғи зирқирайди. Шунинг учун, сирларингизни фош қиламан, деганингдан чўчиб кетишган... Оббо омадсиз исёнкор-эй, демак, Ферузани деб қурбон бўлибсан-да?

— Нимага энди?

— Чунки унга тегишмаганда, Шермат аканинг пинжида тинчгина юраверардинг.

— Йўқ, унчаликмас. Бусиз ҳам бригадирнинг ҳаромтомоқлигидан сабрим тўлиб юрганди. Бу қўшимча бўлди.

— Қарши чиқиб нимага эришдинг? Ўзингни боплашибди, холос. Сен бўлсанг, қаттиқ туришнинг ўрнига қочворибсан.

— Йўқ десам, қаматиб юборишлари ҳам мумкин эди-да,— Ғуломжон ерга қаради.— Ўзингиз айтаяпсиз-ку, улар битта одам деб.

— Бунчалик иродасиз экансан, нима қилардинг Шермат акага пўписа қилиб. Унинг пинжида юравермайсанми тинчгина.

— Қўйинг, Жалол ака, ўзим сиқилиб юрибман, сиз ҳам қўшимча қилманг. Яна қандай янгиликлар бор қишлоқда? Шундан гапиринг.

— Бошқа янгилик йўқ десам бўлади... Ҳа, айтгандай, Малика ерга теккан экан...

— Йўғ-э, кимга?

— Узоқроқ жойдан, танимайман. Индинигаёқ отасиникига қайтариб обкелиб қўйишибди.

— Нимага?

— Олдинроқ кимгадир эриворган экан-да. Сепмас мисан, ишқилиб?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз!.. Бу — Зиёднинг иши.

— Шунақами? Қаёқдан биласан?

— Малика айтган.

— Ў-ҳў! Демак, у билан сирдошлигинг тўғрисидаги гаплар рост экан-да. Ахир бунақа гапни ҳар кимга ҳам айтавермайди қизлар.

— Бу нима деганингиз?

— Салимининг тўйидан кечаси олиб чиқиб кетганинг-да...

— Уйига олиб бориб қўйганман холос. Қулиниям ушлаганмасман. Сиз қайдан биласиз буни?

— Қишлоқдаги гаплардан-да. Одамларнинг гумони сендан.

— Бемаъни гап. Шу ғийбатга ишондингизми сиз ҳам?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Лекин Феруза сендан қаттиқ хафамиш.

— У билан гаплашдингизми?

— Йўқ! Гулсара айтди. Ёзган хатингни уқимасдан йиртиб ташлабди.

— Шунақа денг?.. — Фуломжон бушашиб кетди.

— Мана, боряпсан, гаплашарсан. Эҳтимол ўзингни кўриб эриб кетар.

Фуломжон Жалолбекни кузатгач, поездга минди.

Поездга утирди ҳамки, кўнглидаги ғашлик тарқалмади. Унинг кўзларига гоҳ ғазаб билан хатни йиртиб ташлаётган Феруза, гоҳ қизларнинг олдида уни масҳаралаб: «Дуруст, қўлингдан иш келиб қолибди», деб гўнгга ишора қилаётган Зиёд, гоҳ маломатга қолган шўрлик Малика кўринарди.

Фуломжоннинг фикрича, Малика ёмон қиз эмас. Очиқкўнгил, ишонувчан. Зиёдга ухшаганлар қизларнинг шунақалигидан фойдаланиб қолишади-да.

Фуломжон Малика билан тўйдан бирга чиқиб кетган кечадаги воқеаларни эслай бошлади.

...Қарнай-сурнай билан учта машинада келин ҳам келди. Қатта гулхан ёқилди. Машинада ўраниб-чирманиб олган келинчакнинг атрофига бир даста гулдек гўж бўлиб олган қизлар тинмай «ёр-ёр» айтишар, автобус эшигини тўсиб олган чечан жувонлар куёв томон вакиллари билан алланима ҳақида қизишиб тортишишар, келинчакни туширишга рухсат беришмасди. Буёқда қуш карнай қулоқни батангга келтириб ҳайқирарди. Ширакайф йигитлар гулхан атрофида чарх уришиб, рақсга тушишарди.

Тўполонга аралашмасдан қандайдир дарахт панасида турган Фуломжон автобуснинг очиқ эшигига тикилиб, қизлар орасидан Ферузани қидирарди. Икки-учта ҳаммаҳалла қизларни таниди-ю, лекин Феруза кўринмасди.

Ниҳоят келинни туширишга рухсат бўлди шекилли,

жўралар куёвни ўртага олиб, «ёр-ёр»ни баланд қўйиниб, машинага яқинлашишди. Уёқдан янгалар, қизлар:

Кўтар-кўтар деганда,
Полвон бўлинг, ёр-ёр,—

денишиб, куёвга далда беришарди. Келинчак тинмай ҳиқиллар, таранг қилиб, оёғини тирарди. Автобус эшигига яқин келиши билан куёв шартта кутариб, куёвнавкарларнинг олқиши остида дарвоза олдига етганда ерга туширди. Келинчак ўзи ёлғиз бир дам каловланиб туриб қолди. Машинадаги аёллар шўх куёвни койиша-койиша машинадан туша солиб, келиннинг ёнига чопишди. Улардан бири:

— Ҳаҳ, шўх бўлмай кетинглар,— деди шанғиллаб.— Нима кераги бор шуни? Ота-бувангнинг расмини қилиб, машинани олдига тушириб қўя қол-да. Йиқилса, иккаласиям майиб бўлади.

Ғуломжон буларнинг ҳаммасини аллақандай ҳавас, завқ билан томоша қиларди. У бир зум келинчак ўрнига Ферузани, Салимжон ўрнига ўзини қўйиб кўрди. Юраги орзиқди.

Куча бир зумда бушади-қолди. Ғуломжон ҳам энди тўйхонага кирмоқчи бўлиб турганди, кимдир;

— Кимни кутяпсиз? — деб қолди. Ялт этиб қаради. Ёлғинасида Малика жилмайиб турарди.

— Сизни,— деди ҳазиллашиб.

— Ҳо, менимасдир? — қиз ғамза билан боқди.— Сиз истаган одам келгани йўқ.

— Нимага? — Ғуломжон ҳафсаласи пир бўлиб сўради.

— Уй пойлаб ўтирибди. Ота-онаси қариндошларининг тўйига кетган экан.

— Аттанг... Ҳа майли, нимаям дердик.— Ғуломжон кулди.— У бўлмаса, мана, сиз борсиз-ку.

— У-ў, шунақамисиз ҳали? — қиз илжайди.— Юринг, бўлмаса.

Хизмат қилаётганлар Ғуломжонни йигитлар томонга, Маликани қизлар тарафга ёнма-ён ўтқазишди.

Малика қимтиниб, келинчакдек бошини қуйи солиб ўтирарди. Ғуломжон унга зимдан боқаркан: «Бунақа уятчан эмасди-ку? Артистлик қиляптими ё ростдан уяляптими?», деб қўйди ҳайрон бўлиб.

Рўпарадаги қаторда, нарироқда ўтирган Зиёд Ғуломжонга пиёлада арақ, Маликага шампан узатди.

— Иккалангиз бир уриштириб юборасизлар энли.—
кўзини қисиб қўйди у.

Малика вишони олишга ҳеч кўнмасди. Теварак-атрофдан қиз-жувошлар қистайвергач, поилож қўлини узатди. «Зиёддан қўрқяпти шекилли,— уйлади Ғуломжон иккаласини зимдан кузатаркан.— Демак, мишмишларда жон бор экан-да».

— Ғулом, шеригингни ишга сол,— деди Зиёд.— Қани, кўтаринглар. Тагида қолдирмай бир олинглар-чи, яхши ниятларни кўнгилга тугиб.

Бу гапдан Ғуломжон ғижиниб қўйди. Арақнинг ҳаммасини ичиб юборди. Сўнг атайлаб, Маликага яқинроқ сурилиб, қулоғига:

— Сал бошингизни кўтариб ўтиринг, билмаганлар булар ҳам келин-куёвлар экан, деб юришмасин,— деди.

Малика ялт этиб қаради-ю, қизариб кетди. Сўнг:

— Жинни! — дея шивирлади.

Ғуломжонга яна арақ узатишди. Ичиб булар-бўлмас Зиёд уйишга тортди. Бир давра айланишгач, Зиёд ёшидан утаркан:

— Ғулом, алмаштирдик,— деди кўзини қисиб.— Бу сеники, у — меники. Келишдикми?

Ғуломжон унинг гапига эътибор бермади. Зиёд келиннинг ёнидаги меҳмон қизни ўйинга тортди. Ғуломжон Маликанинг ёнига келди.

— Энди навбат сизга.

— Йўқ-йўқ, мен ўйинни билмайман.

Малика нари сурилди.

— Бўш келма, Ғулом,— жойига келиб ўтирган Зиёд гап отди.

Маликани қизлар ҳам қистай бошлашди.

— Энди турмасангиз бўлмайди.— Ғуломжон қизнинг момиқ билагидан тутди.

— Бўпти, қўйворинг, ўзим,— қиз ўрнидан қўзғалди.

Малика чиндан рақсга тушишни билмасмиди, ё атайлабми, номигагина қўл кўтариб, қайтиб ўрнига ўтирди:

— Ўлинг, шарманда қилдингиз,— деди пичирлаб.— Сизни қараб туринг, шу қилиндингиз учун...

— Нима қиласиз?

— Ферузага айтаман.

Ғуломжон сергакланди.

— Нимани?

— Ўйинга тортганингизни.

— Нима бўпти? Бунинг нима айби бор экан?

— Ҳалиги гапингизни ҳам..
— Қайси? Нима дедим?
— Кучадаги-чи? У бўлмаса, сиз борсиз, дедингиз-ку?

— Ҳазилни ҳам билмас экансиз-да!— Ғуломжон бўшашиб қизга қаради.

— Улинг-а,— Малика аста кулди,— қўрқаркансиз-у.

Ғуломжоннинг кайфияти бузилди.

— Эртароқ кетасизми? — сўради Малика бир оздан кейин.

— Ҳа! Нимага эди?

— Мениям бирга олиб кетинг, бошқа шерик йўқ. Қизлар ётиб қолишаркан.

— Сиз ҳам қолаверинг.

— Йўқ, келаман, деб қўйганман уйга... Ё Ферузадан қўрқасизми мен билан кетгани?

— Жаҳлимни чиқараверманг, яхши қиз.

— Бўпти-бўпти. Бунча аччиғингиз тез? —

Ғуломжон индамади. Уни кузатиб турган Зиёд рўпарасига келиб ўтирди.

— Ғулом, ҳалиги гап-а? — деди Маликага кўз қирини ташлаб.

Зиёднинг нима демоқчи эканлиги Ғуломжонга шундагина етиб борди. Синфдошининг беорларча илжайиб турган афтига бир дам тикилиб турди-да, қўлидаги чойни унинг юзига сепиб юборди.

— Ие, нима қилганинг бу?! Маст бўлиб қолдингми, ошнам? — Зиёд қўли билан юзини сидираркан сўради.— Йигитчилик бунақа бўлмайди, хўрбз.

Ғуломжон мушт туширмоқчи бўлиб отланганди, ёнидаги йигит қўлидан тутиб қолди.

— Узингизни босинг,— деди аста.— Тўйни бузманг.

Ғуломжон шартта туриб, тўйхонадан чиқиб кетди. Орқасидан ҳаллослаб Малика етиб келди.

— Бирга обкетаман, деб индамай кетвориш экан-да? — упкаланган бўлди қиз.

Ғуломжон индамади. Бир оз жим кетишди.

— Зиёд нима деганди? — сўради Малика ниҳоят жимликни бузиб.

— Қачон?

— Уйнаётганда. Менинг тўғримда.

— Ҳеч нарса.

— Айтаверинг, сезганман.. Алмаштирайлик, деганмиди?

— Нимани?

— Феруза иккаламизни.

— Қаёқдан билдингиз?

— Башарасидан фаҳмлаганман... Демак мени сизга ишом қилибди-да?.. Кўрдингизми, ўз қадрини билмаган одамни молдек алмаштириш, бировга совға қилиш ҳам мумкин.

Қизнинг титроқ. овозида алам, ўкинч бор эди.

— Бу гапингизни Зиёдга айтинг, мен ҳеч нарсани алмаштирмоқчи эмасман.

— Кейинги гаплариниям эшитдингизми?

— Охиргисиними?

— Йўқ, бизнинг олдимишга ўтмасидан бурунгисини. Шермат аканинг укаларига мақтанди-ку.

— Нима деди?

— Феруза уни кутаётганмиш.

— Ёлғон!

— Эҳтимол ростдир. Нимага ёлғон бўларкан? Зиёд чиройли йигит!

— Ёлғон? Феруза чиройга учадиган қизмас.

— Қаёқдан биласиз? Ичига кириб чиққанмисиз? Сизга қиё боқмаса, бошқаларгаям қарамайди, деган гапмас-ку.

— Бас қилинг! Мендан тарсаки ейишингиз мумкин ҳозир.

— Ура қолинг. Мен тортаётган азоблар олдида сизнинг бир-икки шапалоқ урганингиз нима бўларди.

— Сизга нима бўлди, Маликахон? Мастмисиз?!

Малика бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Ғулумжон шошиб қолди. Ҳар қалай, маҳалла ичида кетишяпти. Одамлар кўрса нима деб ўйлашлари мумкин?

— Қўйинг, Маликахон, ўзингизни босинг. Қўйинг энди! Нима гап ўзи!

— Мен бахтиқароман! Шўрпешонаман... Қанийди ҳозир худо жонимни олиб қўя қолса.

Ғулумжон гап нимадалигини фаҳмлади. Қизга ачинди.

— Ким?

— Зиёд!.. Ваъдаларига ишонибман. Қасамлар ичганди. Энди бўлса, пуф сассиқ, деб Ферузага.. илиқиб юрибди. Ёмон кўраман! Кўргани кўзим йўқ ўша ярамас Зиёдниям, заҳар Ферузаниям!.. У Зиёдни оғдириб олди ўзига... Сиз бўлсангиз латталиқ қилиб, орқасидан сулагингизни оқизиб юрибсиз-у, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Бунча бўшанг бўлмасангиз ахир!

Ғуломжон тишларини- қисиб, муштларини тугди. Агар ҳозир рӯпарасидан Зиёд чиқиб қолгудек бўлса, тилка-пора қилиб ташлагудек важоҳати бор эди.

Рашк, ор-номус, алам утида жизғанақ бўлаётган қизга нима ҳам дейиш мумкин? Қандай тасалли бераман...

Ниҳоят Малика ўзини сал босиб олди.

— Биламан, Зиёдни қайраётган ярамас Шермат ака,— унинг овози титрарди.— У Ферузани ёмон кўради. Бригадирликни тортиб олади, деб қўрқади. Шунинг учун эл орасида бадном қилмоқчи.

— Ростми гапингиз? Ким айтди сизга?

— Зиёд. Анча бўлди. Унда, мендан совимаган маҳали эди... Ферузанинг бригадада обрўси баланд. Шермат ака ҳозир номига бригадир, холос. Ҳамма ишни Феруза қўлига олволган. Олдингидай бригада пуллари талаб, маишат қилолмай қолди-да. Феруза табелчининг ишларини текширтириб туради. Бригадир бир пайтлар ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Шунинг учун Ферузага тиш қайраб юрибди. Сиз бўлсангиз, унинг товонини ялаб, малайлик қиляпсиз.

— Оғзингизга қараб гапиринг! Индамаганимга, нима десам бўлаверади, деб уйлаяпсизми!

— Рост-да! Чиндан севсангиз, Ферузанинг тарафида бўлишингиз керак. Лекин энди Шермат аканинг чангалидан чиқиб кетолмайсиз. Текин зиёфатларига мазахўрак бўлиб қолгансиз. У оёғингиздан ип боғлаб, хоҳлаган куйига ўйнатади. Худо билади, ҳали Зиёдни қайраб, Ферузани расво қилиб, кейин сизга олиб беради-ми!..

— Бас қилинг, деяпман сизга! Мендан нима истайсиз ўзи?

— Сиздан ҳеч нима?

— Демак, Зиёддан ўч олмоқчисиз. Мен уни калтаклашим керак, шунақами?

— Унга кучингиз етмайди. Бу гапларни эшитмадим, денг-да, уйингизга бориб, уйқуни ураверинг.

Ғуломжон Маликани уйигача кузатиб қўйгач, ортига қайтиб, Ферузаларнинг кўчасига бурилди. Етиб келиб, дарвозани аста итариб кўрди. Ичкаридан беркитилган экан. Ғуломжон нима бўлса ҳам бир оз куттишга қарор қилди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай бир енгил машина келиб, дарвозадан йигирма-ўттиз қадам нарида тўхтади. Ичи тўла одам.

Ғуломжон ғазабдан қалтирай бошлади. Машинани эшиги очилиб, бир киши тушди. Дарвоза ичкаридан беркитилганини билгач, туриб қолди. Ғуломжон Зиёдни таниди. Зиёд бу орада деворнинг паст жойини мўлжаллаб, тирмаша бошлади. Ғуломжон шарпа чиқармай унга яқин борди. Ташланмоқчи бўлди-ю, тупалон кутарилиб, Ферузанинг номига доғ тушиб қолиши мумкинлигини уйлаб ўзини босди.

— Зиёд! Қайт!— дея олди таҳдид билан.

Зиёд бир лаҳза қотиб қолди. Ғуломжонга ўгирилди.

— Э, ўзларими? — беўхшов кулди у.— Нима қиляпсан бу ерда?

— Уйингга бор, Зиёд, қон тўкилиши мумкин ҳозир.

— Сен-чи? Ё бу ердаям ўринни алмаштирамизми?

У Ғуломжон томон бир қадам босди.

— Кет деяпман! — Ғуломжон қўлини чўнтагига солиб, ҳимояланишга шайланди.— Чўнтагимда пичоқ, бор.

— Қўйсанг-чи, жинни бўлдингми? — Зиёд кулди.— Ҳазилниям билмас экансан-да.

У бир дам каловланиб турди-да, Ғуломжоннинг қуроли борлигига ишонди шекилли, ортига қарай-қарай машина томон юриб кетди. Ғуломжон енгил нафас олди. Агар Зиёд ташланиб қолганда, унга бас келиш қийин эди. Чунки у бақувват йигит.

Ғуломжонга боя ўзи яшириниб турган жойда алланима қимирлагандек туюлди. Яқин борди. Унга тикилганича Малика турарди.

— Сиз? — деди Ғуломжон ажабланиб.— Нима қиляпсиз бу ерда?

Қиз жаҳл билан:

— Қўрқоқ! — деди-да, уйлари тарафга югуриб кетди.

Ғуломжон унинг гапига парво қилмади. Чунки Зиёд билан ҳозир муштлашмай тўғри иш тутганига ишончи комил эди. Буни қўрқоқлик санамасди. У Зиёднинг яна қайтиб келишидан ҳадиксирарди.

..Ғуломжон ўз хаёлига шундай берилиб кетгандики, поезддалигини ҳам унутаёзганди. Рупарасидаги болали аёл:

— Ука, малол келмаса жойимизни алмаштирайлик, бизники тепада эди,— деганда, унга ажабланиб қаради. Сўнг ўзига келиб:

— Майли, опа, бемалол жойлашаверинг,— деб ўрнидан турди.

Қизлар шийпоннинг «қизлар хонаси»га кириб, тушликка ўтирар-ўтирмас, бир бола эшикдан мўралаб:

— Феруза опа, сизни бригадир чақиряпти,— деб қолди.

— Оббо, тинчгина овқатланганиям қўйишмайди,— Ферузанинг жаҳли чиқди.

— Ведомостга қўл қўймаганимизни табелчи чаққандир-да,— гап қотди Нозима.— Қўявер, керак бўлса, ўзи кирсин.

— Йўқ, яхшимас, бора қол, Феруза,— деди Гулсара.— Эҳтимол бошқа гапдир. Ҳар қалай, бригадиримиз, ёши ҳам улуғ. Ҳурмат қилиш керак.

Феруза истар-истамас бригадир ва табелчи Зиёд утирган хонага кирди.

— Кел, қизим, кел,— Шермат ака жилмайди.— Қайфиятлар қалай?

— Яхши!

— Кел, ўтир-чи, гап бундай. Қайфият аъло бўлишиям керак-да. Аввалги куни келган комиссия, район бўйича бунақа пахта йўқ, деб мақтаб кетди.

— Оғзи-бурнидан чиққудай зиёфат қилганингиздан кейин мақтайди-да,— Феруза кинояли жилмайди.— Еган оғиз уялар, дейишади-ку, ахир.

— Йўқ-йўқ, бунақа дема, жиян. Ёзган арзимаган дастурхонимизни миннат қилсак, бўлмайди. Кейин, мен уларга, районнинг энг зўр комсомоллари ишлайдиган бригаданинг пахтаси биринчи бўлиши ҳам керак-да, дедим. Тўғри айтибманми?

— Нимага чақирувдингиз? Шунгами?

— Йўқ, бошқа гаплар ҳам бор. Сизларга ишониб, кечаги район кенгашида, бу йил эллик беш центнердан пахта бераман, деб катта ваъда қилвордим, қизим.

— Аъзолар билан бир оғиз маслаҳатлашмасдан-а?

— Хонаси шундай бўлиб қолди-да. Обком секретари ўртоқ Насибуллаев бор эдилар, қўққис сўз бериб қолишди.

— Ўзингизни кўрсатиб қўймоқчи бўлибсиз-да.

— Э, жиян, ўзимни кўрсатсам-кўрсатмасам, отнинг қашқасидай таниқли одамман. Мени танимайдиган раҳбар йўқ. Қайда катта йиғин бўлса, Шермат ака, сиз бошлаб бермасангиз, бошқалар тортмайди, деб туриб олишади.

«Чиранма ғоз — хунаринг оз», деб қўйди Феруза ичида. Ташида эса:

— Ҳафа бўлманг-у, Шермат ака,— деди,— эллик центнер ҳам чакана юкмас бригадага. Ортиқча чиранишнинг нима кераги бор?

— Ваҳима қилма, жиян, бўлади. Мен айтдимми, бўлади. Мана, сен райкомнинг аъзосисан, мен ҳам, ҳалигидай, номини чиққан одамман. Бригадамиз юқори ҳосилли деб донг таратган. Шунинг учун обрўни бой бермаслигимиз керак. Мана, ташаббусимиз эртага область газетасида чиқади. Бу ҳам, ахир, сен билан менинг ҳурматимиз-да. Ўтган йили кўрдинг-ку, элликдан берамиз, дедим, шунга етказдик.

— Бултургини гапирманг, у даврлар ўтиб кетди. Аттанг деб бармоғингизни тишлаб қолманг, тагин!

— Сен билан биз тўғри ишляпмиз, чўчийдиган жойимиз йўқ.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йилгидақа ҳосил бўлганмас. Бунинг учун, айниқса, сендан хурсандман, қизим. Комсомолларингиз бу йил ҳам жуда яхши ишлятәпсан. Яна бир ҳа деворсанг, эллик бешмас, олтмишданга етказиворамиз ҳали. Бу йилги мукофотларнинг энг каттаси, биричи навбатда, сеники!

— Мукофотни қўйиб туринг,— Феруза хўрсиниб қўйди.— Ацчадан бери мажлису комиссия кузатишдан бўшаганингиз йўқ. Ўттиз беш гектарлик карта кейинги доридан ғовлаб кетиб, иссиқда димиқиб, кўсаги ҳам, шоналари ҳам тўкиляпти. Кўпчилик айтувди, шу дорини солманглар, ортиқча, деб. Парво қилмадингиз. Табелчингиз бўлса, янги чеканкадан чиққан жойга сув очтириб юборди. Ғўза бачкиляпти. Бир ёқдан пастки шохлардаги кўсаклар чирияпти. Эгатлар лой, на трактор юра олади, на одам кира олади.

Бригадир табелни оққа кўчираётган Зиёдга жаҳл билан қаради.

— Ахир сенга айтгандим-ку, менинг рухсатимсиз сув очтирма, деб.

— Бир-икки гектари чанқаганди,— Зиёд пинагини бузмасди.

— Чанқаган ерга қўйилаётган бўлса зарари йўқ,— бригадир Зиёдни қўллади.

— Чанқаган жой ўртада,— Ферузанинг эса хуноби ошди,— сув ёппасига қўйилляпти. Ғўзаси ғовлаган ерлар қўллаб ётибди, чанқаган жойга етиб боргани йўқ ҳали... Дамик бува, битта эгат билан олиб бориб, қийиб

суғориш керак, деганди, булар ёппасига ҳайдаяпти. Мен меҳнатимизга ачинаман. Ғузани шунчалик қилгунча не алфозга тушдик, ахир!

Феруза кўзлари ёшланиб, лаблари титраб, жимиб қолди.

— Қанақа бефаросатсан?— бригадир Зиёдга заҳрини сочди.— Нима, менга душманмисан?

— Унчаликмас-э, Шермат ака,— ўзини оқлади табелчи,— битта эгатга етарли сув сиғмайди. Шоҳарик анча олисда. Беш-олтита эгатдан, ўша, чанқаган ғузага сув кетяпти. Тўғри, сувчи бир иш билан уйига кетганда, бир-иккита эгатни уриб, ўсган жойни бир оз сув босибди.

— Йигирма тўрт гектарни эса, кўсак қурти ейяпти,— давом этди ўзини хийла босиб олган Феруза.

— Боя кузатувчидан сўрасам, ҳашарот йўқ, дедикуну?— зуғум билан табелчидан сўради Шермат ака.

— Ғузани ораласа кўради-да,— Зиёд ўрнига жавоб берди Феруза жаҳл билан.— Икки кундан бери келгани йўқ-ку, қайдан билади.

— Нима учун? Қаерда юрибди кузатувчи?

— Ишлаяпти,— жавоб берди Зиёд ерга қараб.

— У табелчининг уйини ремонт қияпти,— деди Феруза.— Дори сепишга ажратилганлар бўлса, уч кундан буён сизникида.

— Ҳм,— бригадир ўнғайсизланди. Сўнг табелчига буюрди:— Ҳозироқ одам жунат, келиб, ўзларининг ишини қилсин. Яна тўрт-беш кишини қўш. Сув оқаётган жойни ўзим кўраман.

— Хўп!

— Бўлдим! Мен чиқиб кетаверайми?— сўради Феруза.

— Йўқ, яна бир оғиз гап бор. Кечирасан, узоқ тутиб қолдик. Комсомолларинг ведомостларга қўл қўйишмабди, қизим, шунга...

— Мен айтганман, қўйманглар, деб.

— Нимага?

— Иссиқ овқат ҳақини яна ошириб ёзибсизлар.

Ахир бир коса ғўштсиз ёвгон овқат бир ярим сўм бўлмас. Мен ҳисоблатиб кўрдим: ҳар бир кишига кунига қирқ олти тийиндан тўғри келаркан.

— Энди, қизим, бригадада сметада кўрсатилмаган ҳар хил харажатлар бўлади. Олдин ҳам айтгандим-ку. Хабаринг бор, кейинги кунларда бир-иккита комиссия келиб кетди, мухбирлар...

— Нимага энди сизнинг меҳмонларингизнинг маишати биз кутаришимиз керак экан? Сиз зиёфат қилдингизми, ўзингиз тўланг.

— Менинг уйимгамас, бригадага келган улар,— Шермат ака қизишди.

— Биз чақирганимиз йўқ. Ўша комиссияларсиз ҳам ишимизни билиб қилаверамиз.

— Ҳа, хўп, бу майли, иккинчи ведомостга нимага қўл қўйишмади?

— У ҳам қалбаки. Район спартакиадасига биздан фақат иккита қиз борган. Шахмат-шашка бўйича. Сизлар волейбол командасини ҳам қўшиб, ун саккиз кишига ўн беш сўмдан ведомость тузибсизлар.

— Бу пул бригададан эмас, колхознинг умумий фондидан кетади,— гапга қўшилди Зиёд.

— Барибир, колхознинг пули-да.

— Ҳў, менга қара, қизча! — Шермат ака пишқириб юборди.— Бу ерда сенми бригадир, менми?

— Сиз,— деди Феруза хотиржамлик билан.— Лекин, бригадирман, деб кўнглингизга нима келса қилаверишга ҳақингиз йўқ!

— Мени қонимга ташна қилаверма, қиз, кейин ёмон бўлади! — деди бригадир ўшқириб.— Отангнинг ҳурматидан индамай келяпман, бўлмаса...

— Бўлмаса нима?

— Мен билан олишмоқчи бўлганларнинг бири хушторинг Ғулом эди. Пуф, деб учириб юбордим, биласанми!

— Уям сизнинг югурдакларингиздан эди, ўзидан кўрсин. Қозонга яқин юрса, шунақа бўлади.

— Мен сенга ҳали қозон бўлдимми?! Ҳе ўша... Иўқол!

Феруза эшикни тарсиллатиб ёпганича, чиқиб кетди.

Қизлар овқатланиб бўлаёзган эдилар. Феруза уларнинг саволларига жавобан бригадир ва табелчи билан бўлган суҳбатни қисқача сўзлаб берди-да, иштахасизлик билан овқатлана бошлади.

Шу пайт ҳовлиққанича Зулфия кириб келди. У бемор отасидан хабар олгани уйига кетган эди.

— Феруз! Суюнчи бер! — деди остонада тўхтаб.— Гумдонинг келибди.

Чой ҳўплаётган Феруза қалқиб кетди.

— Ҳе ҳовлиқмай... Қанақа гумдоним? — сўради йўталини зўрға тўхтатиб, кўз ёшларини артаркан.

— Қайси бўларди, Ғулом аканг-да.

Феруза ижирғаниб, бурнини жийирди.

— Топиб келган гапинг қурсин! Келса-келар, менга пима.

— Ким айтди? Ё кўрдингми? — сўради қизлардан бири.

— Кўрдим. Ҳатто гаплашдим ҳам.

— Нималар деди? — сўради Нозима қизиқсиhib.— Нега кепти?

— Нима дерди, биринчи навбатда Ферузахонга алоҳида салом айтдилар, сенларгаям сал-пал.

— Саломиям қурсин, ўзиям,— жавоб берди Феруза чимирилиб. Сўнг бу хабарга бепарволигини кўрсатишга уриниб, индамай овқатланишда давом этди. Бир вақт Зулфия унинг қуруқ пиёлани ҳўплаётганини кўриб қолди. Қафти билан оғзини беркитиб, ёнидаги қизларни туртиб, имо қилди. Дугоналар қиқирлаб кулишди. Феруза чўчиб тушди. Кулгининг боисига тушунолмай уларга жавдиради.

Зулфия унинг ҳолатини тушунса-да, бари бир, ҳазил қилмай туролмади:

— Бечора,— деди илжайиб,— суюнганидан ҳушини йўқотиб қўйди. Ҳозирдан шунчалик, ўзини кўрганда, эсингдан оғиб қолмагин, ўртоқжон.

Феруза қўлидаги пиёлага қарагандагина кулгининг сабабини англади. Бригадирнинг олдидан кайфияти бузилиб чиққаниданми, Зулфиянинг ҳазили малол келди. Пиёлани тақ эткизиб қўйди-да, чиқиб кетди.

Тушлик охирлаб қолаёзганди. Шийпон айвонида ўтирган болали аёллар ҳам, сўрида овқатланган эркаклар ҳам бир-бир қўзғалиб, ишга отланаётган эдилар.

Феруза пешбандини боғлади-да, иш жойига бориб, ўзига бўлинган қаторлардан чеканка қилинмагани қанча қолганини чамалагач, хаёлчанлик билан ғўза шохларининг учини чилпий бошлади. Кўнгли ғашлигиданми, ишлагиси келмасди. Бутун вужудида қаттиқ чарчоқ хис этарди.

Ќўзадек сермеҳнат экин бўлмаса керак оламда. Колхозчилар эрта баҳордан кеч кузгача тиним билишмайди.

Феруза, угина эмас, барча қизлар ҳам, мана, иккинчи ҳафта охирлаяптики, дам олишгани йўқ. Мумкинмас. Чеканка муддатида тугаши керак. Бўлмаса, пахтанинг пишиши кечикади, кузда жабрини тортишади.

Бирин-кетин бошқа қизлар ҳам ишга тушишди.

Ферузанинг ўтириб дам олгиси келарди. Лекин номус кучи ўзини тутди. Лоақал эгатни яримлатиб, дугоналари тенглашгунча сал нафасини ростлашни мўлжаллади.

У Гуломжон ҳақида ўйламасликка тиришарди. Лекин унинг туғрисидаги ёқимсиз фикрлар хира пашшадек миясида айланар, нари кетмасди.

Гуломжон улардан бир синф олдин ўқиган.

Ферузалар тўққизинчи синфдалигида, комсомол комитетининг ташаббуси билан юқори синфларнинг аълочи ўқувчиларидан қуйи синфларга ўзлаштиришда ёрдамлашувчи вакиллар тайинлаш расм бўлди. Ферузаларнинг чекига мактабнинг аълочи ўқувчиларидан бири Гуломжон тушди. Феруза, Гулсара, Зулфиялар ҳам еттинчи-саккизинчи синфларда ана шундай вакил эдилар.

Гуломжон истаса жиддий, ўйчан; истаса қувноқ, шўх бўла оладиган бола эди. Тездаёқ «қарамоғидагилар» билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Математика, грамматика, чет тили каби қийин фанлардан берилган вазифаларни ишлашда, кўпчилик Гуломжондан ёрдам сўрарди.

Иккинчи ярим йилликда Феруза учун ғалати воқеалар юз бера бошлади. Бир куни унинг аълочилар доскасидаги сурати Гуломжонникининг ёнига кўчиб қолганлиги маълум бўлди. Буни ким, қачон, нега қилганлигини аниқлаша олмади. Сурат жойига кўчирилди. Витрина эшикчаси беркитилмасди. Қулф осишди. Аммо ҳафта ўтмасдан сурат яна Гуломжонникига қўшни бўлиб қолди. Аввалги сафар кўпчилик эътибор бермаганди. Кейингисида чинакам тўполон кўтарилди. «Ҳазилкаш»ни роса қидиришди. Топилмади. Нимагадир суратни янги жойида қолдиришди. Ўқувчилар, айниқса, қизлар орасида Гуломжон ва Феруза туғрисида сирли шивир-шивирлар бошланди. Феруза маъноли қарашлардан, қочириқлардан қочишга жой тополмай қолди. Директорга кириб, суратини бутунлай олдириб ташлашни илтимос қилмоқчи бўлиб юрганди, расм эски жойига кўчиб қолди. Яна шов-шув, қидир-қидир. Баъзилар Гуломжондан гумонсирашди. Бироқ мактабнинг фахри, ҳар жиҳатдан намунали ўқувчининг қўлидан шундай бемаъни, безориларча иш келишига ақл бовар қилмасди. Шунинг учун уни қийин-қистовга олишмади.

Гап-сўзлар энди тинчий деганда, сурат бутунлай

пўқолди. Феруза аламидан роса йиғлади, ҳатто мактаб-
га бормай қўйди. Синфдошлари, Ғуломжон, ўқитувчи-
лар ялиниб-ёлвориб олиб боришди. Мажбуран бошиқа
суратга туширишди. Феруза анчагача қўрқиб, юраги-
ни ҳовучлаб юрди. Лекин бунисига ҳеч ким ҳазил қил-
мади.

Баҳорда пиллачилик ўқувчилар ишлаб чиқариш
бригадаси ташкил этилди. Қуртни, асосан, тўққизинчи-
унинчи синф ўқувчилари боқишарди. Ғуломжон ва Фе-
руза ҳам бригадада эдилар.

Ўғил болалар барг кесиб, етказиб беришар, қизлар
повдаларни бутаб, қуртларга барг солишарди. Қуртлар
катта ёшга ўтиб, кўп барг ейдиган давр келганда, ўғил
болалардан қизларга ёрдамчилар тайинланди.

Бир куни қуртхонада Феруза Ғуломжон билан нав-
батчилик қилиб қолди. Ғуломжон шунчалик ройиш, ито-
аткор ёрдамчи эдики, Феруза нимаши буюрса ҳам сўз-
сиз бажарарди. Барг келтирар, Ферузанинг кўрсатма-
си билан қуртларга соларди. Тўкилган қуртларни те-
ринг, деса, бўйдорлигига қарамасдан, пакана сўкчак
остиға инқиллаб-синқиллаб кириб кетарди.

Феруза қуртларнинг шувиллатиб барг ейишини то-
моша қилар, Ғуломжон сўкчак остида тўкилганларини
терарди.

— Ферузахон!— чақирди йигит ўша жойда турга-
нича.

— Ҳа,— Феруза хаёлчанлик билан жавоб берди.

— Бир гап айтсам, уришмайсизми?

— Нима экан?

— Олдин, уришмайман, денг, кейин.

— Хўп!

— Рост-а?

— Ҳа... Қанақа гап ўзи?

Феруза энгашиб, Ғуломжонга боқди. Унинг сочлари,
олкалари нушхўрд барглар, қурт ахлатидан ола-була
бўлиб кетган эди. У буни сезмаётгандек, қунишиб ўти-
рарди. Феруза кулиб юборди.

— Нусхангизни қаранг. Чиқинг, буёққа!

— Ҳозир... Биласизми, қадимги юнон худоларининг
кўпи аёллар бўлган. Уларнинг ҳайкалларини ясашиб,
сажда қилишган, гуноҳларини айтиб, тавба-тазарру
этишган.

Феруза Ғуломжоннинг сўкчак остида ўтириб, та-
рихдан сафсата сотаётганидан шарақлаб кулди.

— Уша ердан туриб, менга қадимги дунё тарихидан консультация бермоқчимисиз?

— Тасаввур қилинг, сиз ўшандай худолардан бири-сиз.

— Мен-а?

— Ҳа! Масалан, гузаллик маъбудаси Афродита.

— Ҳм. Бўпти, тасаввур қилдим. Кейин-чи?

— Ҳозир мен сизга тавба қилмоқчиман.

— Сўзла, эй сўкчак остидаги осий банда, не гуноҳинг бор? — деди Феруза Ғуломжон бошлаган ўйинга беихтиёр қизиқиб.

Йигит бир дам жимиб қолди.

— Ухлаб қолдингизми? — Феруза яна энгашиб қаради. Ғуломжон энтикди.

— Мен... ўғирлик қилганман.

— Сиз-а? — Феруза уни кўзлари олазарак ўғри сифатида тасаввур қилиб, яна кулиб юборди. — Қўйинг-э.

— Рост.

— Катта нарсами?

— Мен учун катта.... Жуда катта. Сиз учун арзимаган нарса.

— Қизиқ. Нима экан?

— Сизнинг суратингиз,

— Нима?! — Феруза унга ҳайрат билан боқди.

— Доскадаги суратингизни мен ўғирлаганман.

— Нима учун?

— ...

— Ёлғон! Алдаяпсиз.

— Рост!

Феруза нима дейишини, нима қилишини билмасди. Сурат йўқолган кунлари аламини кимдан олишини билмай, агар ўғри топилса, нима қилсам — қиламан, директорга айтиб, мактабдан ҳайдатаман, ҳамманинг ўртасида шармандасини чиқараман, деганди. Мана, топилди ҳам. Ўзи тан олиб, сўкчак остида ювошгина бўлиб ўтирибди. Лекин негадир Ферузанинг ғазаби келмасди. Бундан ўзи ҳам ҳайрон. Аммо нимадир дейиши керак. Индамай қўявериш мумкинмас.

— Мени шунчалик ёмон кўраркансиз-да? — деди ниҳоят аразли оҳангда.

— Ёмон кўраркансиз?!

— Ахир бутун мактаб олдида шарманда қилдингиз-ку! Қизларнинг ҳиринг-ҳирингидан қочишга жой тополмай қолдим.

— Ҳа!.. Бу томонини ҳеч ўйламабман ўшанда. Йиг-

лаганингизни кўриб, пушаймон бўлдим-у, яна жойига қўйишга қўрқдим.

— Олишда қўрқмабсиз-ку?

— Олдингилар ҳам сизнинг ишингизми?

— Ҳа,— ювошгина тан олди Ғуломжон.

— Нимага бундай қилдингиз?

— Суратларимиз ёнма-ён туришини истагандим.

— Жинни,— деди Феруза эшитилар-эшитилмас.—

Бари бир ишонмайман, сиз олмагансиз!

— Курсатайми?

— Кўрсатинг!

— Энгашинг.

— Буёққа чиқинг, вой, қачонгача ўтирасиз у ерда?

— Хўп!

Ғуломжон Феруза тарафдан эмас, нариги томондан чиқди. Чўнтагидан ялтироқ қоғозга ўралган суратни олиб, кафтига қўйиб, кўрсатди.

— Берироқ келинг-чи, яхши кўринмаяпти.

— Олиб қўясиз-да.

— Қайтиб беринг, Ғуломжон ака, илтимос,— Феруза ялинди.

— Йўқ! Ҳеч қачон! Мен буни осонликча олибманми. Виждонимни қийнаб...

— Яна йиғлашимни истайсизми? Шунча йиғлатганингиз камми? Бирортаси кўриб қолса, нима деган одам бўламан? Ҳали мактабни битирмасдан туриб...

— Ҳеч кимга кўрсатмайман. Ўлай агар! Барча гузаллик худолари номи билан қасам ичаманки, тирик эканман, ўзимдан бошқа ҳеч ким кўрмайди бу суратни.

Феруза ранжиб, индамай ташқарига чиқиб кетди. Нариги хонадаги қуртлар барғни еб бўлган экан, янги сола бошлади. Бир зумдан кейин Ғуломжон ҳам кирди.

— Ферузахон! Нима қилай? Мен ҳам барғ солайми ё яна қурт терайми? — деди хушомад қилиб.

Феруза қовоғини уйганича унга кўз қирини ташлаб қўйди-да, индамай ишини давом эттираверди...

Феруза суратининг Ғуломжонда қолишига рози бўлганини муҳаббат рамзи деб билмасди. Буни хаёлига ҳам келтирмаган. Шунчаки, анча эскириб кераксиз бўлиб қолган суратга ортиқча аҳамият бермай, шунчалик зор экансан ола қол, қабилида иш тутганди. Шунинг учун ҳам у Ғуломжоннинг ўғрилиги воқеасини энг яқин дугонаси Гулсарага кула-кула сўзлаб берди. Бироқ табиатан вазмин, эҳтиёткор қиз бўлган Гулсара

бунга жиддий тус бериб, Ферузанинг юрагига гулгула солиб қўйди.

Шундан кейин Феруза, суратини берди деб талта-йиб, шилқимлик қилиб кун бермай қўйса, деб анчагача ташвишланиб ҳам юрди. Аммо Ғуломжон сўзида турди. Ортиқча суйкалмади. Гарчи муомаласидан, юз-кўзларидан Ферузага меҳр балқиб турса-да, ўзини хийла сипо тутар, қизга малол келадиган хатти-ҳаракат қилмасди.

Феруза Ғуломжоннинг биринчи йили ўқишга киролмаганини тасодиф деб биларди. Иккинчи йили ҳам шалвираб қайтиб келгач, қизлар аскиясининг боши Ғуломжон бўлиб қолди.

Феруза уларнинг ҳадеб Ғуломжонни чайнайверишларига охири чидай олмади:

— Сизларга шундан бошқа гап йўқми? — деди ғашли келиб.— Оғирлиги тушгани йўқ-у. Ўқишга кириш осонми? Ўзларингизни қўлларингиздан кетмон чопишдан бошқа иш келмайди, яна бировга кулганларингиз ортиқча.

Шундай деди-ю, балога қолди. Аввалига қизлар жимиб қолишди. Кейин Ғуломжонни қўйиб, унга ёпишиб кетишди.

— Ҳай, Нозима, оғзингга қараб гапир,— гапни бошлаб берди маҳмадона Зулфия,— бизга тегиб кетади.

— Кечирасиз, Зулфияхон,— Нозима шундай деб Ферузага кўз ташлаб қўйди.— Деворнинг орқасида одам борлигини билмабмиз.

— Ҳа, тилим бор, деб ҳадеб гапираверманглар, тузукми,— Зулфия қошларини чимириб, пўписа қилди.— Бундан кейин Ғуломжон акамизни бир оғиз ёмон десаларингиз, йиғлаворишданам тоймаймиз. Билиб қўйинглар!

— Билдим! — ҳамманинг номидан Нозима жавоб қилди.

Шундан кейин қизлар ўзларича Ферузани Ғуломжонга бичиб тўқиб қўя қолишди.

Ферузаларнинг синфи мактабни битиргач, колхозда ишлаш ташаббуси билан чиқишди. Дастлаб ҳамма рози бўлган эса-да, аттестатни олишгач, олти киши институт-техникумларнинг кундузги бўлимларига ҳужжат топширди. Иккитаси кирди. Қолгани қайтиб келди. Ма-на, 16 киши битта бригадада ишлашяпти.

Феруза Ғуломжоннинг далага ишга чиққанидан ёнимга яна битта маслакдош қўшилди, деб қувонди.

Чунки у гарчи кейинги пайтларда Ғуломжоннинг ёшлар ўртасида обрўйи сал пасайган бўлса-да, тез орада мавқеини тиклаб олишига ишонарди. Шунда ҳар биринида энг аввало ўзининг обрўйи, манфаатини ўйлайдиган, димоғдор, устамон Шермат ака кўмагига умид боғлаш мумкин эди.

Лекин Ферузанинг ўйлари пучга чиқди. Ғуломжон бригадир билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Бора-бора Шермат аканинг турли енгил-елпи топшириқларини бажарадиган югурдакка айланиб қолди. Умуман, Ғуломжоннинг феъл-атворида тушунарсиз нарса кўп эди. Шу боисдан қиз унинг тўғрисида гоҳ ёмон хаёлга борар, гоҳ маъсум кўнглига илк бор шуъла ташлаган бу йигитни оқлагиси келарди.

— Мана, икки ярим ойда Ғуломжон қайтиб келибди. Қанчага келдийкин? — ўйлади Феруза чеканкани давом этказаркан, ташвишланиб. — Вақтинчами? Ё бутунлайми?

Ҳозир унинг кўнглида Ғуломжонга нисбатан на ғазаб, на араз бор эди. Фақат ёлғиз учрашишдан чўчи-ди холос. Чунки йигитнинг илтижо, меҳр билан боқувчи кўзларидаги ҳам дилига алланечук ором бахш этувчи, ҳам куйдирувчи олов қиз дилига ғулу солар, осуда дил уммонини тўлқинлантирарди. Феруза бу оловни кўмсарди ҳам, унга дош беролмай қолишидан қўрқиб, қочгиси ҳам келарди.

Феруза ўз ўйлари билан овора бўлиб, дугоналарининг синчков кўзлари зимдан кузатаётганини фаҳмламасди.

— Зулфия, — деди Нозима, — ҳалиги гапни топиб келиб Феруза шўрликни уйга солиб қўйдинг.

— Ҳа-я, рост айтасан. — Зулфия бошини чайқади. — Қўй, ўша гумдонни деб ҳам чекма. Яхшиси, баҳридан ўтиб қўя қол. Мен ўзим-чи, ўртоқжон, сенга ажойиб кутуб топиб бераман.

Қизлар далани бошларига кўтаргудек шарақлаб кулишди. Беихтиёр Феруза ҳам кулиб юборди.

— Менинг ташвишимни қилгунча, олдин ўзингга топиб ол.

— Меники тайёр, ўртоқжон, — жавоб берди Зулфия пиша-пиша. — Олим аканинг кичик ўғли бор-ку, Зокиржон, ўша мени олармиш.

— Жинни! У гудак-ку? — Зулфиянинг ёнидаги қизларини чўчайтирди.

— Нима бўпти, ўзим кўтариб катта қилволаман.

Биласизларми, одамлар ундан: Зокиржон, сенга келинчак обермоқчимиз, кимни оласан? — деб сўрашса, Зулфия опамни, дермиш. У сендан катта-ку? — дейишса, майли, у-чи, жуда яхши опа, менга доим қанд беради, дермиш.

Қизлар Зулфиянинг гапига қотиб-қотиб кулишарди. Ферузанинг бояги паришонлигидан асар ҳам қолмади.

Даладан қайтишда Феруза ва Гулсара ҳар кунгидек сўқмоқ бўйлаб кетишди. Гулсараларнинг уйи Ферузаларникидан уч-тўрт ҳовли нарида эди. Лекин у Ферузаларнинг томорқасига деярли туташ шафтолизор боққа етмасдан тўхтади.

— Мен шу ерда қоламан, ўзинг кетавер,— деди шошқин.

— Ҳа? Тинчликми? — ҳайрон бўлиб сўради Феруза.

— Тоғамларникига киришим керак эди. Эсимдан чиқиб қолибди.

— Майли! Хайр бўлмаса.

Феруза қадамини тезлатди. Уйларига етай деганда катта бир шафтолига суяниб турган Ғуломжонни кўриб, тўхтади. «Вой, ўлгур Гулсара, атайлаб қолган экан-да. Қайдан билдийкин? Кўрганмикин? Мен нимага кўрмадим... Қараб тур Гулсара, эртага таъзирингни бераман... Нима қилсам экан?.. Орқага қайтсаммикин?.. Э, яна айланиб юраманми». У ўрнидан қўзғалиб, кўзларини Ғуломжондан узмай, беш-олти одим беридан эҳтиёткорлик билан ўтиб кета бошлади. Бирдан оёғи остидаги тўнкага қоқиниб: «Вой?» деганча йиқилди.

Ғуломжон чўчиб орқасига қаради. Ерда ётган Ферузани кўриб югуриб келди. Қўлидан ушлаб, туришга ёрдамлаша бошлади.

— Қўйворинг! — деди Феруза зарда билан. Инқиллай-инқиллай ўрнидан турди-да:

— Қуриб кетгур! — деб ўнг тиззасини силади. У тўнкани сўқяптими, Ғуломжонними, ўзи ҳам билмасди.

— Қўйинг, қўйинг, йиғламанг,— деди Ғуломжон уни ҳазиломуз юпатиб.— Сизни йиқитган бу тўнкани шу бугуноқ кўчириб ташлайман.

Феруза ёшли кўзлари билан унга бир ўқрайиб қўйди.

— Емон тушдингизми-а? — сўради Ғуломжон ачиниб.

— Йўқ! Жудаям яхши тушдим! — Феруза ўтиб кетмоқчи эди, Ғуломжон йўлини тўсди.

— Бирпас тўхтанг. Ахир сизни қанчадан бери кутиман...

— Йўлимни тўсманг! — деди Феруза жаҳл билан.

— Илтимос, Ферузахон, лоақал беш минут...

— Йўқ! — қиз кескин эди. — Маликангизнинг олди-га боринг! Кутаётгандир интизор бўлиб.

Бу гап Ферузанинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди.

— Нималар деяпсиз! Наҳотки сиз ҳам...

Феруза унинг ёнидан лип этиб ўтди-да, югуриб кетди.

— Қайтиб чиқинг-а, Ферузахон, илтимос, — деялинди Ғуломжон қиз ортидан. — Зарур гапларим бор.

Санобар опа қизининг кўзи ёшли келганини кўриб:

— Нима бўлди? — сўради хавотирланиб, қўлидаги нақирни ерга қўяркан.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ! — жавоб берди Феруза зарда билан.

— Нимага йиғладинг деяпман?

— Э, йиқилиб тушдим! Ҳадеб сўрайверасизми!

— Вой тавба-ей, гап сўраб ҳам бўлмайди. Кўзинг-га қараб юрсанг бўлмайдими, болам. Қап-катта қиз йиқилиб, йиғлаб юрса-я. Санобар опа ғудиранганича сигир соққани ўтиб кетди.

Феруза ювиниб, кийимларини алмаштиргач, онаси-га ёрдамлашди. Кейин овқатга уринди. Сабзи-пиёзларни қовуриб қўйгач, уйга кирди. Ойна олди-га бориб уёқ-буёғини тузатган бўлди. Сўнг дуррасини ечиб, пешона сочларини тартибга солди, янги дўпписини кийди.

Ойнадаги аксига боққанича туриб қолди. Онасининг чақирганини эшитиб югурганича чиқди.

— Ҳа, қизим, бирор ёққа отланияпсанми? — сўради Санобар опа.

— Й-йўқ...

— Дўппи кийиб олибсан-ку?

— А?.. Феруза қип-қизариб кетди. Гангиб, дўпписини ушлади.

Яхши ҳамки, онаси бошқа ишга алаҳсиб кетди. Феруза ўсал бўлганидан бир нарсани баҳона қилиб уйга кириб дўпписини ечиб чиқди. Ўзидан аччиқланди. «Бунча ҳовлиқмасам? Нима бўлди ўзи менга?.. Чиқмайман, зарур кептими...»

Ота-онаси кечки овқатга ўтиришгач, мол-қўйларига ёт солиш учун молхона томонга ўтди. Ишини битир-

гач, шафтолизор томонга бир дам боқиб турди. Кейин беихтиёр ўша ёққа юрди. Қоронғи туша бошлаган эди. У томорқа этагидаги пастаккина эшикдан энгашиб ўтди-ю, шоша-пиша ўзини деворга суяб босилган ғуза-поя ғарами панасига олди. Ун қадамча нарида шу томонга тикилганича Ғуломжон турарди. Феруза энтикди. Ич-ичидан келган қалтироқдан оёқ-қўллари титрай бошлади. «Ҳалним кетмабди! Қанақа гапи бор экан?» Шу пайт Ғуломжон чап қўлини кўзига яқинлаштириб, билагидagi соатига қаради. Сўнг олға бир қадам қўйди. Ферузанинг юраги ҳаприқиб кетди. Орқасига бурилди-ю, эшикдан худди учгандек ичкарига кириб, бир қадам ёнига ташлади-да, деворга қапишди. Юрагининг дукиллаши ўзига бемалол эшитилиб турарди. У ҳансираб қўлини тинмай кўтарилиб тушаётган кўксига босди. Ғуломжоннинг қадам товушлари тобора яқинлашиб келарди. Ферузанинг оёқ-қўллари мажолсизланиб, шалвираб қолди.

Ғуломжон эшик олдига келиб, тўхтади. Унинг нафас олиши Ферузага яққол эшитилиб турарди. Феруда ҳадеб лабини тишлар, ичида: «Ишқилиб кирмасинда, ишқилиб кирмасин-да», деб шивирларди. Йигитнинг тўлиб-тошиб хўрсингани, бир-бир босиб узоқлашаётгани эшитилди. Бир оздан кейин эса, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Феруза анчагача қимирлашга журъат қилолмай турди. Кейин юраги бетлаб-бетламай ташқарига мўралади. Ҳеч ким йўқ. Қиз бўшашиб кетди. Негадир йиғлагиси келди...

8

— Ғуломжон кеча маошидан тўплаган беш юз сўм пулни топшириш учун колхоз идорасига чиққанди. Кассир:

— Қарзларинг ҳаммаси узилган,— деди.— Бу пуллари кам-кўстингга ишлатавер.

— Ким узди, ахир мен чўлда юрибман-ку!

— Отанг-да, ким бўларди.

— Нимага отамни аралаштирасизлар? Ўзим тўлайман дегандим-ку.

— Э, бари бирмасми, ука, энг муҳими, қарздан қутулдинг, энди тўйни бошлайверсанг ҳам бўлади.

Ғуломжон бош бухгалтерга учрашди.

— Отангмас, Шермат ака тўғрилади ҳаммасини. Унга раҳмат айт, йўғингда камомадингни тўғрилаб қўйди. Энди, қишлоққа қайтаверсанг ҳам бўлади. Ревизор

иядан омон-эсон ўтиб олдик. Сен учун ёрдамчи экономистлик ўрнини сақлаб турибмиз. Хоҳласанг, эртадан иш бошлашинг мумкин.

У бухгалтерга ҳеч нарса демади. Уйга кўнгли ғаш қайтди. Бойсини аниқ билмасди-ю, лекин ўзини қаттиқ ҳақоратланган, таҳқирлангандек ҳис этарди.

Ота-онасининг кечки овқат пайтидаги гаплари бу туйғуни янада кучайтирди.

— Барака топгур Шерматвой олиҳиммат одам-да,— деди Расулберди бува Ғуломжонга.— Колхоздаги қарзингниям узди, йўғингда ҳолимиздан хабар ҳам олиб турди. Ҳеч нарсадан зориқтирмади.

— Ҳа, илоё мартабаси янаям улуғ бўлсин,— маъқуллади Қумри хола.— Ҳарна қилса жигаримиз-да, қайишади. Келганингни эшитмадими, дараги бўлмади.

— Шерматвой катта одам, ундан ўпкалаш керакмас. Ғуломжон, ўзинг бора қол.

— Ҳа, аканг ўрнида акалик қияпти, раҳмат айт!

Ғуломжон чол-кампирнинг қистовига қарамай, Шермат аканикига бормади. Аммо кечаси билан тўлғаниб чиқди. Ота-онасининг мутеларча миннатдорлиги Ғуломжоннинг юрагини эзарди. У гоҳ хўрлиги келар, гоҳ қаҳр-ғазабдан қалтирарди. «Аввал бошдан жиноят йўлига бошлаб, чохга итариб, энди олижанобликка ўтибди-да. Унингча мен ҳеч нарсага арзимайдиган ожиз одамман. Хоҳласа тепкилайди, хоҳласа раҳм-шафқат кўрсатади. Шунақами?.. Умуман, аслида ҳам шундайку? Мен кимман? Ҳеч ким. Аросатда қолган одамман. Ўқишни ялчитмадим. Шермат акага қўшилиб қаллоблик қилолмадим. Хўш, чўлга бориб қандай каромат кўрсатдим? Ҳеч қандай. Эл қатори ўрта миёна ишланман. Бу ердагидан беш-ўн сўм ортиқроқ маош оляпман, холос. Одамлар бўлса, курашишяпти. Бу ерда Ферузалар, у ерда Олимжон, Қамол акалар. Курашаман деган одам ҳамма жойда ҳам майдон топади. Мен бўлсам на уёқлик, на буёқликман. Мана, индинга чўлга қайгишим керак. Хўш, келиб нимага эришдим? Феруза гаплашишни ҳам истамади. Жирканади... Тўғри қилади. Мендек иродасиз, ожиз одамни бошига урадим... Демак, Шермат акага раҳм-шафқати учун таъзим қилгани келибман-да!..»

Ғуломжон қандай ухлаб қолганини билмади. Алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Эрталаб нонуштадан сўнг Шермат аканикига жўнади. Бригадир ишга чиқиб кетган экан.

Ғуломжон бир дам иккиланиб турди-да, шийпонга йўл олди.

Колхозчилар нонушта қилиб ўтиришарди. Қизлар, аёллар айвонда, эркаклар тол остидаги сўрида. Шермат ака ҳам улар билан бирга эди.

Ғуломжон аёллар билан саломлашгач, сўридагилар билан кўриша бошлади.

— Ғуломжон, ука, узр, иш билан бўлиб кўргани киролмадик,— деди Шермат ака.— Омон-эсон юрибсанми?.. Қадрдонларни кўриб кетай дебсан-да.

— Сизни йўқламасак бўлармиди, бой ота,— Ғуломжоннинг гапларида захархандалик бор эди.— Ахир беҳисоб мурувватлар кўрсатдингиз бизга, йўғимда қарзимни узиб қўйибсиз, ота-онамга ҳайр-садақа қилибсиз. Изингизни кўзга суртиб, ҳар қанча қуллуқ қилсак ҳам оз сизга.

— Ие, не, Ғуломжон, гаплар бошқача-ю, тинчликми? — Шермат ака ўрнидан туриб кетди.— Нима бало, чўлга бориб артист бўлиб қайтдингми?

— Нима десангиз шу, ака. Лекин камбағал бўлсак ҳам сиздан садақа оладиган даражада пасткашлашиб кетганимиз йўқ.

— Одамгарчилик юзасидан ота-онангдан бир-икки хабар олдим, қарзингни тўғрилатиб қўйдим, шунгами?..

— Сиз ҳали одамгарчиликниям биласизми? Йўқ! Бунақа сохта гаплар билан аблаҳлигингизни юволмайсиз! Вақти келади, сиз билан бошқача ҳисоб-китоб қиламиз.

— Э, қўлингдан келганини қил! Кимга пўписа қил-япсан мишиқи! Ўзим эмас, кўланкамнинг ҳам сенга ўхшаган беш-ўнта жўжаҳўрозларнинг патини юлишга кучи етади.

— Майли, кўрамиз.— Ғуломжон чўнтагидан бир даста пул чиқарди.

— Мана, ўша, сиз хотамтойлик қилиб тўлаб қўйган қарзинг ярми. Қолганиниям оласиз уч-тўрт ойдан кейин.

— Э, обор пулингни, ҳе ўшал..

Шермат ака аёллар эшитмайдиган паст овозда ғудираниб сўкинди.

Ғуломжон пулни бригадирнинг юзига отиб юборди. Пуллар ер билан битта бўлиб сочилиб кетди.

Ғуломжон индамай ортига қайтди. Жанжални жим кузатиб турган эркагу аёллар ҳанг-манг бўлганича ўтиришарди. Тортишув кетаётган пайтда беихтиёр ўрни-

дан туриб, воқеани хавотирда кузатаётган Феруза Ғуломжоннинг ортидан уйчан қараб қолди.

Ғуломжон эртагалик поездга билет олиб келди. Олиб кетадиган нарсаларини бир қатор назардан ўтказгач, нима қилишини билмай ҳовлида бирпас айланиб юрди. Сўнг жавондаги китобларини титкилай бошлади. Қидирган китобини тополмай анча хуноб бўлди. Жавоннинг бир бурчагида ётган дафтарларни ҳайрон бўлиб қўлига олди. Табелчилик пайтидаги қораламалар, турли маълумотлар экан. Ғуломжон уларни, ёқилиб йўқолиб кетган, деб юрарди. Қумри хола жуда сарамжон-да, жавонга солиб қўйган экан.

Ғуломжон каравотига ўтириб, вақт ўтказиш учун дафтарларни кўздан кечира бошлади. Аввалига лоқайд нарақлади-ю, кейин қизиқиб, маълумотларни кунма-кун шошилмай солиштиришга киришди.

Шу бўйи кечаси алламаҳалгача дафтар титкилади. Алланималарни алоҳида қоғозга кўчирди.

Эрталаб колхоз идорасига чиқиб, тўғри партком хонасига кирди. Секретарь унинг гапларини эътибор билан тинглади, берган қоғозларини синчиклаб ўқиди, чўтга солиб кўрди, охири:

— Гумонларингда жон бор, Ғуломжон,— деди уйчан.— Лекин, энди, эски гапларни қўзғатишнинг ҳолати бормикин?

— Унчалик эскимас,— эътироз билдирди Ғуломжон,— ҳали бир йил бўлгани йўқ.

— Шундай бўлса ҳам-да. Ўзинг, мана, қалбаки имзо туфайли яқинда жазоландинг. Ҳарқалай, осон қутилдинг. Аммо манави ишларни ковлаштирасанг, фақат Шермат акамас, сен ҳам жавобгарликка тортилиб кетишинг мумкин.

— Мен айбимга яраша қанақа жазо бўлса, тортишга розиман. Лекин ҳақиқат юзага чиқиши керак. Агар сиз ёрдам бермайдиган бўлсангиз, ҳозир ё райкомга, ё район халқ контролига чиқиб, қўлимдаги бор материалларни топшираман.

— Яхши, яхши, биз ҳаммасини қайтадан текшириб кўрамыз. Аниқ адресингни қолдириб кет, керак бўлса, чақирамиз.

Ғуломжон партком хонасидан кўнгли сал ёришиб чиқди.

Бетончилар Ғуломжонни, келмай қолармикин, деб хавотирланган бўлсалар керак, хурсанд кутиб олишди. Бригадада бир ҳафтанинг ичйда бўлган ўзгаришларни кўриб, Ғуломжон ҳайрон қолди. Битта янги вагон-уй, автокран келтирилибди. Канал қирғоғида бир қанча темир-бетон плита турарди. Кўрпа-тушак, чойшаблар янгиланибди. Бир неча киши вагон-уйларга совутгич ўрнатишарди. Нотаниш одам пайдо бўлибди.

— Янги бригадир, — деб таништирди Камол ака уни. — Самадбек.

Самадбек Ғуломжон билан қадрдонларча қаттиқ кўришди.

— Олимжон акам-чи? — сўради Ғуломжон Камол акадан, холи қолишганда. — Нима, бўшатишдими?

— Сен кетгандан кейин анча воқеалар бўлди, Ғуломжон. Авал колонна идорасида, кейин райкомда Олимжон билан Парпиев жанжали муҳокама қилинди. Чакана тортишув бўлмади. Парпиевга қўйган айбларимизни райком комиссияси тасдиқлади. Биз билмаган гуноҳлари ҳам бор экан. Прорабликдан олинди. Ишини терговга оширишди. Ҳозир колоннада ҳам, трестда ҳам текшириш кетяпти.

— Олимжон акам-чи? Қаерда у? — хавотирланиб сўради Ғуломжон.

— Парпиевнинг ўрнига ўтди. Кўряпсан-ку, ўзгаришларни. Янги бригадиримиз ҳам Олимжондан қолишмайдиган олижаноб йигит экан. Ўзи шу ерлик. Ўйи совхоз марказида эмиш.

— Зўр бўпти! — Ғуломжон хурсанд бўлиб кетди. — Охири енгиб чиқибсизлар-да.

— Ҳа! Эртами-кечми шундай бўлиши керак эди. Парпиевга ухшаганлар узоқ тараллабедод қилолмайди. Давр шунақа. Хўш, ўғлим, ўзинг қалай бориб келдинг? Ота-онанг тинч-омонми?

— Раҳмат!

— Бўш гапиришингдан ишинг унча ўнгидан келмабди шекилли-а?

— Ҳа, топдингиз! — Ғуломжон ерга қаради.

— Ҳечқиси йўқ, — Камол ака унинг елкасига қоқди, — аста-секин ҳаммаси ўнланиб кетади. Фақат аниқ, мақсадни кўзлаб, қатъий ҳаракат қилиш, чекинмаслик керак.

Бригада шу ойдаёқ планни бажарди.

Самадбек чиндан ҳам дилкаш, камтарин, ишнинг кў-
зини биладиган йигит экан. Уни бригадада Олимжон,
Қамол акалардан кам ҳурмат қилишмасди. Олимжон
ҳам тез-тез келиб, ишлардан хабар олиб турарди.

Шароит олдингидан анча яхшиланган бўлса-да, ба-
ри бир, жазирама иссиқда ишлаш оғир эди. Шундай
бўлса ҳам кўпчилик мамнун, аввалгидек нолимасдан
астойдил ишларди. Фақат Ғуломжонгина ёзилолмас,
уни кўнгил ғашлиги тарк этмасди. Ферузани эсламас-
ликка тиришарди. Бироқ ўйламасдан ҳам туролмасди.
Қизнинг сурати энди бурунгидек қалбига илиқ ҳая-
жон солмас эди. Баъзан унга термиларкан, Феруза ет-
ти ёт бегонадек, суратини кўтариб юришга ҳақи йўқ-
дек туюлиб, баттар қийналарди. Ташлаб юборишга эса
юраги чопмасди.

Гарчи бригададош ўртоқлари унга меҳрибон бўлса-
лар-да, қўпинча, ўзини якка-ёлғиз ҳис этар, юраги си-
қилиб, жонини қўярга жой тополмай қоларди.

Бир кун медицина кўригидан ўтиш учун ҳамма-
лари совхоз марказига боришди. Навбатма-навбат ик-
ки-уч хонага кириб чиқишди-ю, укол қилинадиган жой-
га келганда, сен кир-мен кир қилиб туриб қолишди.

— Қани, кирмайсизларми? — ичкаридан қиз бола-
нинг овози эшитилди. Бу куйдек ёқимли товуш Ғулом-
жонга танишдек туюлди.

— Мен кираман,— деб юборди беихтиёр. Хонага
ҳаяжон билан қадам қўйди. Оқ халатли қиз орқа ўгир-
ганича шприцга дори тулдириш билан овора эди. Ғу-
ломжон остонада туриб қолди. Қиз унга ўгирилди.

— Эшикни ёпинг,— деди ров кўз ташлаб.

— Танимадингиз-а, Юлдузхон? — сўради Ғуломжон
жилмайиб.

Қиз ялт этиб қаради. Қошларини чимириб, тикил-
ганича бир дам туриб қолди. Сунг бирдан юзи ёриш-
ди.

— Вой... Сиз?! — кўзлари порлаб кетди.— Қаёқдан
келиб қолдингиз бу ерларга?

— Осмондан тушдим.— Ғуломжон кулди.— Атайлаб
сизга укол қилдириш учун.

Юлдуз шошқинлиқ билан шприцни столдаги пахта
устига қўйди-да, Ғуломжоннинг олдига келди. Бир зум
нима қилишини, нима дейишини билмай каловланиб
тургач, йигитнинг қулидан тутиб:

— Ростдан ҳам, қайдан келиб қолдингиз? — сўра-
ди ҳаяжон билан.

— Мени қандай топдингиз? Ё шу ерда ишляпсизми?

— Ҳа! Бетончилар бригадасида.

— Акамнинг бригадасидами?

— Самад ака...

— Менинг акам. Қандай яхши!.. Келинг, ўтиринг. Ғуломжон койкага, қиз стулни суриб, унинг рўпарасига ўтирди.

— Сизни яна кўрарман, деб ҳеч ўйламагандим,— деди Юлдуз.

— Мен ҳам. Ҳўш, ўқишга кирдингизми?

— Кирдим. Бу йил. Сиртдан.

— Юрфакками?

— Йўқ, филологияга. Сиз-чи?

— Кўриб турибсиз-ку.

— Ҳамшираликка ўқиганмисиз?

— Ҳа. Бир йиллик курсда. Биласизми, сизни жуда кўп эсладим.

— Йўғ-э, танимадингиз-ку?

— Ўзгариб кетибсиз-да. Қорайибсиз, сал озибсиз.

— Сиз бўлсангиз ҳеч ўзгармабсиз.

Қиз жилмайди.

— Ҳой, Ғуломжон, бизгаям навбат тегадими бугун?— Козимжоннинг овози эшитилди ташқаридан.

— Вой, ўтиришимизни қаранг,— Юлдуз қизариб кетди, енгингизни кўтаринг.

Ғуломжон игна ўрнига қўйилган пахтани чап қўли билан босганича ўрнидан турди.

— Бошқа келинг-а, Ғуломжон ака.

— Келаман! Хайр синглим!

— Уйимизгаям борасиз-а? Акамга айтаман. У сизни билади. Онам ҳам. Неча марта сузлаб берганман имтиҳонда қандай ёрдам берганингизни.

Ғуломжоннинг одамовилиги тобора кучайиб борарди. Кечқурунлари ётоқда юраги сиқилиб, ташқарига чиқиб кетар, бир ўзи соатлаб ёлғиз ўйга чўмиб ўтирарди.

Бир куни шундай пайтда Самадбек ёнига келди. У баъзан ишдан кейин ҳам кетмасдан йигитлар билан узоқ суҳбатлашиб ўтирар ёки шахмат ўйнарди.

— Жуда хаёл суриб қолибсиз?— бригадир унинг ёнига ўтираркан, жилмайиб сўради.

— Шундай... ўзим.

— Сизга анчадан бери разм солиб юраман,— Самадбек ундан кўзини узмай гапирди,— доим ўйчан юрасиз. Одамларга ҳам кам қўшиласиз.

Ғуломжон унга қараб қўйди. Бир оздан кейин:
— Ўзингизни ҳеч омонат ҳис қилганмисиз, Самад-
бек? — сўради хомуш.

— Омонат? Қайси маънода?

— Ҳамма маънода. Масалан, қандай иш қилсан-
гиз ҳам қоникмаган, ўзингизни доим омонат, кераксиз
сезган, умрингиз беҳуда ўтаётгандек туюлган пайт
бўлганми?

— Ғалати савол... Эсимда йўқ. Эҳтимол бўлган-
дир... Биласизми, Ғуломжон, ҳаёт онанинг иссиқ қўйни
эмас. Унинг ширинликлари билан бирга аччиғи ҳам бор.
Шунинг учун болини тотганда — қалампирини, захри-
ни тортганда — ҳаловатини доимо ёдда тутиш керак.
Шунда, мушкулдан тушкундикка тушмайдиган, уни ен-
га оладиган, бахтиёр кунларингизда талтаймайдиган
бўласиз. Назаримда, сиз шу жиҳатдан панд еганга ўх-
шайсиз... Юрингизда бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бер-
ганми? Ё шу ердами?

— Йўқ, ўша ёқда... Бирмас, бир нечта.

— Бунақа дардни ичда узоқ сақлаш одамни эзиб
қўяди. Агар таъбингиз тортса, нима бўлганини сўзлаб
беринг. Эҳтимол, лоақал маслаҳат берарман.

Ғуломжон елкасини қисди. У бошидан ўтганларни
бировга айтишга номус қиларди. Лекин ҳозир юраги
тўлиб турганиданми, беихтиёр ҳикоя қила бошлади.
Самадбек унга диққат билан қулоқ солиб ўтирарди.

— Сизнинг ҳикоянгизни эшитиб ўтириб, уч ботир
тўғрисидаги эртак эсимга тушиб кетди, — деди у Ғулом-
жон гапини тугатгач, хаёлчанлик билан. — Ёдингизда-
ми, улар бахт қидириб йўлга тушишади-ю, чорраҳага
дуч келишади. Ҳар бири ўзининг диди, фаросати, ақли,
ҳаётга қарашига кўра йўл танлашади. Аслида ҳам ҳар
қандай киши болалик, ўсмирликдан ўтиб, мустақил ҳа-
ётга илк қадам қўяркан, худди ўша йўл танлаш муам-
мосига дуч келади. Болалик ва ўсмирлик бўлса, меним-
ча шу тилсимли чорраҳагача бўлган масофа, унга тай-
ёргарлик даври, холос. Мана, сизни олиб кўрайлик.
Мактабда сизни аълочи ўқувчи сифатида ҳамма кўтар-
кўтар қилган. Эҳтимол тўсиқ ҳам учрагандир, аммо
сезмагансиз. Ота-онангиз ҳам ёлғиз эрка ўғил бўлга-
нингиздан йўлингиздаги паст-баландларни текислаб қо-
қинтиришмаган. Текис, равон йўлга мазахўрак бўлиб
қолгансиз.

Ғуломжон эътироз учун оғиз жуфтлаганди, Самад-
бек ишора билан тўхтатди.

— Шунинг учун чорраҳада ҳам ўзингизча йўлнинг текисроғини танлагансиз. Мактабдан пир этиб университетга учиб ўтиб, илмнинг шон-шухрати йўлига тушишни хаёл қилгансиз. Бунга эришиш осонмаслигини билгач эса, кўзингизга Шермат аканинг йўли равон, унгай кўринган. Пул, обрў, маишат. Тўғрими?

— Тан олиш қийин-у, лекин, умуман, тўғри!

— Энг муҳими, Ғуломжон, Шермат акаларга ҳамроҳлик хатарли эканлигини вақтида англаб етганлигингиз. Уларнинг йўли қисқа. Мана, партиямизнинг бўлиб ўтган Пленуми бундайлар олдига ўтиб бўлмас шлагбаум ўрнатиб қўйди. Ё пешонасини уриб қашқа бўлади, ё бошқа тўғри йўл қидиришга мажбур.

— Лекин ҳозир ҳам авжида. Эллик беш центнердан пахта бераман, деб керилиб юрибди.

— Ҳечқиси йўқ, энди осмондан олиб план тўлдирадиган даврлар ўтиб кетди. Чўмичга қозонда бори чиқади. Мана, бизнинг областдаги фалон центнердан бердим, деб томоғини йиртиб бақирганлар аттанг бармоғини тишлаб ўтиришибди-ку. Кўзбўямачилар одамларни фақат вақтинча чалғитиши мумкин.

— Ҳа, албатта. Гапингиз тўғри.

— Энди, муҳаббат масаласига келсак, агар Феруза сиз мақтаган даражада ақлли, зийрак қиз бўлса, тўғри йўлга тушиб олганингизни англайди. Эртами-кечми хатоларингизни кечиради. Бунга ишончим комил. Умуман, умидсизланишга асос йўқ.

— Раҳмат, Самад ака.

— Эртага дам олиш куни. Нима қилмоқчисиз?

— Билмадим. Қамол ака, шаҳарга тушиб айланиб келамиз, деяётганди.

— Кетмай туринг, мен келаман. Бир жойга бирга бориб келамиз. Кейин бизникида ўтирамыз, хўпми?

— Хўп!

— Онам қаттиқ тайинлаган, олиб кел, деб. Юлдуз ҳам. Имтиҳондан ўтолмай қолишига мен сабабчи бўлганман, деб ҳалиям куюниб юрибди.

— Йўғ-э, у арзимаган нарсаси. Юлдузхоннинг заррача ҳам алоқаси йўқ бунга.

Эртасига Самадбек кун хийла кўтарилиб қолганда, ўзининг машинасида келди.

— Уэр, Ғуломжон, иш билан тутилиб қолдим. Утинг, кетдик.

Ғуломжон машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди.

— Қаерга борамиз ўзи?

— Гулипайхонга.
— Қаер у? Оти ғалати-ку.
— Ташландиқ, эски қишлоқ. Хароба. Бу ердан ўн беш километрча келади.

Йўл ўнқир-чўнқирлигидан тез юриб бўлмасди.

Сийрак ўт-уланлар сувсизликдан, гармсел оловидан қовжираган. Фақат ҳар ер, ҳар ерда учрайдиган янтоқларгина кўм-йўк.

— Бошқа ўтлар қуриб бўлган-у, янтоқ яшаяпти,— деб қўйди Ғуломжон.

— Томири узун-да, шунинг учун ўлмайди. Сувни қувиб кетаверади. Айтишларича, ўттиз-қирқ метр чургага бораркан.

— Йўғ-э,— деди Ғуломжон ишонқирамай.

— Ана, кўриб турибсиз-ку. Яқин ўртада сувнинг томчиси ҳам йўқ, бу бўлса, кўкаряпти. Одамлар янтоқ томирига қовун-тарвуз экиб, яхши ҳосил ҳам олишадди. Эшитганмисиз?

— Йўқ! Қандай экади? Ё улайдими дарахтга ўхшатиб?

Самадбек кулди.

— Аввал танасини ер билан тенг қилиб қирқилади. Сўнг ўша жойга уруғ қўйилиб, атрофига тупроқ уйилади. Экин томирдан келган намга бемалол кўкараверади. Майдароғу, лекин асалдай ширин бўлади янтоқда битган қовун-тарвуз. Бир дўстим бор, агроном, жуда ҳафсалали йигит. Сизни унинг олдига бир олиб борсам бўларкан. Татиб кўрасиз.

— Қаранг-а,— Ғуломжон қойил қолди,— одамлар нималарни ўйлаб топишмайди!

— Ҳа! Шароит мажбур қилади-да.

Харобазорга етиб келишди. Эски, нураган, баъзилари ағдарилган, қийшайиб қолган пахса, гувалак деворлар. Машина вайроналар оралаб қишлоқ марказига, сийрак баргли иккита улкан сада остига бориб тўхтади. Дарахтларнинг кўп шохлари қуриб ўтинга айланибди. Самадбек уларга бир дам ўйчан боқиб турди-да:

— Булар бутун бир қишлоқдан қолган охирги тирик жонлар,— деб қўйди.

— Одамлари нима бўлган?

— Кўчиб кетишган. Кўряпсиз-ку, атроф чўл, бу ерда яшаш қийин.

Самадбек садалар ўртасидаги кичик дўнгликни эҳтиёткорлик билан оча бошлади. Бу усти пухта беркитилган эски қудуқ экан.

— Келинг, шу бечораларни суғориб қўяйлик,— деди Самадбек машинадан пақир ва арқон оларкан.

Қудуқ анча чуқур экан. Иккаласи қийнала-қийнала беш-олти пақир сув олиб, садалар остига қуйишди. Сув ерга тушиши билан сингиб кетарди.

— Бу нима бўларди,— деди Ғуломжон уйчан,— юқ ҳам бўлмайди.

— Ҳарна-да. Раҳмим келади буларга. Деярли ҳар куни келиб, суғориб кетаман. Дастлаб садалар йигирмата бўлган экан. Шу иккаласи қолди. Мана, булар ҳам қурияпти. Одамнинг юраги ачишади.

«Кунгли буш экан»,— уйлади Ғуломжон ичида. У садаларга боқди. Жазирама иссиқдан барглари шалпайиб туриши ҳақиқатан ҳам мунгли эди. Улар ноилож ҳаёт билан видолашаётган, яқинларидан нажот кутиб, мўлтираб турган қарияларга ўхшарди. «Буларга сув керак. Фақат сув...» Ғуломжон ўзлари бетон ётқизаётган канални эслаб қўйди. Кечи билан келаси баҳорда сув оқади, ҳа!

— Қаранг-а, одамга ўхшайди,— деди дарахтлардан кўз узмай.— Худди ёрдам сўраб ялинаётгандек.

— Ҳа, албатта. Буларга инсоннинг мадади керак. Бу мадад эртами-кечми етиб келади... Одамзоднинг табиати қизиқ. Олижанобликда ҳам, ваҳшийликда ҳам унга тенг кела оладиган мавжудод йўқ оламда. Қаранг, одамлар юзлаб асрлар сувсизликдан ҳансираб ётган ўлик чўлга ҳаёт олиб келяпти. Бу жуда катта олижаноблик. Лекин нотинч дунёнинг аллақаерларида минглаб бегуноҳ кишилар, нораства гўдаклар бомбалардан, ўқлардан қириляпти. Ахир ўша ваҳшийликни ҳам осмондан тушган маҳлуқлар эмас, ер фарзандлари, одамлар қиляпти.

— Ҳамма бир хилмас-да. Биз бутунлай бошқа олам, улар бошқа.

— Тўғри, лекин... Биласизми, менимча, ҳар қандай одамда икки қудратли куч бўлади. Бири эзгулик, иккинчиси шафқатсизлик. Улар ўртасида доим кураш кетади. Қайси бири устун чиқиши ижтимоий шароитга боғлиқ. Бизда, одамзод қонида ота-боболардан қолган даҳшатли мерос — ваҳшийликнинг юзага чиқишига, шароит ҳам, имконият ҳам йўқ. Бу — яхши. Жуда яхши.

Самадбек уйчан кўзларини ҳарсиллаб ётган азим чўлга тикиди.

— Бу ерлар мен учун ниҳоятда азиз. Шу қақроқ саҳронинг боғ-бўстонга айланишини қанчалар орзу қил-

ганман. Халқимизга минг раҳмат, кишилар дилига қўрқинч солиб келган даштнинг дардига малҳам қўйишга астойдил киришди. Бу ҳам элимиз табиатидаги эзгуликнинг буюк далили.

Ғуломжон бу ғалати чўл йигитининг эҳтиросли гапларини ҳайрат билан тингларкан: «Қизиқ, шу яйдоқ чўлниям севиш мумкин экан-да?»— деб ажабланди. Самадбекдаги жушқин ҳаяжон унга ҳам юққан эди. Шунинг учунми, ташландиқ қишлоқнинг мунгли кўриниши ҳам, доим юрагига ваҳима солувчи баҳайбат чўлнинг хароб манзараси ҳам энди унча хунук кўринмасди.

— Нимага бу қишлоқнинг оти Гулипайхон? — сўради Ғуломжон.

Ўз хаёллари билан банд Самадбек унга ялт этиб қаради.

— Бу ҳақда бир афсона бор,— жавоб берди у вазминлик билан.— Ривоятга кўра, одамлар бу ерга бир фожеа сабабли келиб, жойлашиб қолишган экан. Аслида, улар гўзал, жаннатдек сулим жойда яшашаркан. Қишлоқ аҳлининг шўрпешоналиги шунда эканки, қизлари, ниҳоятда соҳибжамол буларкан. Амир ҳар беш йилда шу қишлоқдан ҳарамига ўнта қиз оларкан. Қизлар шу кетганича қайтмас эканлар. Ота-она юраги қонга тўлиб қолавераркан. Қишлоқ аҳли бу зулмга чидолмай, бир қиз олиш пайти яқинлашганда, маслаҳатлашиб, барча хатга тушган гўзалларни амирнинг қўли етмайдиган ерга олиб кетиш шарти билан севган йигитлари қўлига топширишибди.

Севишганлар ярим тунда жўнашибди. Айғоқчилар қўлига тушиб қолишдан қўрқишиб, чўлга қараб йўл олишибди. Лекин иккинчи кун кечаси бўрон туриб, адашиб кетишибди. Бир ҳафта йўл юрибдилар. Лекин чўлдан чиқиб кетолмабдилар. Олган сувлари, овқатлари, қанча тежашмасин, тугай бошлабди. Охири шу ерда тўхташиб, иссиқдан сақланиш учун ертўла қазишиб, қизларни киритишибди. Йигитлар узоқ маслаҳатлашиб, уч кишини қизлар ёнида қолдиришибди-да, қолганлари сув, овқат, йўл қидириб, чор томонга тарқалишибди. Қолган йигитлар бекор ўтирмаслик учун шу қудуқни қазий бошлабдилар. Бироқ чанқоқ, очлик тездаёқ оёқдан йиқибди.

Орадан икки кун ўтибди. Қизлар ҳам йигитлар йўлига кўз тута-тута битта-битта оламдан ўта бошлабдилар. Фақат тўртинчи кунгина уч йигит бир оз сув ва

оziқ топиб қайтишибди. Қолганлари бўлса, дом-дараксиз кетишибди.

Атиги битта қиз тирик экан. Оғзига сув томизиб, зўрға ўзига келтиришибди. Тақдирга лаънатлар айтиб, фарёд чекишибди. Сув келтирганларнинг бири тирик қолган қизнинг севгани экан. Йигитлар озиғу сувни ягона ошиқ-маъшуққа беришибди-да: «Сизлар кетинглар,— дейишибди,— омон қолсангиз, ажабмас. Ҳаммамиз учун ҳам сиз бахтли яшанг». Аммо йигит билан қиз кўнншмабди. «Барчамиз бирга чиққанмиз, улсак ҳам бирга ўламиз», дебди йигит. «Йўқ, бу ақлданмас. Балки қишлоқни топиб борарсизлар. Ота-оналаримизга айтинг, жасадларимизни олиб кетиб, қишлоққа қўмишсин, бу ерда қашқирларга ем бўлмайлик». Шундан сўнг йигит-қиз ноилож рози бўлиб, дўстлари билан видолашиб, йўлга тушишибди.

Амир қизларнинг қочиб кетганини билгач, қишлоқни роса талабди. Сўнг бутун аҳолини чўлга бадарға қилибди. Навкарлар уларни уриб-ҳайдаб саҳронинг ичкарисига ташлаб кетишибди. Таъқибдан қутулган одамлар дам олиш ва маслаҳатлашиш мақсадида тўхташибди. Шу куни бояги йигит билан қиз, тасодифан, ҳориб-толиб бу ерга келиб қолишибди. Бўлган воқеани сўзлаб беришибди. Ота-оналар ёқаларини йиртишиб, фарёд чекишибди. Бутун қишлоқ дарҳол йўлга тушибди. Аммо фожеа юз берган жойга етиб келишганда, икки йигит ҳам ҳалок бўлган экан. Шу ерга дафн этишибди. Йигитлар очган қудуқни кенгайтиришибди. Ундан ичишга яроқли сув чиқибди. Шу ерда макон тутишибди. Қишлоқ номини марҳум ошиқ-маъшуқлар хотирасига Гулипайхон деб қўйишибди.

Самадбек ғамгин ҳикоясини тугатди. Иккаласи ҳам анчагача жим ўтиришди. Ғуломжоннинг кўз олдидан севганларини ўлимдан қутқариш учун поёнсиз чўлда зир югуриб сув излаётган йигитлар, уларнинг йўлига нигорон кўз тутиб ўтирган, бир қўлтум оби ҳаётга зор бемажол гўзаллар нари кетмасди.

— Шу воқеа ростдан бўлганмикин-а, Самад ака?— деб сўрадн кўнгли бузилиб.

— Қим биладн дейсиз... Эҳтимол бўлгандир. Агар чўлни кезсангиз, кўрасиз, ҳар хил суяклар тўлиб ётибди... Агар даштнинг тили бўлганда, айтиб берарди: нечта одам йўлдан адашиб, чанқоқликдан, очликдан, қанчаси оч бўриларнинг ҳужумидан, нечтаси илон-чаёнларнинг заҳридан ўлганини.

Самадбек бир дам жимиб қолди.

— Яна бир неча йиллардан кейин чўлнинг номи-ю, афсоналаргина қолади,— деди ҳаяжон билан.— Эҳтимол у вақтда ёшлар бу ерларнинг бир пайтлар даҳшатли саҳро бўлганига ишонишмас ҳам. Номи ҳам Гулипайхон эмас, Гулирайхон деб аталса ажабмас.

Ғуломжон чўлнинг келажаги ҳақида эҳтирос билан орзу қилаётган Самадбекка боқаркан, завқланиб:

— Шоирмасмисиз, Самад ака?— деди.

— Нимага энди?— ҳайрон бўлиб сўради Самадбек.

— Гапларингиз шоирона.

— Орзу қилиш учун шоир бўлиш шартмас,— Самадбек узоқларга кўз ташлади.— Одам бусиз яшай олмайди... энди турайлик, анча утириб қолдик.

10

Қизлар пахта торттиришаётган эди, колхоз комсомол комитетининг секретари Қобилжон келиб қолди.

— Ферузахон, комсомолларингизнинг ҳаммаси шу ердами?— сўради саломлашгач.— Қичкина йиғилиш ўтказамиз.

— Тинчликми?— Феруза ҳайрон бўлиб комсоргга тикилди.

— Хушхабар олиб келдим.

Қобилжон энди Зиёдга юзланди:

— Тарозингизни беш минут тўхтатиб туринг, илтимос.— Сўнг Ферузага қараб давом этди:

— Кеча Қарши чулидаги ҳамқишлоқларимиз ишлаётган район комсомол комитетидан хат олдик,— деди,— шунингизларга ўқиб эшиттирмақчиман.

Ҳамма йиғилиб бўлгач, комсорг хатни тантанавор оҳангда ўқий бошлади:

«Ҳурматли ўртоқлар! Сизлар юборган комсомол ёшлар эл-юрт фаровонлиги, бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Айниқса Жалолбек Олимов, Дилшодбек Сатимов, Ғуломжон Расулов сингари оловқалб йигитлар ўзларига топширилган ишни ҳақиқий комсомолчасига жасорат билан бажаришмоқда. Шундай меҳнатсевар, ғайратли кишиларни жўнатганингиз учун район комсомол-ёшлари номидан миннатдорчилик билдирамиз...»

Қарсак бошланиб кетди.

— Ғуломжон Расулов сизларнинг ҳисобингиздан кетган,— чапак тингач, давом этди Қобилжон.— Ишчи

комсомолни тавсия этганингиз учун колхоз комсомол комитети ҳаммаларингизга ташаккур билдиради.

Олқишлар тугаганидан сўнг Қобилжон Ферузага:

— Бирор оғиз гапирасизми? — деб юзланди.

— Ғуломжон акам... бизни уялтириб қўймаганидан хурсандмиз,— Феруза ерга боқиб олди.— Раҳмат!

— Яна кимда гап бор? — сўради Қобилжон турганларга мурожаат қилиб.

— Менда,— бу Гулсара эди! — Ғуломжон акам ишлаётган кучма колонна комсомол комитетига ва ўзига бригадамиз комсомол-ёшлари номидан хат ёзсак.

— Жуда тўғри,— йигитлардан бири гап ташлади.— Посилкаям жўнатилсин.

— Яхши таклиф,— маъқуллади Қобилжон.— Қўшиламизми, ўртоқлар?

Ёшлар яна қарсак чалишди.

Мажлис тарқаб, пахталарни торттириб бўлишгач, пахтажорга жўнашди. Қизлар илдам теришиб, бошқа теримчилардан анча ўзиб кетишди. Зулфия атрофга бир қараб олди-да, яқин ўртада чет киши йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Ферузага мурожаат қилди:

— Ўртоқ комсорг, менда ҳам битта ажойиб таклиф бор эди, айтсам майлими? Боя эсимдан чиқибди.

— Энди келаси мажлисда айтасиз таклифингизни, ўртоқ Толипова,— деди Феруза ҳам расмий оҳангда.

— Вой, нимага энди? Таклифим ҳозирги мажлисга алоқадор-да! Ахир комсомолларнинг кўпчилиги шу ерда-ку, айта қолай.

— Хўп, гапир, айтма деган билан айтмай қўярминг.

— Уф тортма, ўртоқжон, сенинг фойданга гапирмоқчиман. Таклиф шуки, посилкани почта билан жўнатмасак,— деди Зулфия Ферузадан кўзини олиб.— Уни Ғуломжон акамга шахсан ўз қўли билан топшириб келиш учун бригадамизнинг энг чевар теримчиси, ҳурматли раҳбаримиз Ферузахон Собировани махсус командировкага жўнатсак.

Феруза қошларини чимириб, унга қаради. Қизлар илжайиб, унинг жавобини кутишарди.

— Менинг жиғимга тегмасанг, уйқунг ҳам келмаса керак-а, Зулфия? — пўписа қилган бўлди.

— Ҳо ула қолинг. Раҳмат айтишнинг ўрнига дўқ қиласан-а? Қанийди, деб тургандирсан, ичингда.

— Ҳай қизлар,— суҳбатга Нозима аралашди,— ҳа-

лиги хатда Гулсаранинг Жалол акаси ҳам бор эди-ку! Унга ҳеч нарса жунатмаймизми?

— Ҳа-я, ўксиб юрмасин, бизники қолиб кетди, деб.

— Унгаям ўзининг бригадаси юборсин, нимага биз жунатарканмиз?

— Жалол акам сенларнинг посилкангга зормас,— Гулсара чимирилди.

— Сенинг номингдан жунатамиз-да, ўртоқжон.

— Хушомадгўй бўлмай ўлинглар-эй,— деди Зулфия.— Гулсаранинг ҳам амали бор-да, профкомнинг раиси. Агар бизники бўлганда, тилгаям олмасдиларинг.

— Олдин бирортасини топиб юборгин, кейин ўпка-ла,— Гулсара кулди.

Зулфия унга ялт этиб қаради.

— Кимни жунатаман? Йигитлар мени кўрса, бир чақирим наридан ўтади-ку.

— Чўлнинг ўзидан топа қоламиз-да,— Феруза кулди.— Гулсара, Жалол акамга ёзгин, шу Зулфия шўрликка ўша ёқдан топсин. Чўлнинг йигитлари ботирроқ бўлар.

— Бормисан-а, ўртоқжон,— гапга Зулфия ҳам қўшила қолди.— Шунақа қилинглар, барака топгурлар.

«Масҳарабоз-эй,— ўйлади Феруза жилмайиб,— Илҳомжон билан аллақачон гапни пишириб қўйганмиш-ку, майнавозчилик қилади. Қизиқ, у қўйдайд ювош йигит. Қандай муроса қилишаркин кейин?!»

Уч кун бурун Гулсара Ферузага Жалолбекнинг хатини кўрсатганди. Жалолбек Ғуломжон билан вокзалда қилган суҳбати тафсилотини тўла ёзганди. Охирида эса шундай сатрлар бор эди: «Агар дугонангиз Ғуломжондан Зиёдни аъло кўрган бўлса, унга айтиб юрманг-ку, орияти йўқ қиз экан. Сиз Ферузани яхшироқ биласиз, албатта, унинг тўғрисида фикрингиз қандай, билмадим-у, лекин, чамамда, Ғуломжон унга кўнгил қўйиб янглишган».

Бу гаплар Ферузага шундай алам қилдики, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Жаҳл устида Гулсара билан аразлашиб ҳам қолди. Ғуломжонга ортиқча қаттиққўллик қилганини тан олмас, ўзини оқлашга уринди.

У Маликани ёмон кўрар, у билан деярли гаплашмасди. Аммо ўша кун унинг уйига борди. Жалолбекнинг хати, Маликанинг ҳикоясидан кейин ҳам, барибир, ўзини ҳақ ҳисобласа-да, қандайдир гуноҳкорлик ҳисси пайдо бўлган эди.

Мана, ҳозир ҳам дугоналарининг беғараз ҳазиллари оғир ботганди.

Эртасига тушга яқин Феруза бирпас нафасини ростлагани ўтирганда, Гулсара шоша-пиша этагини пахтадан бўшатиб, унинг ёнига келди.

— Менга қара, кечаги йиғилиш эсингдан чиқди-ми?— деди Ферузага жиддий боқиб.

— Йўқ, нимайди?

— Қимирламайсанми, бўлмаса, қизлар тўплаб бўлишди.

— Дарров-а? Нималар обкелишди?

— Ҳар ким топганини. Сендан умидимиз каттароқ.

— Мен ҳеч нарса олиб келмабман.

Гулсара қовоғини солди.

— Бирам аччиғинг тез-эй,— деди Феруза гуноҳкорона жилмайиб. Кейин тугиб қўйган пахтасининг орасига қўлини суқиб, газетага ўроғлик нарса олди.— Манавини кўр-чи!

Гулсара қизиқсиниб, газета ўрамини очди. Ялтироқ қоғозга ўралган дўппини кўриб, кузлари чарақлаб кетди.

— Мунча чиройли! Атаб тикканмисан?

— Й-йўқ,— Феруза тан олишни истамади.

Гулсара дўппини қайта тахлаб, қўйнига солди.

— Қумри холалар унинг олдига кетишган экан, келишибдими? — сўради Гулсара бир оздан кейин.

— Ҳа! Кеча.

— Қирдингми?

— Йўқ, нима деб кираман?

Гулсара кулди.

— Ҳали унаштирилганларинг йўқ-ку, кираверасанда.

— Бор-э! — Феруза тескари қаради.

— Ҳа, айтгандай, озгина хат ҳам ёзиб бергин, дўппининг ичига солиб қўямиз.

— Кераги йўқ.

— Ёзиб бера қол, тагин, бошқа қиздан экан, деб ўйламасин.

— Майли!.. Керак бўлса, ўзи билволсин.

* * *

Феруза дарвозадан кириши биланоқ укаси Шердил суюнчи сўради.

— Сизга-чи, опа, хат келди!

— Қанақа хат? — Феруза укасини эркалаб, пешонасидан ўпаркан, сўради.

— Билмасам!

Шердил чопқиллаб уйга кириб, конверт кутариб чиқди.

Феруза юз-қўлини юваркан, хаёли алғов-далғов бўлиб, укасининг қўлидаги хатни ўйларди. «Қимдан экан? Ўшанданми?.. Йўғ-э, шунча юриб-юриб, энди ёзармиди...» У тез-тез артиниб, укасининг ёнига келди.

— Қани, кўрайлик-чи?

Конвертни қўлига олди-ю, бетдаги ёзувни таниб, бирдан бўшашиб кетди. Хат қўлидан тушиб кетаёзди. Онасининг уйдан чиқиб келаётганини кўриб, хатни апил-тапил чўнтагига яширди-да, у билан саломлашди.

— Сенга хат келувди, Шердилинг обчиқиб бердим-ми? Опам келса, ўзим бераман, деб менгайм кўрсатмай сақлаётганди.

— Берди... Битта ўртоғимдан экан,— Феруза ўзини хотиржам тутишга уринди.— Қанақа овқат қилай, ая?

— Ош қила қоламиз-да. Сен дамингни олаверсанг бўларди, чарчаб келгансан.

— Кейин дам оларман.

— Бўлмаса, сигирни соғиб бўлгунимча сабзи-ниёзларни қовуриб туравер, кейин ўзим уннарман. Тўғраб тайёр қилиб қўйганман.

Феруза ўчоққа ўт ёқиб, қозонга ёғ қўйгач, ён-верига қараб қўйди-да, чўнтагидан конвертни олди. Энтикиб, уни очди. Хаяжоннинг зўридан кўзлари жимирлашиб, бир дам хатни ўқий олмай турди. Сал ўзини босиб олгач, оловнинг ёруғига тутиб, ўқишга киришди.

«Салом, Ферузахон!

Яна хат ёзиб, гашингизга тегаётганим учун кечиринг. Бундай қилмоқчи эмасдим. Ўйлаб қарасам, миннатдорчилик билдиришим керак экан. Бунинг сизга кераги ҳам йўқ-ку-я, шундай бўлса ҳам...» «Вой, нимага миннатдорчилик билдиради? Ё посилка етиб бордимикин?.. Йўғ-э, кеча жўнатдик-ку», Феруза шошиб давомини ўқий бошлади: «Эҳтимол бу хатни ҳам аввалгисига ўхшаб, ўқимай; йиртиб юборарсиз...» «Эшитган эканда!— шивирлади қиз.— Ким етказа қолдийкин дарров?» «Майли, йирта қолинг, менга бари бир энди...» «Бу нима деганийкин?.. Гаплари ғалати-ку...»

«Сизни кўрмаганимга энди икки ойдан сал ошибди, холос. Лекин у менга икки йилдек узоқ туюлди. Эҳтимол бу зерикарли чўлда яшаётганим учундир... Яна

ҳасратми! — деб жаҳлингиз чиқмасин. Йўқ, ёлвориб, сизда шафқат уйғотмоқчи эмасман. Меҳр садақа қилинмаслигига энди ақлим етади...

Очигини айтсам, чўлга, ўзимча, Шермат акаларга аччиқ қилиб отлангандим. Гуё кўзёши қилиб, қайт, деб ялинадигандек. Қайтага, уларнинг кўнглидагидек иш қилганимга ақлим етмаган-да. Умуман, жуда кўп хато қилдим. Аввало кўр-кўрона ишониб, Шермат аканинг чангалига тушиб қолдим. Сўнг унинг ўргимчакдек қўлоёғимни чирмаб ташлаганини англамасдан, ўзимнинг кучимни чамалаб кўрмасдан унга қарши чиқишга уриндим. Сўнг охиригача курашиш ўрнига чекиндим. Кўпчиликнинг, жумладан, сизнинг наздингизда ҳам номардларча чўлга қочиб қолдим. Аммо охириги хатоимдан афсусланмайман. Тўғри, бу ерда ўзим хом хаёл сурганимдек, каттароқ бирор ишда жасорат кўрсатиб, бировни қойил қолдирганим йўқ. Ҳамма қатори ўртача ишляпман. Аммо шундай ажойиб кишиларга дуч келдимки, улар менга ҳақиқий устозлик қилишди.

Дастлаб Камол ака деган кишининг қўлига тушдим. Роса боплаб ишлатди. Замбилда шағал, цемент ташидим, бетон қуйдим. Қўлимнинг бир-икки қават териси шилиниб тушди. Хуллас, Камол ака айтганидек, «қантарилган отдек гижинглаб қолдим», чиниқдим. Ҳаётнинг нима эканлигини, нима учун яшаш кераклигини, қандай курашиш, ҳатто қандай севишни мана шу ерда, оддий, меҳнаткаш, ақлли, жасур кишилардан ўргандим. Қийналган пайтларимда суратингиздан мадад тиладим...»

Қиз онасининг:

— Феруза, нима қияпсан? Утинг ўчиб қолибдику,— деганини эшитиб, чўчиб тушди. Шоша-пиша хатни буклаб, қўйнига тикди. Учоқ утини олдиришга киришди. Санобар опа унинг ёнига келиб, қизининг юзига разм солди.

— Нима бўлди? Хатда бирор нохушроқ гап бор эканми?

— Йўқ! — Феруза гуноҳкорона жилмайиб, онасига боқди.— Тинчлик!

— Қўзларинг ёш-ку! Йиғладингми?

— Йўғ-э, нимага?.. Тутунникидир-да, аяжон!

— Чарчабсан. Бор, дам олавер, овқатни ўзим пишираман.

— Қўйинг, ая, ўзим...

— Бор, бор, уйга киравер, бошқа ишим ҳам йўқ.

Феруза ноилож урнидан турди. Хонасига кириб, каравотига беҳол ўтириб, хатни қўлига олди. «...Шундай бўлса-да, ҳамон ўзимни ҳаётда ўз йўлини, урнини топган киши ҳисоблай олмайман. Бундай нотайин одам сизга муносиб эмас, албатта. Сиз мендан кўра дурустроқ йигитга муносиб қизсиз». «Унақа деманг!»—илтижо қилди қиз гуё Ғуломжон ёнгинасида тургандек. «Юрагимга шаҳло кўзларингиз ёққан муҳаббат учун раҳмат. Севгимнинг сўнгги ҳам хаёлларим каби пуч бўлиб чиққанидан афсусланаман. Начора, тақдирга тан бериш керак. Узундан-узон мактуб учун яна бир кечирим сўрайман. Бундан кейин сизни ҳеч қачон безовта қилмасликка ваъда бераман. Хайр.

Ҳурмат ва эҳтиром билан Ғуломжон».

Феруза ёш пардалари орасида хатни зўрға ўқиб тугатди. Гаплари ғалати. «Сизни бундан кейин ҳеч қачон безовта қилмасликка ваъда бераман», депти... Нима деганийкин, бу? Энди керакмассан, деганими? Энди нима қиламан?.. Хат ёзаман!

Феруза ручка, дафтар олиб, каравотнинг чеккасига ўтирди. «Салом, Ғуломжон ака!» деб ёзди-ю, тўхтаб қолди. Гапни нимадан бошлашини, қандай ёзишини билмасди. Шу кўйи анча ўтирди. Ёза бошлади. Бир бетга яқин ёзганда, онасининг ким биландир кўришган овози эшитилди. Феруза дераза пардасини суриб, ташқарига қаради. Қумри холани кўриб, юраги орзиқиб кетди. Вужудини ёқимли ҳис қоплади. Шу топда учиб чиқиб, ундан Ғуломжоннинг ҳол-аҳволини сўрагиси келди. Нима қилишини билмай типирчилаб қолди.

— Қани, уйга киринг, опа,— бу Санобар опанинг овози эди.

— Йўр-е, айланай, машинам ўлгурнинг моккиси айниб қолди. Шуни Собиржон кўриб берармикин деб олиб чиқувдим,— деди Қумри хола.

— Қани, кўрайлик-чи,— деди Собиржон ака.— Тугатса бўлади. Қани, энди сўрига чиқинг. Ризқли меҳмон ош устига, деган гап бор. Чолингиз бирпас сизсиз ўтурса ўтирибди-да.

— Ўтира қолинг, опа,— энди онасининг овози эшитилди.— Тайёр овқатни ташлаб кетманг, хафа бўламиз.

Бир зумдан кейин Санобар опа эшикни қия очиб қизини чақирди.

Феруза онасининг орқасидан учиб-қўниб чиқди. Хола билан худди қайнонаси билан илк бор кўришаётган

келинчакдек уялиб, ийманиб кўришди. Тўрга янги якандоздан солди. Кейин қўлига сув олиб келди.

— Баракалла қизим, илойим бахтинг гулдай очилсин,— дея дуо қилди Қумри хола қўлини юваркан.

Феруза дастурхон ёзиб, ошни чинни лаганга сузиб келтирди. Ўзи пойгакка ўтирди-ю, Қумри хола олдида нимагадир бошини ердан кўтара олмай қолди. У ошдан қўл учида чимдилаб, номигагина олиб ўтирарди. Қумри хола унга разм соларкан, Санобар опага қараб:

— Илойим кўз тегмасин, Ферузахон гулдай очилибди,— деб қўйди. Феруза лабини тишлаб, бошини яна ҳам энгаштирди.

Эр-хотин унинг гапини ўзларича тушунишди шекилли, бир-бирига маънодор қараб қўйишди.

— Ҳа энди, ҳозир буларнинг баҳори-да,— Санобар опа жилмайди.— Қани, олиб ўтиринг!

— Ғуломжоннинг олдида бориб келганмишсизлар,— сўради Собиржон ака Қумри холага қараб.— Қалай, яхши юрибдими?

Ферузанинг вужудига ширин титроқ югурди.

— Ҳа, кўриб келдим,— деди кампир яйраб.— Ҳам-маларингизга салом айтди. Кетганига икки ойдан ошди, боласи тушмагур келай демайди. Сабрим чидamay, чолни етаклаб жунавордим. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деганлари рост экан, айланай. Ўйнаб-кулиб юрибди денг. Вой, бу чўлдаги одамларни! Қайнайди! Қурилишларни айтмайсизми! Нақ оғзим очилиб қолди.

— Чўл сизгайм ёқиб қолибди шекилли? — Собиржон ака жилмайди.

— Йўғ-э, иним,— кампир қўл силтади,— иссиғи қургур ёмон экан, тинкамни қуритди.

— Ғуломжон нима иш қиляпти?

— Канал қуришяпти. Ишидан хурсанд.

Феруза Ғуломжон тўғрисидаги гапларни жон қулоғи билан тинглаб, ҳаяжондан маст ўтирарди.

— Суюнчи берсангиз, келинниям ўша ёқдан мўлжаллаб келдим,— деб қолди кампир дабдурустан.

Феруза сесканди. Қумри холага бир дам бақрайиб қолди. Ранги оқариб кетди. Санобар опа қизига тезгина кўз ташлаб қўйди. Феруза лабини тишлаб, ерга қаради.

— Шунақа денг? Яхши бўпти. Ғуломжон энди бутунлай чўллик бўлиб кетаркан-да,— гапга Собиржон ака аралашди.

— Йўғ-э, биттагина боламни уёқларга ташлаб қўярмидим. Келинни шу ерга обкеламиз.

— Қизни ўзингиз кўрдингизми?— сўради Санобар опа.

— Кўрганда қандоқ, айланай, ушаларникида ётдик-да.— Кампир кулди.— Ҳозирги болалар жуда қувда. Ғуломжонингиз тушмагур тўғри ўшаларникига олиб борса бўладими. Ўзи индагани йўғ-у, лекин кўнглидагини фаҳмладим. Бир кўриб кетсин, дегандир-да. Кўп яхши одамлар экан. Қизини айтмайсизми! Қадди-қоматлариям, одобиям, ҳаёсиям Ферузангизнинг ўзгинаси. Бирам ширинсўз, чиройли.

Феруза қалтираб кетди. Худди ичи ёнаётгандек ҳис қилди. Сезиб қолишларидан қўрқиб, титраётган қўлларини чалкаштириб, тиззасига тиради.

— Жўнагуниimizча, холажон, деб атрофимда парвона бўлиб юрди,— ҳамон вайсарди кампир.

— Қиз нима иш қиларкан? — сўради Санобар опа.

— Ҳамшира. Иннайкейин Тошкентда катта ўқишда сиртдан ўқиркан. Акаси Ғуломжон билан ўртоқ экан. Бригадири эмиш. Ғуломжонингизни бирам мақташади, денг. Келаётганимизда учаласи келиб, бизни поездга чиқариб, қайтиб кетишди.

Кампирнинг боягина Ферузага ёқимли куйдек ором бераётган овози энди ниҳоятда хунук эшитиларди. Эзма кампирнинг тезроқ чиқиб кетишини истаб қолди.

— Ҳа,— деди Собиржон ака бошини лиқиллатиб,— ҳар кимнинг бахти ҳар ерда. Ишқилиб, омон бўлсин.

— Бир-икки ойдан кейин бориб, қизнинг бошини боғлаб келмоқчимиз,— Қумри хола оғзини тўлдириб гапирди.

— Албатта! Бунақа ишда сусткашлик қилиб бўлмайди,— унинг гапини тасдиқлади Собиржон ака.

— Феруза, чойдан хабар олгин, қизим,— Санобар опа Ферузага қаради.

— Ҳозир!..

— Мен энди турақолай,— кампир қўзғалди.

Қумри хола кетгач, Феруза чойни онасига олиб келиб берди. Хонасига кириб каравотга аста ўтирди. Ёзган хатини олиб, бирпас тикилиб турди. Сўнг ғижимлаб, полга ташлади-да, йиғлаб, юзини ёстиққа босди...

Эрталаб зийрак Гулсара Ферузанинг шашти пастлигини сезган бўлса керак, ташвишланиб олдига келди.

— Нима гап? Тинчликми?

— Ҳеч!

Феруза қизларга ров кўз ташлаб қўйди.

Пахтага тушишди. Иккаласи холи қолишганда:

— Айтсанг-чи, нима бўлди? — сўради Гулсара.

Феруза унга қаради-ю, дарров юзини ўгирди. Бир оздан сўнг:

— У... У... Ўша ёқдан уйланаётганмиш...— деди титроқ товушда.

— Вой, ким айтди?

— Бувиси!

— Йўғ-э, ёлғондир,— Гулсара ҳам бўшашиб қолди. Феруза бошини чайқади.

— Рост, рост!.. Яқинда бориб унаштириб келишмоқчи... Докормиш.

Гулсарани бу гапларга ишонгиси келмади:

— Бекор гапдир... У сени севади.

Феруза гапиролмай унсиз бош чайқади.

* * *

Ғуломжоннинг келганини эшитгандан бери Феруза тинчини йўқотди.

Ишдан қайтаркан, уларнинг уйи рўпарасига келганда, беихтиёр ҳовлига кўз ташлади. Катта улама оқ тут остида хаёл суриб турган Ғуломжонни кўриб, беихтиёр тўхтади. Билинар-билинемас титраётган қўллари билан барги сарғая бошлаган ўрикка беҳолгина суянди. Ғуломжонга термилди. «Озиб кетибди. Кўзлариям киртайиб қолибди. Анча қорайибдиям...»

Феруза Ғуломжоннинг енгил эсаётган шабадада бир оз тўзиган қалин сочларига, сал чўзиқдан келган юзига соғинч билан тикилди. Бирдан олдига боргиси, чўл ҳавоси қорайтирган чайир қўлларини ушлагиси, қалин сочларини эркалаб силагиси келиб кетди. Беихтиёр дарахтнинг ғадир-будир танасини силади. Ўрик-гуё но-зик, меҳрибон қўлларининг тафтини сезгандек шувиллаб қўйди.

11

Ғуломжон уч кундирки Ферузани бирор марта ҳам ёлғиз учратолмасди. Қизнинг бу қилиғи Ғуломжонни бутунлай эсанкиратиб қўйди. У Ферузага «видолашув хати» деб атаган сўнгги мактубини ёзгандан сўнг бутунлай умидини узиб, руҳсиз шалвираб юрганда, қишлоқдан посилка келиб қолди. Аввалига ҳайрон бўлди. Ота-онамдандир, деб ўйлади. Очиб кўргач, бригада ёшларидан эканлигини билиб, баттар ҳайратланди. По-

силканинг ичида Гулсаранинг хати бор эди. Уқиб, сабабини англади. Район комсомол комитетидан қишлоққа ёзилган хат Олимжон ва Самадбекларнинг иши эканлигини фаҳмлаб, улардан миннатдор бўлди. Гулсаранинг мактуби охирига «Дўппи!!!» сўзи алоҳида ёзиб қўйилганди. Ғуломжон Гулсаранинг ишорасини тушунди. Дўппини қўлига олиб, эҳтирос билан ўпди. Йигитлар кулиша-кулиша дўппини кийдиришиб, табриклашди. Шундан кейин Ғуломжоннинг фикри-зикри яна Ферузада бўлиб қолди.

Иш ниҳоятда тигиз эди. Шунинг учун гарчи кўнгли қишлоққа, Ферузага талпиниб турса-да, рухсат сўрагани тили бормади. Бир ойчадан сўнг район халқ контроли комитетидан хат келди. Иложи бўлса, бир келиб кетишни сўрашганди.

— Менимча, сизнинг ўрнингиз ўша ерда,— деди Самадбек рухсат бераркан, унинг елкасига қўлини қўйиб.— Истасангиз, бутунлай жавоб олиб беришим мумкин, гарчи сизга ниҳоятда ўрганиб қолган бўлсак ҳам. Раҳбарлар билан ўзим гаплашаман.

— Қани, бориб кўрай-чи, кейин маслаҳатлашармиз,— Ғуломжон бригадирга миннатдор боқди.

Қишлоққа келганига бир неча кун бўлди. Район халқ контроли комитетига учради. Унинг хати баҳона колхозда анча ишканалар фош қилинибди. Ғуломжонга табелчилик даврига оид бир неча саволлар беришди.

Чўлга қайтадиган пайт ҳам келди. «Қандай қилиб бўлмасин, у билан гаплашишим зарур». Ғуломжон шунга қарор қилди. Пахта терими тугаган. Ҳойнаҳой уйда бўлса керак, деб, агар укаси бўлса, алдаб чақиртириш мақсадида чўнтагига икки-уч конфет солди-да, жунади. Кўчада бораркан, худди ўғирликка кетаётгандек юраги дукилларди. Ферузаларнинг уйи олдида ҳеч ким йўқ. Деворнинг паст жойидан ҳовлига кўз ташлади. Феруза айвондаги сўрида алланима тикиб ўтирарди. Шу пайт:

— Эй-эй, ўғри,— деган товуш эшитилди.

Ғуломжон шошиб қаради. Дарвозанинг олдида Ферузанинг укаси Шердил ўқрайиб турарди.

— Э, ўзимнинг укажоним-ку,— хушомад қилди Ғуломжон.— Буёққа келгин.

— Нимага?— ўшайди бола.

— Иш бор,— Ғуломжон атрофга аланглади.— Қўрқма, мана, конфет бераман.

Бола конфетнинг дарагини эшитиб яқин келди.

— Уйда ким бор?
— Опам.
— Яна-чи?
— Яна ҳеч ким йўқ.
— Мана конфет. Кириб, опангга «Ғуломжон акамнинг сизда жичча гапи бор экан, кирса майлими?» деб сурагин, хўпми?

— Бупти!

Бола югурганича ичкарига кириб кетди.

Ғуломжон яна девор тепасидан мўралади. Укасининг гапини эшитиб, Феруза шоша-пиша дарвоза томонга қараб қўйди. Кейин:

— Сен дайдиға неча марта айтдим-ку, кучага чиқаверма, деб! Қулоғингга гап кирадими, йўқми! — деди жаҳл билан. — Чиқиб айт, опам уйда йўқ, де.

Бола дарвозадан чиқибок:

— Опам уйда йўқ экан, — деб бақирди. Кейин Ғуломжонга яқин келиб, қулоғига пичирлади. — Опам сизни алдади, у уйда.

Ғуломжон бирпас ўйланиб турди. Сунг бўшашиб орқасига қайтди. Муюлишга етганда, қаршидан келаятган Гулсарани кўриб, тўхтади.

— Яхшимисиз, Ғуломжон ака, — қиз майин оҳангда сўрашди.

— Яхшимисиз, — деди Ғуломжон руҳсиз оҳангда.

— Бизни қачон тўйга айтасиз?

— Ўртоғингиз хўп деганда!..

Гулсара жиддийлашди.

— Олдига кирдингизми?

Ғуломжон қиздан кўзини олиб, аллақасқа қарга боқди.

— Киритмади.

— Бераҳм экансиз, — деди Гулсара аччиқланиб. — Нима қиласиз энди, у бечорани қийнаб? Шунча йиғлагани камми.

— Бу нима деганингиз?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Ўша ёқдан уйланаётганмишсиз-ку, доктор қизга.

Ғуломжон кўзларини катта очиб, бақрайиб қолди.

— Нималар деяпсиз? Қанақа доктор қизга? Ким айтди бу гапларни?

— Ким бўларди, бувингиз-да. Ахир ўзингиз олиб бориб кўрсатибсиз-ку... Тағин бувингиз Ферузаларни-кига кириб мақтабди.

— Ахир у қиз эрга тегди-ку! Икки ҳафта бўлди.

Гулсара йигитнинг кўзларига тикилди.

— Ростданми? Алдамаяпсизми, ишқилиб?

— Йўғ-э, нимага алдарканман? Биз у билан яна сингилдек эдик. Тўйида қатнашдим, ҳатто габриккадим ҳам.

Гулсара ўйланиб қолди.

— Булар бориб қолишганда, бошқа дурустроқ жой бўлмаганидан бригадиримизникига олиб бора қолгандим... Юлдуз ўшанинг синглиси. Оббо бувим тушмагур-эй, суриштирмай-нетмай... Энди нима қилдим, Гулсарахон? Бугун кетяпман, билет олиб қўйганман.

— Бўпти,— деди Гулсара шўхот бир қарорга келиб,— сиз уйингизга бориб тураверинг. У билан ўзим гаплашаман. Сизни қаранг-у...

Ғуломжон соатга қарай-қарай толди. Гулсара билан гаплашганига бир соатдан ошди. Дараги йўқ. Ғуломжон яширишга қанча уринмасин, бетоқатлиги сезилиб турарди шекилли, нарсаларини югуриб-елиб тайёраётган Қумри хола унга ташвишланиб тез-тез қараб қўярди.

Дарвозада Гулсара кўринганда, Ғуломжоннинг юраги дукиллаб кетди.

— Шафтолизорда турибди,— дея шивирлади қиз унинг ёнидан утаркан. Сўнг Қумри хола билан кўриша кетди.

Ғуломжон барча нарсани унутиб, шафтолизорга қараб учди. Етиб келди-ю, ҳансираганича тўхтади. Атрофга аланглаб, Ферузани қидира бошлади. Боғнинг ичкарироғига кирганда, шохлари эгилган катта шафтолининг ортида оқ кўйлак этагини кўриб қолди. Дарахтларни паналаб қизнинг олд томонига ўтди. Феруза қўлидаги шафтоли баргини юлқиганча хаёлчан турарди.

Ғуломжон олдини тўсиб турган шохни сал сурганди, Феруза ялт этиб қаради. Уни кўриб:

— Вой!... — деди-ю, беихтиёр қўллари билан юзини яширди.

Ғуломжон панадан чиқиб, қиз томон юрди.

— Кечирасиз, қўрқитиб юбордим.

Феруза қўлларини тушириб, ерга қаради. Сўнг:

— Яхшимисиз?! — дея шивирлади.

Қизнинг уялиб, қимтиниб туришида ширин бир нафосат бор эдики, бу — Ғуломжоннинг ихтиёрини бутунлай олиб қўйди. Шунинг учун ундан кўз ҳам узолмас, гап ҳам қотолмасди.

Феруза йигит кўзларининг ёниб термилишиданми,

ё висолнинг ўтли ҳаяжониданми, ўзини йўқотиб, беҳол турарди. Ўртадаги жимликдан баттар ўнғайсизланиб, ҳадеб лабини тишларди. У Ғуломжоннинг биринчи бўлиб гап бошлашини кутарди. Бироқ йигит сеҳрлангандек жим эди. Феруза бир-икки марта гапиришга чоғланиб, унга қаради-ю, лекин нигоҳи ҳар сафар эҳтирос билан порлаб турган кўзларга тушиб, гапини йўқатиб қўяверди. Охири журъат қилиб:

— Яхши юрибсизми? — деди кўзини ердан узмай.

— Раҳмат!.. Ферузахон!

Қиз унга ийманиб боқди.

— Кечасию кундузи сизни уйладим,— деди Ғуломжон бошқа гап тополмай.

Феруза ноз-ла бир қиё боқиб қўйди:

— Ҳо... доктор қизни топиб олганмишсиз-ку?

Ғуломжон бир лаҳза нима дейишини билмай турди. Кейин:

— Қаттиқроқ тергамадингиз-да,— деди.

Қиз хиёл чап томонга ўгирилиб, елкаси оша тушиб турган йўғон бир ўрим сочини ўйнай бошлади.

— Энди қачон келасиз? — сўради бир оздан сўнг.

— Сиз қачон кел десангиз.

— Ундай бўлса, кетмай қўя қолинг.

Ғуломжон энтикди. Бор журъатини тўплаб, қизнинг елкасидан авайлаб тутиб, узига қаратди. Феруза ито-аткорона бошини қуйи солиб турарди.

— Ферузагинам!— шивирлади йигит эҳтирос билан.— Қанчалик соғинганимни билсангиз эди!..

Феруза бошини кутариб, Ғуломжоннинг чул офтобида қорайган юзига, оловли кўзларига ювошгина боқди. Сўнг бошини йигит куксига қўйди.

Ғуломжон бу севимли, ёқимли вужудни авайлабгина қучди. Неча йилдан бери бир оғиз ширин сўзига зор қилиб, юрагини ўртаб келган бу мағрур, бир сўзли, ўжар қиз ҳозир қучоғида тургани хаёл ёки туш эмас, унги эканлигига ишонгиси келмасди. Юрак олдириб қўйган йигит бу ҳуркак қушчани яна чўчитиб юборишдан қўрқиб, майин сочларини силаганича сархуш турарди.

Хайроқул Ғизо
ЧУЛ ҚАЛДИРҒОЧИ

Қўжағатли қисси





1918 йил 17 майда доҳиймиз В. И. Ленин Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Декретга имзо чекди. Бу — Мирзачўл ҳаётида инқилоб бўлди. Ана шу инқилобнинг гвардиячилари — ёшлардир. Шу ёшлар орасида Сирдарё районидаги Ленин номи колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошеванинг номи алоҳида ўрин тутди. У болалик ва ёшлик йилларини чўлни ўзлаштиришга бахшида этди. Чўлда жасорат кўрсатди.

«Чўл қалдирғочи» номи хужжатли қиссада Назира Йўлдошеванинг комсомоллик йилларидаги мардона меҳнати ҳикоя қилинади.

1

Асад ойи оёқлаб қолган. Кун пешиндан оққан. Олтин баркашдай қуёш ғарбга оғаяпти.

Йўлдош Шодмон овулидаги тўқайзордан супанинг сатҳича келадиган ер очиб, қовун эккан. Ана шу ернинг кун чиқиш томонида қамиш қапа кўриниб турибди.

— Ҳадемай тилимиз шакарга тегади.

Жуяклар ичига тушган тукли палакларни марзага

явайлаб кўтариб қўяётган Йўлдош шу гапларни хаёлидан ўтказиб, жуяклар орасида ғимирлайди. Афтидан, қовунга сув қўйса керак.

Капа ёнида юпин, сочларига оқ оралаган, ориқ елкалари бир оз чўккан хотини Зайнаб қизи Назирани кўтариб, эрининг келишини кутиб турарди. Ахир Йўлдош бугун туз тотгани йўқ, чой-пой дамлаб бериш ниятидадир. Ёки унга айтадиган зарур гапи бордир. Назира бўлса жажжи қўлчаларини қимирлатиб, ботиб бо-раётган қуёшнинг заррин нурларини ушлаб олмоқчи бўлади, онанинг оромбахш кўксига беозор талпинади. Қимга ва қаёққа талпинади? Хаёл қўним билмас, бола тиним билмас, деганлари шу-да.

Палаклар орасидан бир-бир босиб чиқиб келган Йўлдош Назирани бағрига олди. Қамиш капа олдида тотли хаёлларга берилгандай, уёқ-буёққа юра бошлади:

— Ширин қизим, шакар қизим...

Бир қайнаб совиб қолган чойдиш остига қамишдан ўт ёққан хотини Зайнаб Йўлдошга ҳасратларини тўкиб солди:

— Мана Мирзачўл, ҳавас қил дегандингиз, хўш, бу ваҳимали туқайларнинг, сассиқ ботқоқларнинг нимасига ҳавас қилай!

Қўққисдан айтилган бу гаплар Йўлдошни хўшёр торттирди, хаёлларини бўлиб юборди.

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, хотин. Тошкентнинг ўрни ҳам бир замонлар кимсасиз жой бўлган,— босиқ оҳангда гапирди Йўлдош.

— Пахта ўстирамиз, боғлар яратамиз, дегандингиз. Бунинг ўрнига қабристонлар кўпайяпти. Безгак оч бўридай хонама-хона изғиб юрибди.

— Хотиржам бўл, безгак ҳаммани қириб юбормаса керак!

— Лаънат бундай безгакка!

Ўз қисматидан, ўз турмушидан тамоман қониқмаганлиги Зайнабнинг аламли сўзларидан билиниб турарди.

— Нима бўлганда ҳам безгак одамларни орзусидан жудо қилолмайди. Бизнинг орзумиз Мирзачўлни гуллатиш.

Бу гапларнинг маъносига тушунмайдиган Назира отасининг тер ҳиди анқиб турган кўксига талпинади.

— Ўтган куни Нортожи кўз юмди, кеча Сапаройни ҳам кўмишди. Кўнглим вайрон бўлиб кетаяпти,— деди қуриган қамишни чойдиш остига ташлаган Зайнаб.

— Ваҳимага тушма! Ойнинг ўн беши қоронғу ўн беши ёруғ, деганлар,— тасалли берди Йўлдош.

Чойдиш шарақлаб қайнади, Зайнаб чойни дамлаш учун урнидан зурға қимирлади:

— Вой, ерга ёпишиб қолишдан худо асрасин!

Гапнинг узулган ҳалқаси чой устида уланди.

— Азалдан пешонамиз қоқ бўлиб яратилган экан. Худо қамиш қападан бошқа нарсани бизга раво кўрармикан? — Зайнаб турмушдан, камбағаллигидан яна нолий бошлади.

— Орадан йиллар ўтади. Ўғил-қизларимиз «ота-оналаримиз чўлга ҳужумни қамиш капалардан бошлаганлар», деб эслашади. Уларнинг ёд этишлари биз учун катта давлат эмасми?

— Шундай жойларда яшаш етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Хўш, Тошкентдай шаҳри азимни ташлаб келиб, бир қамиш қападан бошқа нима топдик бу чўлдан, нима топдик?

— Мана Назирани топдик-ку! Назира чўл қизи. Чўлда чирогимизни ёқади.

Она бағридаги қорачагина, ширин қизига меҳр билан термилди. «Рост, Назирани чўлга келиб топдик»,— деган фикр қалбининг бир чеккасини нурдай илитиб ўтди. Қаранг, шуни уйламабди-я! Ўзини-ўзи қойимоқчи бўлган она қалбидаги ўкинч урнини севинчга ўхшаш бир нарса эгаллаётганлигини ҳис этди.

II

...Тун қоп-қора пардасини ташлади. Яхшиямки, табиатнинг шамчироғи — ой бор. Бўлмаса тўқайнинг қора оқшоми одамни аждаҳодай ютиб юборади.

Само минбарига тун маликаси — ой кутарилди. Оламга сутдай ёруғ нур тукилди.

Йўлдош қовунга сув куйиш учун ўчоқ ёнидаги кетмонни елкасига олди.

Жўъжазгина қамиш қапада эса қалби меҳр-муҳаббатга тўлиб тошган, еру самога ором бағишловчи сокин ва ёқимли алла янгради:

Ёруғ юзгинам, алла,
Ширин сўзгинам, алла,
Чўлнинг ичидан топган
Қора кўзгинам, алла...

Дунёдаги барча қўшиқлар она алласининг жилвагар жозибасидан андоза олган эмиш. Мана, унинг

ипак қанотлари қападан парвоз қилиб, қамишларнинг олтинранг попуқларига қўниб, бир умр гунг ва лол бўлиб ётган тўқайга жон бағишляпти.

Мухтарама онанинг дарёдай жўшқин қалби борган сари иссиқ ва ҳароратли оҳангга айланар эди. Ростдан ҳам Зайнаб бу оқшом қизига бўлган соф муҳаббатини ўтда куймас, сувда чўкмас алла орқали изҳор этмоқчи. Шу йўсинда қалбига чўккан бояги ғам-ғуссалардан бир нафас бўлса-да, холи бўлмоқчи. Яхшиям, инсон боласи қўшиқ айтишга ўрганган. Бўлмаса, у ғам чангалида бевақт хазон бўларди.

Осмонда ой сузмоқда, бешиқ тебранади, онанинг қалбини ширин орзулар қамраб ола бошлайди. Йўлдош очган сув қовун жўякларига секин жилдирайди.

III

Гувалакдан тикланган пастқамгина уй. Ўртада сандал. Сандалнинг тўр томонида безгакка чалинган Зайнаб титраб ётибди. Бир ёнида Йўлдош унга эгилганича тиз чўккан. Зайнабнинг пешонасига дам-бадам кафтини қўяди. Сандалнинг паст томонида қизлари — Марҳамат, Вазира, Назиралар бирор кўнгилсиз ҳол рўй беришини олдиндан сезишаётгандай қимтиниб, тортиниб, қўрқиб ўтиришарди.

— Тангри шифо берса ҳеч гап эмас, яна оёққа туриб кетасан,— хотинининг кўнглини кўтармоқчи бўлади Йўлдош.

Зайнаб кенжатоий Абдуғофурни туққанидан кейин ўзига келмади, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Авваллари мадори кетди, сўнг кўкрак сути қуриди. Мана энди безгакка чалинди.

Йўлдош Зайнабнинг кўзларига тикилди. Танида қолган бир ҳовуч қувват фақат кўзларида базўр милтираб турибди. Бир пайтлар бу кўзларда аёл зоти учун энг муқаддас, энг нодир фазилатлар — вафо билан олижанобликнинг ҳайратомуз алангаси порлар эди. Бир пайтлар бу кўзларда одамларга бўлган ҳурмат шафқатнинг беғубор ёлқини ёнарди. Айёрликни билмаган бу кўзлар одамларга тортинчоқлик билан боқарди. Бу кўзларда одамларга бўлган ҳурмат шафқатнинг беғубор ёлқини ёнарди. Айёрликни билмаган бу кўзлар одамларга тортинчоқлик билан боқарди. Бу кўзлар бешик бошида алла айтган чоғларида юракдан отилиб чиққан сўзлар тўлқинининг кучидан эриб, юмилиб-

юмилиб кетарди. Энди у ёниб тугаган шамдек сўниб борапти...

Йўлдош Зайнабнинг қўлларига тикилади. У бу қўллар билан Тошкентнинг Мерганча маҳалласидаги чойхонада чойнак-пиёла ташиб, Йўлдошга ёрдамлашган. У бу қўллар билан ҳақиқдай фарзандларининг бешигини тебратиб, азиз бошларини силаган. У бу қўллар билан бўзда, Йўлдошнинг ёнида туриб кетмон чопган. У бу қўллар билан умид боғловчи ерларга қовун ва тамаки уруғларини эккан. У бу қўллари билан Йўлдошга чой сузиб берган. У бу қўллари билан Йўлдошнинг олдига дастурхон ёзган...

Йўлдош Зайнабнинг лабларига тикилади. Бу лаблар юлдузлардай бир-бирига ўхшаш фарзандларининг тиниқ юзларига бир кунда неча бор босилар эди. Бу лаблар Йўлдошнинг жисми-жонига ором бағишловчи қанчадан-қанча илиқ сўзларга гувоҳ. Зайнабнинг ормқ юзларига шу лаблардан ёқимли табассум ёйилиб кетарди. Энди...

Йўлдош яна Зайнабнинг юзларига, қошларига, сочларига тикилди. Оғир ўйга толди.

Эҳтимол, Йўлдош Зайнабнинг шу ҳолатини, у ҳақда ўйлаган ўйларини бир умр ёдида сақлаб қолиш учун шундай қилаётгандир. Ёки ҳаёт билан абадий видолашаётган одамларнинг юз-кўзларига қараб олиш ҳар кимнинг инсоний одати, ёхуд бир инсоний бурчимикан?!:

Зайнаб ижирғанди. Сўнг танасидаги қолган мадорини бир жойга тўплаётгандай тиришди. Заиф оҳангда қамиши сарғайган шифтдан кўзини узмай, гапирди:

— Абдуғофурни олиб беринг, бағримга босай.

Йўлдош бешикда ётган Абдуғофурни уйғотиб, ечиб олди. Чинқириб йиғлаётган гўдакни онанинг бағрига тутди. Она кенжатойини жонҳолатда бағрига тортди. Кейин Марҳамат, Вазира, Назираларни ҳам бирма-бир бағрига босди. Хийла жонлангандай бўлган Зайнаб Йўлдошга кўз қирини ташлади:

— Сизга айтар бир сўзим бор.

— Қулоғим сенда, Зайнаб,— дея хотини томонга энгашди Йўлдош.

— Ўғил-қизларимизнинг камолини кўрмоқчи эдим. Лекин бунга кўзим етмаяпти. Фарзандларимни бировга зор қилсангиз гўримда тикка туриб, нола қиламан.

— Васиётингни ерда қолдирсам кўзимга тикан санчилсин, Зайнаб!

Зайнаб садоқатли эрига яна нималар демоқчи эди-ю

тили айланмай қолди. Бир лаҳза утар-ўтмас кўзлари бир нуқтага тикилди.

Йўлдош аччиқ йиғлади. Норасида қизларининг аламли фиғони Йўлдошнинг юрагини баттар поралаб юборди. Бунча қаҳринг қаттиқ бўлмаса ҳаёт!..

Безгакдан кўз юмганлар қабри ёнида яна бир қабр пайдо бўлди. Қабристон овулга яқин жойда. Қишда яланғоч қамишлар орасидан кўзга яққол ташланиб туради. Йўлдош баъзи кунлари дили вайрон бўлиб қабрга тикилади...

Куз ўтди. Қиш ўтди. Кўклам келди. Зайнабнинг қабри устида қиёқларнинг биринчи майсаси униб чиқди. У Зайнабнинг ушалмай қолган орзуларини елларга сўйлаб бераётгандай енгил тебранади.

IV

Майин қор остида сокин уйқуга кетган сулув баҳор уйғонди. Аввал у олмос чўққилари бошида «кўзини уқалади», кейин тоғлар тўшига, қирлар бағрига кўм-кўк бошини қўйди. Тоғларда пайдо бўлган олмос шаршаралар кўклам таронасини куйлади. Баҳор элчиси булган — бойчечак нафис елда эркаланди. Дов-дарахтлар танига қон югурди. Мовий тусга кириб бораётган кўкда қошимиздай суюмли қалдирғочлар чарх уради. Қиш бўйи ер остида, девор ва дарахтлар қавагида димиқиб ётган чумолилар ғайрати нозик танасига сиғмай ўрмалайди. Кўкламнинг қутлуғ қадами қадимий Сирдарёнинг бўйларига ҳам етиб келди.

Йўлдош қизи Назира билан кўкламнинг ана шундай бир кунда йўлга тушди. Олдинда бир қулоғи кесилган эшак. Устида бир пудча макка. Назира макканинг устига утириб олган. Эшак устида ёш бола борлигини билганиданми, бир маромда кетарди. Ортда Йўлдош, қўлида халачўп.

Терак бўйи кўтарилган қуёш Йўлдош билан бекинмачоқ ўйнаётгандай, дам кулранг булутлар орасига кирар, дам булутлар орасидан чиқарди.

Тўрт томонда баҳор салтанати. Йўлдош ўз ҳаётида баҳор фаслини яхши хотирлаб қолган. Ушанда у бабоғатга етмаган йигит эди. Отаси Раҳимбек кўклам келиши билан Қовунчига мардикорликка чиқиб кетарди. Кўкламнинг келиши уларга оғир эди. Эркаксиз уй хувиуллаб қоларди. Онаси «илоҳим, худо отангнинг омадини берсин, болам», деб тилак қиларди. Йўлдош бунга кейинчалик тушунди. Дарҳақиқат, қисматини ер би-

лан боғлаган одамнинг омади кўкламнинг қандай келишига боғлиқ экан. Буни энди унинг ўзи ҳаётда синаб кўряпти.

— Ишқилиб, кўклам яхши келсин-да!

Икки-уч чақирим нарида Сирдарё оқади. Йўлдошнинг назарида дарё жуда узоқлардан бошланган. Буни у ёшликда отасидан, кексалардан эшитган. Унинг қирғоқлари қанчадан-қанча шиддатли ва шиддатсиз ёмғирларни, шамолларни кўрган. Шунинг учун дарёнинг қирғоқлари ёмғир зарбидан тарам-тарам ёрилиб кетган улкан ёғоч тарновга ўхшайди.

Дарёнинг нариги қирғоғида Яллама қишлоғи бор. Ота-бола ана шу қишлоқдаги тегирмонга йўл олишган.

Йўлдош дарёдан ярим чақиримча беридаги қамишзор орасидаги сўқмоққа келганида эшакнинг юришини тезлатди. Назира сесканиб тушгандай бўлди. Кейин сергак тортди. Қопчиқ устига аввалгидан ҳам маҳкам-роқ ўрнашиб ўтирди.

Дарёда йўловчиларни қирғоқдан-қирғоққа олиб ўтиш учун паром юради. Дарёнинг икки қирғоғига ёғоч устунлар қоқилган. Ана шу устунларга қамчиннинг ўзигадай келадиган пулат сим тортилган. Паром шу симга «осилганча» буёқдан-уёққа ўтиб туради.

Қирғоқда ўрта бўйли, бурни ясси, кўзлари қисик Йўлдош турибди. Беозор ва ҳорғинлиги чағир кўзларидан шундоққина билиниб турар эди. Йўлдош маъюс кўзлари билан нариги қирғоқдан бу қирғоққа қараб кескин сузиб келаётган паромга термिलाди. Унинг термилишида илтижодан ўзга маъно йўқ. Дарёдан кўтарилаётган намхуш эпкин устидан каноп ип боғлаб олган эски чопонининг барини тиззасига олиб урмоқчи бўлади. Ёнида қорачагина, ялангоёқ қизи Назира. Унинг унча узун бўлмаган сочлари беўхшовгина ўриб қўйилган. Дарёнинг лойқа тўлқини ҳадеб устки лабини ялаган одамнинг тилидай қирғоққа тегиб қайтади. Кўпик бойлаб, шитоб билан оқиши уни янада қудратли қилиб кўрсатади.

Назира оламда бундай кенг дарё борлигини отасидан ва одамлардан эшитган. Лекин уни бирон марта кўрган эмас. Шунинг учун бўлса керак, дарё қарши-сида эсанкираб, ҳайиқиб турарди. Ориқ юзлари, гўштсиз қўлларини намхуш шамол ялаётганини сезарди.

— Қандай катта дарё, а!

Назиранинг ёнидаги қопчиқда уч пудча келадиган

макка. Ота-боланинг қошу-қовоқларига суртган бой-ликлари мана шу. Паром қирғоққа келиб, қум аралаш тупроққа тўхтади.

— Салом-алайкум, Йўлдош ота! — деди асли ялла-малик бўлган паромчи йигит, паромдан сакраб тушар-кан. У Йўлдошни бир неча йилдан бери танийди. Паромдан тегирмон томонга ўтиб турарди.

— Ваалайкум ассалом,— деди қадрдон бир қариндошини кўргандай Йўлдош. Улар қўл олишиб кўришдилар.

— Тегирмонгами, Йўлдош ота?

— Ҳа, бола-чақалар тишларининг кирини суриб ўтиришибди. Мана шу маккани уи қилиб қайтмоқчи эдим,— қопчиққа ишора қилди Йўлдош.

— Бу йил баҳор яхши келадиганга ўхшайди. Дарё-нинг шашти баланд,— деди бир дарёга, бир Йўлдошга қараганча паромчи.

— Илойим шундай бўлсин, эсон-омон пишиқчиликка етиб олайлик.— Бу қизингизми? — ўялиб, тортиниб турган Назирага қаради паромчи.

— Ҳа, йўлга бирга чиқдик. Тегирмонга бормоқчи бўлганимни билганида мени ҳам олиб кетинг, деб оёқ тираб туриб олди. Ёш-да, кўргиси келади.

— Жуда яхши-да, кўнгли ўсади.

Йўлдош паромчи йигит билан доннинг нарх-навоси ҳақида гаплашиб борарди. Назира мурғак хаёлларини батамом унутганича, паромни ўз «елкасида» олиб кетаётган дарёга тикилади, ўй суради: «Сув остида нима бор экан? Балиқларми? Агар бор бўлса, нега улар қўрқмай юришибди. Улар нима учун ерда юришмайди? Одамлар босиб олади деб ўйлашса керак, қўрқишса керак. Йўқ, қўрқманглар, одамлар сизни босиб олмайди. Балиқлар, сизларнинг ҳам менинг дадамга ўхшаган дадаларингиз борми? Агар дадангиз бўлса, менинг дадамдай яхшиларми? Йўқ, ҳаммасидан ўзимнинг дадам яхши. Мана улар мени ўзлари билан бирга олиб юрибдилар, атрофни маза қилиб томоша қиляпман. Сизлар бўлсангиз сувдан бошқа нарсани кўрмайсизлар. Қишда эса совуқ қотасиз. Мен бўлсам совуқ қотмайман. Дадам сандал қилиб берганлар».

Паром қирғоққа келиб тўхтаганида Йўлдош паромчига паром ҳақини узатди. Паромчи Йўлдош билан на-риги қирғоқда қандай илиқ учрашган бўлса, ўшандай илиқ хайрлашди.

— Бугун қайтасизми?

— Иложи борица тезроқ қайтаман.

— Яхши бориб келинг.

«Қандай яхши йигит, ҳақини оз ёки кўп бердинг деб танглайини тақиллатмайди»,— йўлда ўзига-ўзи гапириб қўйди Йўлдош.

Уларни қора мўйлови зулукка ухшаган тегирмончи қарши олди.

— Тегирмоннинг тоши ёрилган экан. Тошни алмаштирдик, ҳали бир оз иши бор. Кутиб турасиз...

Тегирмон пешиндан кейин гуриллаб-юрди. Гувалакдан қилинган эски, кўримсиз хона ларзага келди. Оз ўтмай хона илиқ макка унининг ёқимли исига тўлди.

Назира бир чеккада қотиб турарди, дам зарб билан беўхшов айланаётган тегирмон тошига, дам хампага қуйилаётган бир оз қизғишранг унга қарайди. Жуда қизиқ!

Қаҳатчиликнинг чархи қаттиқ айланган кунларда тегирмоннинг гарди ҳам кишининг кўзига ун бўлиб кўринарди. Бошқа кишининг навбати келгунча хампадаги унни қўллари билан тозалаб сидириб олди. Қари эшак яна йўлга тушди. Йўлдошни уйда болалари оч кутяпти. Тезроқ етиб бориши ва уларга макка унидан нон пишириши керак. Ҳадемай қоронғи тушади. Фарзандларининг оч ухлаши ота учун оғир. Бунинг устига уйнинг оҳанрабоси бор, дейдилар, доимо ўзига тортади.

— Маҳкамроқ утир, қизим!— ота эшакка миниб олган қизини огоҳлантириб, эшакнинг юришини тезлатди.

Индамай утирган Назиранинг хаёлида беўхшов, бесўнақай айланаётган тегирмон тоши. Катта тош, оғир тош.

— Тегирмон тоши қаттиқ-а, дадажон?!— суради қизалоқ.

— Ҳа, қаттиқ тош, қизим. Қаттиқ бўлмаса маккани ун қилармиди,— қизининг мурғак туйғуларини, авайлагандай жавоб қилди Йўлдош.

Ота-бола паромдан ўтганларида, лойқаланиб оқаётган дарё тасма тусига кираётгандай эди.

... Мана, борлиқ юзига шомнинг ўсмаранг пардаси ҳам тортилди. Қирғоқнинг қаеридадир гумбурлаб жар қулади. Дарё қалқиб кетгандай бўлди.

Йўлдош тўқай орасидаги сўқмоққа келганида яна эшакнинг юришини тезлатди. Тўқай орасидан ногоҳон шарпа эшитилди. Қамишлар сирли шитирлади. Нимадир Йўлдошнинг гирибонидан ғиппа бўққандай бўлди.

— Тўхта! — ўнг томондан эркак кишининг буйруқ оҳангидаги йўғон овози эшитилди. Йўлдош кундузи шу ердан ўтаётганида унинг юзида қўрқувга монанд ифода пайдо бўлган эди. У шуни ўйлади. Эҳтимол, ҳозир овози чиққан киши кундузи уни қўргандир. Балки, у Йўлдошнинг тегирмонга бораётганлигини билиб, маккани ун қилиб қайтишини кутгандир. Ёки бошқачамики!

«Тўхта!» деган овоз чап томондан ҳам эшитилди.

Бирор кўнгилсиз воқеа бўлишини сезган Йўлдошнинг юраги тез-тез ура бошлади.

Камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмайди. Йўлдош эшакни тўхтатди. Назирани эшак устидан кўтариб олиб, ерга қўйди. Оёқлари увишиб, қотиб қолган Назира қўрқувдан жовдираб, тек қотган отасига қаради. Эшак эса ҳеч нарса сезмагандай йўлда кетиб борарди.

Милтиқ ушлаган бир киши ўлжа излаган овчидай аланглаб, сўқмоққа чиқди. Унинг қоронғида унча билинмас, шафқатсиз, оч ва бежо кўзлари аввал Йўлдошга тушди, сўнг Назирага. Унинг чап қошида ёш гудакнинг кафтидай келадиган чандиғи бор экан. Буни Йўлдош олдига келганда базўр пайқади. Кучига ишонса керак, Йўлдошнинг олдига бир ўзи келди.

Тўқайдан чиққан иккинчи ўғри бир қулоқ эшакни қувиб етди. Унинг ортидан чиққан учинчи қароқчи эса эшак устидан унни олиб, қамишзор ичига кириб, ғойиб бўлди.

— Отиб ташлайми ё жонингни қайтиб берайми? — сўради Йўлдошнинг қорнига милтиқ тираган чандиқли ўғри.

Ўзидан кўра кўпроқ Назирани ўйлаган Йўлдош танглайига ёпишиб бораётган тилини базўр қимирлатди:

— Ихтиёрингиз. Лекин қизим қўрқаяпти. Норасида фарзанд қуръон билан тенг.

Ҳиссиз ва тилсиз Назира қаттиқ қўрққанидан отасига ёпишиб олган эди.

— Туя кўрдингми, йўқ, қабилида кетаверсанг, жонингни қайтиб бераман! — беомон зарда билан гапирди ўғри.

— Туя кўрганим йўқ, — болаларининг олдига эсон-омон етиб боришнигина ўйлаган Йўлдошнинг тилига бу дафъа шу калима келди.

Ўғри Йўлдошни яна бир бор огоҳлантирди.

— Агар оғзингдан гулласанг, тилингни кесиб ташлайман! Тополмайди деб ўйлама. Ерда юрсанг изингдан, осмонда юрсанг шарпангдан топаман.

— Қизим қўрқаяпти, раҳм қилинг.

Бу гаплар Назирага анча узоқдан эшитилаётгандай туюларди. Чандиқли қароқчи сўқмоқда узоқ туришнинг ҳожати йўқ, деб уйладими, узини қамишлар орасига урди. Қоши-қовоқларига суртган нарсасини қароқчига бой бериб қўйган ота-бола анча нари кетиб қолган эшакка етиб олиш ниятида қадамларини тезлатишди.

Йўлдош энди нима қилишини билмай ҳайрон эди. Ниҳоят миясига бир фикр келди. Бу гапларни ўзига-ўзи эшиттириб такрорлади:

— Кўзи оч, кўзидан ҳам ўзи оч, ноинсофлар! Лаънат сенларга!

Йўлдош уйига етиб келганида ҳамма хонадонларда аллақачон чироқ ёнган эди.

Оч болалари мултираб туришибди. Ҳамма дардини ичига ютган ота супрани қоқди. Муштдай хамир йўғирди. Нон пишириш керак.

Назира опаси Марҳамат билан синглиси Вазирага дарё, паром, тегирмон ва оч ўғрилар ҳақидаги таассуротларини гапирарди. Марҳамат билан Вазира унинг гапларини берилиб тингларди.

...Табиат инсонга энг ширин, энг лаззатли нарса — уйқуни бахш этган. Тонгнинг кўзи ёришганда Йўлдош ана шундай ширин ва лаззатли уйқудан нима учундир чарчаб, толиқиб уйғонди. Кўнглини ёзиш учун ташқарига чиқди. Тонгнинг отишини кутаётгандай шарқ уфқи-га термилди. Одамларга севинч ва ташвиш бахш этувчи баҳорнинг навбатдаги илиқ тонги отарди.

V

Баҳорнинг беланчаги бўлмиш март ойининг охирлари эди.

Ўринбой ариғининг кун чиқиш томонида ташкил топган «Ҳақиқат» колхози ўз атрофига ўн тўрт хонадонни бирлаштирганди. Тўқайзорлардан ер ажратиб олиш аждаҳо оғзидан ўт юлиб олишдай гап эди. Ўн тўрт хонадондан иборат деҳқонлар тўқайдан 150 гектар ер ажратиб олганлар. Улар бу йил илк маротаба ана шу ерга чигит уруғи қадайдилар. Колхозга одамлар билан бирга Йўлдош ҳам аъзо бўлиб кирган. У ҳам одамлар билан бирга далага чиқади. Мақсади қўли талгунча кетмон урмоқчи, оёғи толгунча қўш ҳайда-

моқчи. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув деганларидек, ахир оилада ҳаммаси бўлиб беш жон. Беш жонли рўзгорнинг қозони кунда бўлмаса ҳам кунора қайнаши керак-ку, ахир. Қозонни қайнамаган рўзгорга қуёшнинг чарақлаб нур сочгани, ойнинг тўлиб боққани фойдасиз.

Дала юмуши, рўзгор ташвиши Йўлдошнинг ўнгиридан бирдай «тутиб» олган.

Йўлдош қамиш ва қиёқлар орасидан ажратиб олинган ерда дўстлари билан кунбўйи қулочини чўзиб кетмои уради. Кечқурун уйда болалари орасида. Ҳовли супуради, қозон ювади, супра ёзади, нон пиширади, кул тўкади, ўтин йиғади...

Айниқса кенжатойи Абдуғофур анча инжиқ. Баъзан кечаси билан ўпкаси узилгудай йиғлаб чиқади. Онаизорининг маҳрини қўмсаса керак. Йўлдошнинг юраги эзилади.

Мана шундай йилларда тўрт фарзандини еганнинг оғзига, тутганнинг қўлига қаратмай ўстириш катта қаҳрамонлик эди. Лекин нима бўлса ҳам ота-да. Ота она ўрнини боса олармиди. Шундай бўлса ҳам Йўлдош фарзандлари учун ерга қозиқ бўлиб қоқилишга тайёр. Фақат улар ўсиб-улғайса, суяклари қотса, бас!

Кеч ётиб, эрта уйғонишга одатланиб қолган Йўлдош бугун ҳам эрта уйғонди. Ҳовли супурди, сўнг сигирни соғишга шошилди. Тошкентдан кўрпасини ортиб келган бу қора сигир Йўлдошга отасидан ягона мерос бўлиб қолганди. Онасиз болаларнинг оғзига малҳам, танига мадор бўлиб турган нарса шу жониворнинг тотли сути. Бўлмаса, ким билади дейсиз, болаларнинг ҳоли нима кечарди?

Сигир соғиб бўлгач Йўлдош энди сув олиб келиш зарурлигини ўйлади. Бу орада она сутига тўймай қолган Абдуғофур уйғониб қолди:

— Сувга кўтариб бора қолай, опаларини уйғотиб юбормасин! Йўлдош йиғлаётган ўғлини ана шундай хаёл билан опичлаб, эски бўз рўмол билан боғлаб олди, ишга уринса кенжатойини мана шундай қилиб белига боғлаб кўтариб оларди.

— Йиғлама қўзим, йиғлама! Ҳозир сув олиб келамиз, кейин сут ичасан, ором оласан, йиғлама, хўпми?

Йўлдош сопол кўзани қўлига олиб, Ўринбой ариғи томон кетди. Бир вақтлар Сирдарё уездида Ўринбой деган серсоқол киши мардикор ёллаб, юз-юз эллик гектар ерга пахта эктирган экан. Ана шунда у пахтани су-

гориш учун бу ариқни Кеназ ариғидан қазитиб келган. Шу боис ариқ Ўринбой номи билан аталади.

Йўлдош ариқ бўйида одамнинг оёқ босиши учун қилинган зиналарга эҳтиёткорлик билан қадам қўйди. Шу топда сув олгани Дўсмат келиб қолди. Аввал у Йўлдошнинг ҳаракатларини четдан кузатди, сўнг раҳми келдими, сўз қотди:

— Йўлдош, болани менга ечиб бер! Тагин сувга тушиб кетмасин.

Секин тўхтаган Йўлдош елкаси оша ортига қаради:

— Ҳа, йўқ! Ҳеч нарса қилмайди!

Дўсмат Йўлдошнинг тенгдоши. Асли Қўқондан. 1924 йили «Шўро ҳукумати батракларга Сирдарё бўйидан ер улашаётган эмиш», деган хабарни эшитгач, чойнак-пиёлани семиз чойхоначининг олдига «тақ» этказиб қўйиб, бу томонга йўл олган. Кўч-кўронини Ўринбой ариғининг ёқасида тушириб, уёқ-буёққа қараб, ҳайрон бўлиб турганда хотини: «Ана бизга ўхшаган яна биров келаяпти», деб бир эшакка кўрпа-тўшагини ортиб олган одамни кўрсатган эди. Ана шу киши — Йўлдош эди. Биринчи учрашув мусичадай беозор деҳқонларнинг кўнглини бир-бирига пайвандлаб юборди. Икковлари ёнма-ён қамиш қапа тикишди, туташ ерга тамақи, пахта ва қовун экишди.

Ўшанда Сирдарё бўйига келган батракларга олти гектар ер берилганди. Ерни ҳайдаш учун на ҳўкиз, на омоч, на бўйинтуруқ, бор. Йўлдош ва Дўсматга ўхшаган саккиз киши коммуна ташкил қилиб, ширкат билан шартнома тузишди. Сўнгра, 1928 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг вакили Яков Филиппович Горностаев (ҳозир Москвада, истеъфодаги генерал) раҳбарлигида колхоз туздилар. Қўрғошиндай огир кунларнинг икки вакили — Йўлдош ва Дўсмат шундан буён бирга.

Дўсмат юрагини ҳовучлаб, Йўлдошнинг ҳаракатини кузатди. Тиззалари қалтираган Йўлдошнинг шу топдаги аҳволи унинг юрагини эзиб юборди.

Йўлдош сувга тўлган кўзани тортганида сув сатҳи бирдан «шалоп» этиб кетди. Қўлидаги кўзани қўйиб юборди. Елкасидан ошиб, сувга тушиб кетган Абдуғофур бир кўмилиб, сўнг сув бетига чиқди. Йўлдош ўзини сувга ташлади. Ариқ бўйида нима қиларини билмай довдираб қолган Дўсмат зинадан пастга шошиб туша бошлади. Сувга бир чукиб чиққан Абдуғофурни қўл-

тиқлаганча энгашиб, ариқ зинасидан чиқиб келаётган Йўлдошга қўлини тутди:

— Болани менга ечиб бер, демовдимми?

— Бушроқ бойлаган эканман, шекилли.

Абдуғофур юзлари кўкариб, қақшаб йиғларди.

— Ичига сув кетгандир, бошини пастга қил!

Йўлдош боланинг бошини ерга энкайтирди. Оғзи-
бурнидан бир ҳовучча сув тушди.

— Худонинг ўзи асради!

Дўсмат кўзасини ариқ бўйида қолдириб, кийим-бо-
шидан сув силқиб оқаётган Йўлдошнинг ортидан эр-
гашди. Дўсмат шу вақтгача Йўлдошни бу қадар ғариб
аҳволда кўрмаган эди.

— Аёлсиз уй хароб, деганлар. Бирор беванинг эта-
гини тутсанг бўларди, Йўлдош,— сўз қотди Дўсмат.

— Беш боланинг устига ким ҳам хотин бўлиб тегар-
ди. (Йўлдошнинг катта ўғли Абдуқодир Тошкентдаги
укасиникида турарди),— бепарвогина жавоб қилди у.

— Болаларни суйиб, тарайдиган аёл бўлса жонинг-
га аро кирармиди, дейман.

— Осойишта ўтирган беванинг тинчини бузиб нима
қиламан. Қийнаётгани фақат шу кенжаси. Қолганлари
ҳадемай қўлтиғимга кириб қолишади.

Йўлдош ўғлини ечинтириб, кўрпага ўради. Дўсмат
ўчоққа ўт ёқди. Чўлнинг қуруқ супургиси арчадай чарс-
чарс этиб ёнарди. Ўтга юзини тоблаб, ўчоққа яқинроқ
ўтирган Йўлдошнинг кийим-бошидан буғ кўтарилди.

— Бирор беванинг этагини тутгин, Йўлдош,— олов-
дан кўз узмай, яна гапини давом эттирди Дўсмат.

Йўлдош ўлим олдида ётган хотинига айтган гап-
ларини эслади.

— Йўқ, болаларимга бегона аёлнинг миннатини ра-
во кўрмайман,— бу унинг қатъий сўзи эди.

Ўчоқда эса чўлнинг қуруқ супургиси ҳамон арча-
дай чарсиллаб ёнарди.

VI

Бугун қуёш тиниқ осмонда равшан чарақлади.

Марҳамат Вазирани эргаштириб, ўтин тергани кет-
ган. Ҳовлига тушадган эски шолча устида Назира ука-
си Абдуғофурни овутиб ўтирарди. Абдуғофурнинг қўли-
да бир бурда зоғора нон.

— Ушатмай егин, Абдуғофуржон,— куйинчоқлик би-
лан гапирарди Назира.

Абдуғофур ҳамон бепарволик билан нон чайнар, еганидан ушатгани кўп.

Шолча устида қора оч чумолилар пайдо бўлди. Улар борган сари кўпайишарди. Абдуғофур бирдан чинқириб йиғлади. Майин лунжлари, қотмаган тишлари орасидан ҳали ютиб улгурмаган нон увоғи кўриниб кетди.

— Чумоли чақдими? Қуриб кетсин, булар!— Назира энди айиқ боласидай лапанглаб юрадиган Абдуғофурни уйга етаклади. Нон увоғи сочилган шолча устида чумолилар байрами бошланди.

Уйда кўкиш ва сарғиш бўёқлари учиб кетган сандиққа эндигина калит солган Йўлдош Назирага юзланди:

— Нима қилди?

— Чумоли чақди.

Йўлдош Абдуғофурни бағрига олди. «Онаси бўлганда чумолига чақтириб қўймасди». Негадир, хаёлига шу фикр келди Йўлдошнинг. Балки боласига бағри эзилиб кетгандир. Балки умр йўлдошининг ёрқин хотирасини хаёлида жонлантиргандир.

Абдуғофур учун ота бағридан илиқ жаҳон йўқ. Тинчиди қолди. Бир донишманд: «Бир аёл ўрнини юз эркак босолмайди», деган экан. Эҳтимол донишманд ҳақдир. Лекин мана шу тоғда Йўлдошнинг қисиқ кўзларида фарзандига нисбатан ҳар қандай аёл зоти тан берадиган даражада меҳрибонлик учқунлари порлаб турарди.

Йўлдошнинг Зайнабга бўлган муҳаббати уни олижаноб, бардошли қилган, фарзандларига бўлган ҳурмати эса меҳрибон, садоқатли падарга айлантирган эди. Оилада ҳам ота, ҳам онанинг беминнат бурчини сабот билан ўташида қувватни ана шу хислатларидан оларди.

Йўлдош сандиққа солган калитини буради. Сандиқдан ярим метр қалами бўз олди. Кейин икки уй нарида турадиган Иззатхон бувиникига ўтди.

Қўл тегирмонида макка майдалаётган Иззат буви Йўлдошни кўргач, этагини қоқиб, ўрнидан турди. Забони ширин Иззатхон буви ҳамманинг исмига жон сўзини қўшиб айтади:

— Кел, Йўлдошжон!

— Айбга буюрмасангиз, бир хизмат билан келган эдим.

— Қўлимдан келса, жоним билан, Йўлдошжон.

Йўлдош бувига қўлидаги янги бўзни кўрсатди,

— Эртага Назира мактабга боради. Шу бўзни китоб соладиган жилд қилиб, тикиб берсангиз.

— Майли, тикиб бераман, Йўлдошжон. Худога минг қатла шукурки, игна-ип ишига ҳали кўзим ўтади. Назиражон ўқиб, илмли бўлганда, Иззатхон бувим китобларимга халта тикиб берган эдилар, деб, эслаб юрсин!

— Илоҳим айтганингиз келсин.

Иззатхон буви Йўлдошнинг қўлидан бўзни олди. Йўлдош уйига қайтганида, Марҳамат ўтин териб қайтиб келган экан. Ўчоқ бошида бир қучоқ чўл супургиси турарди.

— Марҳамат, ҳо Марҳамат!

— Нима дейсиз, дадажон, қиз ошхонадан югуриб чиқди.

— Назира қани?

— Уйда.

— Олдимга келсин, айт!

Йўлдош қизларига савол берди:

— Эртага қандай кун, ким айтиб беради?

— Мен айтиб бераман, эртага биринчи сентябрь!— Марҳаматдан олдин жавоб қилди Назира.

— Балли, қизим! Сен ҳам эртага мактабга борасан. Шунин биласанми?

— Йўқ, дадажон, мен мактабга бормаيمان, Абдуғофурга қарайман, сизга ёрдам қиламан.

Руҳияти бирдан ўзгарган ота жиддийроқ қиёфага кирди:

— Абдуғофур катта бўлиб қолди, унга ўзим қарайман. Сен менга ёрдам қиламан десанг, ўқигин.

— Марҳамат опам ўқисалар етарли-да.

— Фақат Марҳамат опанг эмас, ҳаммаларинг ўқишларинг лозим. Қеча муаллим Олимжонга: «Назира ўқишга боради», дедим. Ҳозир сув иситинглар, бошларингни юваман.

Назира лом-мим демай кўзини отасидан олиб қочди. Ҳамма нарсаси равшан. Сувни иситиш керак. Отанинг раъйига қарши бориш одобдан эмас.

Йўлдош Марҳамат билан Назиранинг бошларига қатиқ суртди, сўнг ювиб қўйди.

Эрталаб ота Иззатхон буви тикиб берган бўз халтани Назирага кўрсатди.

— Мана, Иззатхон бувинг китобларингни соладиган халта тикиб бердилар. Сандиқда китоб, дафтар, қалам бор, ҳозир уларни халтага солиб бераман.

Дадасининг бу пинҳоний ишларидан хабарсиз На-

зиранинг кўнгли қувончга тўлди. Қандай ажойиб, меҳрибон дадаси бор унинг.

Бу йил Марҳамат иккинчида ўқийди. Назира эса биринчи синфга боради.

Опа-сингил мактабга элтадиган суқмоқдан боришарди. Ота бўлса икки қизининг ортидан бутун оламини, ҳатто дунёда ўзининг борлигини ҳам унутиб қараб турарди. Шу топда унинг кўзларида гўё қизларининг энг порлоқ, энг ардоқли келажаги порлаб тургандай эди. Шу аснода у қайта туғилиб, қайта яшариб кетаётгандай, кўзининг оқу-қоралари, ширин-шарбатлари, орзу-умидлари булган қизларининг ёрқин истиқболларини кўраётгандай эди бу оқкўнгил одам.

Орадан қанча вақт ўтди, бунини Йўлдош яхши билмади. Аммо, ҳозир ёғоч келида макка туяётганини яхши ҳис этар, бутун чарчоғини унутиб, кучга тўлган йигитдай, кели сопини чаққон кўтариб ташлар эди. Унга қувват бағишлаганлар — бугун ўқиб қайтишади. Бугун уларнинг қорнини гўжа ош билан тўйғизмоқчи. Шунинг учун ҳам у шашт билан кели туйяпти. Бугун унинг шундан бошқа ташвиши йўқ.

Назирани мактаб эшиги олдида муаллим Олимжон Зейнуров очиқ чеҳра билан кутиб олди. Назиранинг қўлидан етаклаб, хонага олиб кирди. «Қандай яхши одамлар бор-а», кўнглидан утказди Назира.

Полли хона, бўёқсиз парталар. Назира олдинги парталардан бирига Холмат аканинг қизи Хосият билан ёнма-ён ўтирди. Опаси Марҳамат бошқа синфга равона бўлди.

Назира учун бу ерда ҳамма нарса — муаллим Олимжон Зейнуровдан тортиб, сомон лой билан қалин қилиб сувалган баланд хона, парта, доска, ўн томондаги, иккита деразагача яп-янги. Гўё бу янги нарсалар Назирани шошириб, толиқтириб қўяётгандай эди.

Партага ярим ҳадик билан ўтирган Назира киприк қоқмай, муаллимга қаради. Олимжон Зейнуров мактаб остонасига илк бор қадам қўйган болаларга бир-бир кўз югуртириб чиқди. Сўнг майинлик билан сўз бошлади:

— Сизлар янги — озод замоннинг болаларисиз. Бундай замонни бизга бобомиз Ленин берган. Яна у бизга мактабни, китобни берди. Бу замон болалари ўқиб, билимли бўлишсин, деди.

Олимжон Зейнуров китобдан болаларга доҳий Лениннинг расмини кўрсатди. Ҳамма майин табассум би-

лан қараб турган расмга тикилди. Болалар юрагига улуғ инсоннинг сиймоси кўчди, тиниқ юзларида халқлар отасига, болаларнинг бобосига бўлган ҳурматнинг ёқимли шуъласи порлади.

Муаллим доҳийнинг расмини кўрсатганича сўзида давом этди:

— Сизлар бобомиз Лениннинг набираларисиз. Ленин набиралари яхши ўқийдилар, мактабда ҳам, уйда ҳам одобли, интизомли бўладилар. Муаллим айтган сўзларини ҳамиша бажаришга одатланадилар.

Муаллимнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаётган Назира, уларни ёдида сақлаб қолишга тиришарди. Пойдевори пишиқ, девори хом ғиштдан қурилган бу беш хонали мактаб биноси илгари Сирдарё уездига донғи кетган Нурилла бойнинг уйи эди. Нурилла қулоқ қилингандан кейин мактабга айлантирилганди.

Биринчи кунги дарс ниҳоясига етди.

Назира билан Марҳамат торгина сўқмоқдан келиш-япти. Ўқишнинг биринчи куни, биринчи ҳавас, бири-ичи умид... Қанчалар завқли.

— Яхши ўқиб қайтдиларингми? — умид ва орзуларга тўлганча қучоғини очди ота.

— Раҳмат, дадажон, яхши ўқиб қайтдик,— отанинг иссиқ бағрига отилди опа-сингил.

Мана, улар уйда. Ота энг яқин меҳмонларини қарши олаётгандай бесаранжом.

— Сиз ҳам ўқиганмисиз, дада? — сўради Назира.

— Бизнинг давримизда фақат бойларнинг болалари ўқир эди, қизим. Камбағалларнинг боласига мактаблар эшиги ёпиқ бўлган.

Назира дадасининг ўқимаганини эндигина билди.

...Жигарбандлари гўжа ошга тўйди. Қорачагина қизларининг юзларидаги севинч янада ёқимли нурланди. Ҳовли аёлсиз қолгандан буён ота фарзандлари билан мўъжазгина хонани тўлдириб, бугунгидай қувонмаган, яйрамаган эди. Оила кўнгилхушлигидан ҳам катта давлат борми, дунёда?!

VII

Орадан ҳаяжонга, севинчга, ҳасратга тўлган йиллар ўтди. Гулдан нозик, тошдан қаттиқ одам боласига она табиат кўникма ва бардош деб аталган ажойиб хислат берган. У баъзан оромбахш туйғуларнинг ёқимли нашла-сидан ҳузур-ҳаловатга тўлади. Кўнгилнинг бир четида умид шуъласи порлайди, кўзларида қадрдон бир

нур табассум қилади. Бундай дамларда у фақат севи-
нади, бир бор берилган ҳаётни ва унда яйраб-яшнаш-
ни ўйлайди.

Севинч ва ғам ёнма-ён юради, дейдилар. Инсон се-
винчга ҳам, ғамга ҳам кўникади. Зотан, Йўлдош бах-
тининг уфқи кунлар ўтган сари ғуборлардан холи бў-
либ, олтинланиб бораётган эди. Қизлари мактабга бор-
япти. Қенжатойи Абдуғофурнинг тили чиқиб қолди,
«дада» дейди. Ҳовлини тўлдириб юради. Болалар шод-
лигидан, меҳнат гаштидан бошқа қандай бахт бор олам-
да Йўлдош учун.

Бу йил баҳор эрта келди. Йўлдош қиш бўйи елка-
сидан ташламаган эски пўстинини эғнидан ечди.

Шу йил баҳор қишлоқдагилар янги бир гап билан
нафас олишди: «Колхозга трактор келармиш, энди ер-
ни трактор ҳайдармиш. Яшасин, деҳқонларга омон, ҳў-
қиз ва трактор берган ҳукуматимиз!»

Бу янгилик Йўлдошнинг танига ҳам ажиб бир илиқ-
ликни, руҳий бир тетикликни олиб кирди.

...Қиёқзор, қамишзорлар орасидан дўппайиб кўри-
ниб турган уйларда ҳеч ким қолмади. Ҳамма — каттаю
кичик далага — «пулат ҳўкиз» томошасига чиққан.
«ХТЗ» қишлоққа улкан тошбақадай ўрмалаб кириб
келди. Одамлар трактор томон чопишди. Улар бир зум-
да тракторни ўраб олишди. Кубанлик йигит Иван Яков-
лев тракторни тўхтатди. Ҳамма ҳаяжонланар, трактор-
чи йигит ҳам севинч оғушида. Бир-бирларига шодланиб
гапиришади:

— Мана бу бошқа гап!

— Қойил-э!

— Ишлаб чиқарганга, раҳмат!

— Ҳайдаб келганга, балли!

— Отасининг ўғли экан.

— Бир ўзи бир неча ҳўкизнинг ишини бажарармиш.

— Фирқаларга раҳмат!

— Инқилобга раҳмат!

Бу гаплар Назиранинг қулоғига гоҳ узоқдан, гоҳ
яқиндан эшитилгандай бўларди. У ҳозир уч-тўрт йил-
дан кейин мана шу тракторга сув ташиб беришини хаё-
лига қандай келтирсин?

Иван Яковлев тракторни қишлоқ оралатиб, дала то-
мон ҳайдади. Кимдир унинг олдига тушиб, қўлларини
кўтариб қичқиради, кимдир унинг ёнидан қоқилиб, су-
рилиб чопади, кимдир ортидан белбоғини байроқ қи-
либ, ҳилпирашиб одим ташлайди...

Асрлар давомида ғафлат уйқусида ётган ерларда социализм деҳқонларга берган биринчи мукофот — «ХТЗ»нинг овози янгради. Ҳайдалган ерларда найзадай қиёқнинг илдизлари олмосдай ялтираб қола бошлади.

— Мана буни кучли ҳўкиз, дейдилар.

— Яков ўғли Иван яшасин!

Кишилар шу куни кечқурун қувончларини ичларига сиғдиролмай уйга қайтдилар. Бу воқеа кўз олдиларида эмас, гўё тушларида рўй бергандай, тез-тез ортларига қараб қўйишарди.

«Ҳақиқат» колхозининг далаларида тракторнинг овози кечаси ҳам алламаҳалгача эшитилиб турди.

Назира шу куни узоқ ухлолмай ётди. Хаёлан у «ХТЗ»ни ураб олиб, ёш болаларга ўхшаб қувонишган одамлар орасида юргандай эди.

Тонг отди. Яна олам кўзга нурли кўринди.

VIII

Сирдарё ўзининг ҳузурбахш мавжларида баҳор нафасини ортмоқлаб оқади. Момо ердан қайнаётган қозон ҳовуридай енгил буғ кўтарилади. Кечаги майин ёмғирдан кейин қиёқлар, қамишлар, бурганлар, қаламиқлар, жилғиллар ҳовучида қолган олмос томчилар нурлар тароғининг таъсиридан ипак толасидай енгил ҳовурга айланади.

Кўклам танбаллик ва худбинликдан тамоман холи бўлган ёшлик туйғуларини далалар бағрига чорлайди. Бундай пайтларда қайси ёш уй бурчагига биқиниб олади, дейсиз!

Назира дугоналари Хосият, Зебинисо, Холидалар билан Ўринбой ариғининг ёқасига чиқишди. Улар ҳар баҳорни шу ариқ ёқасида кутиб олишади. Гўё кўклам бутун оламга мана шу Ўринбой ариғининг шабадалари билан ёйилади. Улар бу ердан қоқигул теришади, осуда хаёлларга ғарқ бўлишади. Кўклам билан орзулари орасига майин ип тортилгандай бўлади.

— Мактабни битирсанг, Тошкентга ўқишга бора-санми, Назира? — сўради Хосият.

— Албатта бораман, агрономликка ўқийман. Дадам агроном бўласан деганлар. Агроном бўлсам, кенг дала, кўркам баҳор, хушбўй гуллар ҳамиша мен билан бирга бўлади, — жавоб қилди қиз.

— Ўзинг ким бўлмоқчисан? — сўради энди Хосиятдан Холида.

— Мен санъаткор бўламан, меҳнат мадҳини куй-

лайман. Бутун вужудим билан куйлайман. Бу куйда дала ва баҳор нафаси камалак рангидай товланади.

— Овозинг у қадар ёқимли эмас, қўзининг маърашига ўхшайди.

— Бекор айтибсан. Ойимлар, овозинг қўнғироқдай жарангли, деганлар.

Енгил кулги кўтарилди. Ҳазил-мутойибага айланган суҳбат давом этди. Зотан, ёшлик онлари кўклам, кулгу, ҳазил-мутойибалар билан гўзал.

Ариқ бўйида дугоналар шўх ўйнаб кулишади. Аммо шу он бирдан осмонни булут қоплади. Момақалди роқ гулдуради. Қуюқ булутларни чақмоқ қайчилаб ўтди. Қизлар бир сесканиб тушишди. Айниқса Зебинисонинг ранги оқариб кетди. У момақалди роқдан қўрққанга ўхшайди. Яшин урган одамлар ҳақида кўп эшитган, шекилли. Ҳамма бир-бирига «энди нима бўлар экан», деган маънода қаради. Шу лаҳзада қишлоқ томондан Иззатхон бувининг овози эшитилди:

— Назиражон қизим, қаёқдасан, тезроқ кел!— Унинг овозида титроққа ўхшаш изтироб оҳанги сезилиб турарди. Назира олдиниға шошиб қолди. Кейин кучининг бориға қишлоққа қараб чопди. Дугоналари ойналари синиб, ўсмалари тўкилган қизлардай хижолатда қолишди. Сўнг қандайдир ички бир энтикиш уларни чопқиллаб кетган Назиранинг ортидан эргаштирди. Боягина қизлар шодлиғига гувоҳ бўлган ариқ ёқаси эгасиз уйдаи ҳувиллаб қолди.

— Бирор фалокат рўй берган бўлса керак,— энтикиб бораётган Назиранинг хаёлиға бундан бошқа фикр келмасди.

Кунлар илиб қолган бўлса-да, Назираларнинг уйдан сандал олилмаганди. Отаси бўз кўрпа ёпилган сандалда бетоб чўзилиб ётарди. Кўкрагининг чап томонини санчиб оғрир эди. Иззатхон буви жон билан олишаётган Йўлдошнинг кўнглиға тасалли берарди.

— Дард ҳам шамолдай ўткинчи нарса. Кўп ўтмай оёққа туриб кетасиз, иним!

— Сизға нима бўлди, дадажон?!

Назиранинг саволиға Иззатхон буви жавоб берди:

— Бирдан тоблари қочиб қолди, дадажонингнн.

Дадасининг бош томонига келиб, энгашиб ўтирган Назиранинг кўнглиға турли хаёллар келарди. Кафтини дадасининг манглайига босди, юз ва кўзларини силди. Гўё у ҳозир дадасидан ажраб қолаётгандай титрарди.

— Мен сизни ҳеч кимга бермайман, дадажон! — ички дард билан сўзлади Назира. — Сизсиз ҳолимиз нима кечади?

— Тиш берган худо ризқ ҳам беради. Хафя бўлмаглар, ҳарқалай катта бўлиб қолдинглар, — деди ота аиф оҳангда.

— Йўқ, сизни ҳеч кимга бермаймиз!

...Назира совиб қолган сандалга чўғ келтириш учун ўрнидан турди. Лекин ота Назиранинг ошхонага ўтишини истамади шекилли, «ўтир, Назиражон», — деди лаблари титраб.

— Нима дейсиз, дадажон? — қайтиб жойинга ўтирди Назира.

— Аканг Абдуқодирни кўролмайманми, дейман (Абдуқодир ҳарбий хизматда эди), унга айтадиган гапим бор эди.

Иззатхон бувининг назарида отанинг юраги охириги куч билан урарди.

— Назиражоннинг ўзига айтаверинг, яхши ўғил ўрнини босадиган қиз, — деди пиёладаги чойни пуфлаб совитаётган Иззатхон буви.

— Назиражон! — ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди ота. — Сендан умидим катта. Сен чўлда чироғимни ёқасан.

Бу Йўлдош отанинг ҳаёт билан видолашиш олдида ун тўрт ёшли қизига айтган сўнгги сўзи эди.

Отанинг кўзи мангуга юмилди.

Ташқарида момақалдиروқ гулдуради. Онасиз ўсган, сергаклик ва пишиқлик ёш қалбида одат тусини олган Назиранинг юраги узилиб кетгандай бўлди. Додлаб йиғлади. Ташқарида жала аралаш ёмғир қуярди.

Бу орада сигирини етаклаб Марҳамат билан Вазира келишди. Отадан айрилган қизларнинг нола-фигони торгина уйни ларзага келтирди. Ҳовлига бир зумда қишлоқнинг катта-кичиги тўпланди.

Иззатхон буви, Холбуви хола Назира билан Марҳаматнинг қўлтиғидан ушлаб, бағриларига босганча тасалли бериб юпатишарди.

...Фарзандлар биринчи мартаба тонгни отасиз қарши олдилар. «Сендан умидим катта. Сен чўлда чироғимни ёқасан», Йўлдош отанинг ўлим олдидан айтган мана шу гапи Назира дилига тасалли берувчи бир васиятдай жаранглаб қолди.

Йўлдош ота фарзандлари ғамини ўз ғами деб билган меҳри дарё Иззатхон буви эски бир қўшиқни ҳар замон-ҳар замонда ўзича такрорларди. — Эҳтимол бу

қўшиқ Иззатхон бувининг ҳам аччиқ қисматига дахлдордир:

Ҳасратларим айтсам, дўстлар,
Сочимдан ҳам зиёда.
Кўзим боғлиқ, ғамим отлиқ,
Кетолмайман пиёда.

Дунёда яхши одамлар кўп. Дардингни ҳам, севинчингни ҳам баҳам кўрадилар. Йўлдош отанинг энг яқин қадрдони Дўснат ва унга ҳамдард қўшни бўлган Иззатхон бувилар деярли ҳар куни отасиз болаларнинг олди-га келиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришарди.

Тақдирнинг аччиқ қисматидан баъзан қочиб қутулолмайсан; осмон йироқ — ер қаттиқ. Энди рўзгорнинг зил тоши ўн олти ёшли Марҳаматнинг елкасида турарди.

Бир куни Марҳамат Назирага юзланди:

— Назира, мен ўқишни ташлайман, сизларни боқиш учун ишлашим керак. Хонадонда қозон қайнаши керак. Эртадан бошлаб далага чиқаман.

— Мен ҳам далага чиқаман, — жавоб берди Назира.

— Дала ишлари менинг елкамга, ўқиш эса сенинг зиммангга! — Марҳамат суҳбатга яқун ясагандай бўлди.

...Далага элтадиган торгина сўқмоқда рўзгор бешигини тебратмоқчи бўлган Марҳамат борарди. Яқиндагина бу йўлдан унинг отаси юрмаганмиди? Эҳтимол, бу йўлда унинг табаррук излари қолгандир. Марҳаматнинг кўзлари ота изларини излайди.

Аёлсиз ва эркаксиз қолган уйдан ҳар куни тонгда икки қиз икки томонга — бири далага, бири мактабга йўл оларди. Кунлар ва тунлар эса ҳар куни узайиб кетаётгандай туюларди.

IX

Ота вафотидан кейин етти ой ўтди. Олтин кузнинг ташвишли онлари келиб, ҳаммани «ҳа, бўл!» дегандай қистайди. Марҳамат эгатлар орасига энгашиб пахта теради. Чаноқларга қўниб олган олтин толалар унинг оромини ўғирлаган. Тўрғай сайрамасдан туриб, зумрад далаларнинг орасига сингиб кетади. Дадажонининг манглай тери тўкилган жонажон далалар жисмига жон бағишлайди. Ундан сал нарида пахта тераётган онахонлар бир-бирларига кўз қирин ташлаб, шивирлашади. «Қулишлари, очиқлиги, ишчанлиги худди онасининг

ўзгинаси. Қобиллигини айтмайсизми! Раҳматли отаси тарбияни хўб ўрнига қўйган экан-да. Уч укасини мактабда ўқитаяпти, валломат қиз. Келин қилган қайнонанинг жони роҳатда бўлади-да».

Бундай мақтов гаплар ўқтин-ўқтин Марҳаматининг қулогига чалиниб қоларди. Лекин у бунга эътибор бермас, бутун иқтидорини меҳнатга ва укажонларининг ўсиб-улғайишига қаратган эди. Отасининг вафоти ҳақида акасига хат ёзди. Унинг жавоб хатини олганда узини анча дадил сезд.

Туғри, Марҳамат онасига жуда ўхшаб кетарди. Лекин у меҳнатга, укажонларига бўлган муҳаббатни ота-жонидан ўрганган эди.

Завқли меҳнат, гаштли ҳаракат Марҳаматнинг чиройига чирой, қуватига-қувват қўшиб юбораётганлигини ўзи ҳис этмасди.

Назиранинг еттинчи синфда ўқиётганлигига эндигина бир ойдан ошди. Тушгача мактабда, тушдан кейин далага боради, Марҳаматнинг ёнида пахта теради...

Район комсомол ячейкасининг секретари Сиддиқ Усмонов Назиранинг қўлини маҳкам қисиб, унга комсомол билетини топширар экан, эҳтирос билан таъкидлади:

— Доимо юрагингиз устида асранг. Доимо Ленин васиятларига содиқ фарзанд бўлишга ҳаракат қилинг. Партиянинг жанговар ёрдамчиси эканлигингизни унутманг!

Комсомол билетини қўлига олган Назиранинг юрагида ички бир ёлқин, ички бир аланга ловиллагандай бўлди. Самода эркин қушдай парвоз этгиси келди. Ўйга келгач, комсомол билетигаги расмига қайта-қайта термилди. Кейин, комсомол билетини опажонига кўрсатгани далага йўл олди. Севинчига опаси Марҳаматни ҳам шерик қилмоқчи эди.

Куз қуёши йўлда шодлиги танасига сиғмай бораётган комсомол қиз Назирага жуда яқиндан — олтин попукли қамишлар бошида туриб нур сочаётгандай эди...

Х

...Фашистлар юртимизга бостириб кирди. Мард, жасур йигитларимиз Ватан ҳимоясига отланди. «Ҳақиқат» колхозининг кекса ва ёшлари район ҳарбий комиссариатига тўпланишган. Тўпланганлар орасида Йўлдошнинг дўсти Дўснат бобо ҳам бор. Дўснат бобо жангга ўғли

Ботирни кузатмоқчи. Назира билан Марҳамат бобога эргашиб келишган. Бобонинг кенг елкали, қора соч, доимо оғзини тўлдириб гапирадиган ўғли Ботирни Дўс-мат бобо билан биргаликда кузатишмоқчи. Йўлдош билан Дўсматнинг мустаҳкам дўстлиги фарзандларининг орасига ҳам дўстлик ипларини тортган эди. Назира билан Марҳамат Дўсмат бобога қиз, ўғли Ботирга сингил тутинишган. Ўз навбатида ота-бола ҳам, опа-сингиллар ҳам буни ич-ичларидан ҳис этишади. Ахир бир туғишгандан, бир топишгандан, деганлар-ку.

Назира умрида ҳеч қачон одамларни бунчалик ғамли ҳолда кўрган эмас. Бу ерда қўшни колхоздан келганлар ҳам бор. Баъзиларининг кўзлари уйқусизликдан қизариб кетган, баъзилар нима ҳақдадир куйиниб гапирди, баъзилар сукут сақлайди. Комиссариат олдида тўпланганлар азиз фарзандлари билан бўладиган хайрлашиш дамларини ана шундай ҳолда кутиб олмоқда эдилар.

Бир замон комиссариатдан юлдузли погон таққан, узун бўйли, ингичка бурун, қотмадан келган, қирқ беш ёшлар чамасидаги бир рус кишиси чиқди. У одамларнинг кўзига журъатли ва шиддатли бўлиб кўринди. Жарангдор овоз билан йигитларнинг сафга тизилиши зарурлигини айтди. Ҳамма кутилмагандаги зилзила зарбидан бир қалқиб тушгандай бўлди. Ота ва оналар, келин ва сингиллар, ака ва укалари билан хайрлашиш они яқин қолганига ишондилар шекилли, ҳамма ҳушёр тортди. Кимдир бола кўтариб турган келинчакнинг бағрига ташланди, кимдир онасининг пешонасини қайта-қайта ўпди, яна кимдир отасининг елкасидан қучди.

Дўсмат бобо билан бирга одамлардан бир чеккада турган Назиранинг боши айланиб, кўз олди қоронғиллашиб кетгандай бўлди. Кўпни кўрган ота қўлини пахса қилиб гапирди:

— Хону-монингга ўт кетсин, лаънати Гитлер!

Сочи оппоқ бир она қарғанди:

— Худоё ўз қонингга ўзинг бўялиб ўлгин, қонхўр!

Ёш бир келинчак нола қиларди:

— Кўзимнинг ёшини оқизганинг учун кўзларинг кўр бўлсин, душман!

Юз эллик чоғли йигитлар халта-қопчиқларини елкаларига ташлаб, сафга тизилишди.

Бу орада Ховос томондан келган поезд вокзалда қичқирганича «энтикиб» тўхтади.

Ўша юлдузли погон таққан кишининг буйруғидан

кейин йигитлар вокзал томон юришди. Одамлар куч билан қирғоққа интилган тўлқиндай йигитлар ортидан эргашишди.

Вокзалда ҳарбий кийим кийган, хушсурат бир ўзбек йигити бўлажак жангчиларга қарата:

— Уртоқлар,— деди,— ёвуз Гитлернинг каллакесарлари жонажон Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирди. Душман қадами етган ерга ўт қўймоқда, одамларни асир қилиб олиб кетмоқда. Кишиларимиз тарихида инсон бошига тушмаган азобларни бошдан кечирмоқда. Сизлар муқаддас тупроғимизни фашист гандаларидан тозалаш учун жангга бораяпсизлар! Ватан учун, озодлик учун бўладиган шиддатли жангда сизларга фақат ва фақат ғалаба ёр бўлсин, дейман...

Поездга чиқишга буйруқ берилди. Яна хайрлашини, ўпишиш, қучоқлашиш, кўз ёшлари...

Дўсрат бобо ўғли Ботирни бағрига босди:

— Бошинг тошдан бўлсин болам! Хат ёзиб тургин!

— Насиб бўлса юз кўришармиз, отажон!

Ота билан хайрлашган Ботир Назира билан Марҳаматга юзланди:

— Яхши қолинглар, сингилларим!

— Ой бориб, омон қайтинг, Ботиржон ака!

Поезд зарб билан устма-уст қичқирди. Кўкка қуюқ, қора тутун ўрмалади. Филдираклар ўрнидан секин қўзғалди.

Поезд кўздан йўқолгач, одамлар бирин-кетин тарқала бошлади. Назиранинг армиядаги акаси Абдуқодирнинг ҳоли не кечди экан? Эҳтимол, поездда кетаётган йигитлар акаси билан юз кўришар. Шунда Назира акасига хат ёзиш зарурлигини ўйлаб қўйди.

* * *

Мактаб хонасига ёзги таътилдан кейин келган ўн беш нафар ўғил ва олти нафар қиз муаллимни кутиб ўтиришарди. Олимжон Зайнуров синфга кириб келганда ҳамма унинг ҳурмати учун ўринларидан туришди. Унинг елкалари бир оз чўккандай эди, томирлари бўртиб турган қўлларида на журнал, на китоб бор. Доим меҳрибончилик учқунлари порлаб турадиган кўзларига нохуш бир ташвиш соя ташлагандай эди. Лекин у буни ўқувчиларга сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— Салом, болалар! — деди у ниҳоят толиққан одамдай.

— Салом!

Балоғат остонасида турган ёшларнинг таниш ва жангдор овозидан руҳий мадад олган муаллим хийла тетиклашгандай бўлди. Олимжон Зейнуров Ўзбекистонга ёшлигидаёқ Қозон шаҳридан келган.

— Ўқишни бошлаймизми? — сўради муаллим.

— Албатта, бошлаймиз,— жавоб қилишди болалар бирин-кетин.

Олимжон Зейнуров жимлик ҳукм сурган хонадаги болаларга бирма-бир назар ташлади: «Ўқишга ташна болалар булар». Яна бир муддат жойида хаёлга толди. Сўнгра пастки лабини «эсиз» деган маънода қимтиди. Ранги оқарди, кўзларида ёш қалқиди. Ўқувчилар дили вайрон бўлиб кетган муаллимга қараб, ҳайрон бўлиб туришарди.

— Афсуски, ўқишни бошлолмаймиз,— ички бир дард билан дилидагини очик гапирди муаллим.

Ўқувчилар ҳеч нарсага тушунолмаб ҳайрон эдилар.

Муаллим сўзида давом этди:

— Бугун синфга ўн беш боланинг ўн тўрттасига ҳарбий комиссариатдан чақириқ қоғози келган. Фақат Мўминжондан (Мўминжоннинг бир кўзи кўр эди.) бошқа ўғил болалар жангга жўнайдилар. Қизлар эса далага — меҳнат жангига. Мактаб ёпиқ.

Олимжон Зейнуров охирги сўзини оғир дард билан, қийналиб айтди.

Хонага оғир сукунат чўкди. Ўқувчиларга тикилиб турган муаллимнинг юзларидан икки томчи ёш думалаб, ёқасига тушди. Гўё бу икки томчи ёш унинг юзларини олмосдай тилиб ўтганди. Муаллимнинг бундай аҳволга тушиши ўқувчиларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган эди. Назира муаллим билан қандай хайрлашганини, синф хонасидан қандай аҳволда чиққанлигини эслай олмайди.

Эртаси жанг дегани нима, одам ўлдириш дегани нима эканлигини ҳали яхшироқ тушуниб етмаган ўн тўрт нафар ёш Дўснат бобонинг ўғли Ботир сингари, узоқ-узоқ томонларга жўнаб кетди. Назирани мактабга элтадиган сўқмоқ торайганича қолди...

Энди Назира опаси Марҳамат билан ҳар кун далага йўл олади. Лекин ўқишга бўлган чайқоқлиги босилмай қолганидан афсусланади. Мактабдан, синфдошларидан кутилмаганда ажраб қолганидан изтиробда.

Баъзан уй билан мактабни туташтириб турадиган сўқмоқ тушларига кириб чиқади.

Орадан уч кун ўтди. Назиранинг акаси Абдуқодир ҳозир қаерлардайкин? Ватан олдидаги хизмат бурчини ўтаб бўлишига оз вақт қолганди-я! Ҳадемай бориб қоларман, юз кўришармиз, дея хат ёзган ҳам эди. Узоқ-узоқларда эса ҳаёт-мамот жанги борарди. Акасининг тақдири эса Назира билан Марҳаматни саросимага соларди...

Орадан кўп ўтмай, Назира акасидан хат олди: «Салом меҳрибон ва азиз сингилларим! Мен Белоруссия ўрмонларида Ватан учун жангга кирдим! Кўришгунча омон бўлинглар! Сизларни соғиниб Абдуқодир!...»

Қисқа хат. Лекин ундан урушнинг аччиқ ҳиди келиб турарди. Ана шу кунларда Назиранинг қиёфаси ёмғирдан қутулиб, қорга тутилган одамнинг аҳволини эслатар эди.

XI

Орадан бир йил ўтди. Назира ҳам жангчи. Лекин у фронт орқасидаги жангчи. Ярим бўлиқ, ярим нимжон пахталар икки-учтадан марварид шона туккан дамлар. Қуёш қизитган далада хотин-қизлар чарчашни-ҳоришни билмай ишлашади. Қуёш ва меҳнатнинг бир-бирига омухта бўлиб кетган ҳароратидан юзлар қорайган.

...Июнь қуёши кукда ёниб турибди. Иван Яковлев асабий оҳангда қичқиради:

— Назира, мунча имиллайсан, тезроқ кел!

Ўринбой ариғидан кукунранг челақда сув олиб келаётган Назира гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга энгашганича Иван Яковлевнинг овози чиққан томонга қараб пилдирайди. Оёқлари бир-бирига чалишиб кетади. Челақни дам унисига, дам бунисига олган қўллари юракни беҳузур қилиб юборадиган даражада толади.

— Қуриб кетсин, ўлгур мунча кўп сув «ичмаса»! — Гўё чарчоқлик аламини мана шу гаплар билан танасидан чиқариб юбормоқчи бўлади Назира.

Иван Яковлевнинг асабий оҳангдаги овози Назиранинг қулоқлари остида яна янгради: «Тезроқ, қимирлаш керак, тезроқ!» Не машаққатлар билан радиаторнинг қопқоғини очиб сув қуяётган Яковлев баланд овоз билан яна таъкидлади:

— Сувни мен кутиб қолсам майли, аммо трактор ку-

тиб қолса бўлмайди. Ахир, бу трактор колхозда ягона.

Одатда қулоғи оғир одамлар баланд овозда гапиришади. Лекин Иван Яковлевнинг қулоғи оғир эмас. Тракторнинг тинимсиз равишда дўриллаган овози қулоқларига салбий таъсир қилганидан баланд овоз билан гапирса керак. Икки ойдан бери Иван Яковлев ҳайдайдиган тракторга сув ташиб бераётган Назира бунинг сабабини ундан сўраган эмас. Балки сўраш ўринсиздир. Сўраб пима ҳам қилади.

Эллик ёшдан ошган Иван Яковлев бу ерга 1935 йили келган. Ўзбек тилини ўрганиб олган. Филдай кучли, меҳнаткаш. Меҳнаткашлиги, чарчамаслиги Назирага хуш ёқади.

Ана, трактор бутун танаси зириллаганча ғўзалар орасидан улкан тошбақадай ўрмалаб келаяпти. У пайкал бошига етиб келгунча, Назира сувни етказиб туриши лозим. Бўлмаса кубанлик йигит яна бақиради.

Ўнг томонга қийшайиб келаётган Назира ногоҳон гувалакдай келадиган кесакка қоқилиб тушди. Бош бармоғининг тирноғи ярмигача кўчди. Кўкариб кетган тирноқ тагидан илиқ қон силқиб чиқди. Қўнгли беҳузур бўлди. Сув тўла челаки аста ерга қўйди. Икки ҳовуч сув челакдан қалқиб, ерга тўкилди.

— Қуриб кетсин шу тракториям!

Назира қонаётган оёғини икки қўли орасига олиб «ух-ух»лай бошлади. Гўё шундай қилса, қон тўхтаб, оғриқ қоладигандай. Бу орада трактор пайкалнинг бошига келиб тўхтади. Иван Яковлевнинг таниш овози яна далада акс-садо берди:

— Назира, мунча имиллайсан! Тезроқ кел!

Назира бели мўртилган одамдай қийналиб, ўрнидан турди:— Ҳозир!

Бу трактор қишлоққа биринчи маротаба кириб келганида Назира отаси билан қанчалик қувонган эди. Ҳа, отасининг ёнидан қувона-қувона тракторга эргашиб чопган эди. Наҳотки, энди у Назиранинг жонига теккан бўлса!

— Тезроқ қимирлаш керак, қизим, тезроқ!

Назиранинг келишини кутиб турган Иван Яковлевнинг баъзан Назирага раҳми келарди. Лекин иложи қанча, уруш даври.

— Тирноғим кўчиб кетди,— хўрлиги келиб гапирди Назира.

— Тирноғим кўчди? Шунга хафамисан? Оббо сеней! Фронгда одамларнинг товонлари тешилаяпти, оёқ-

лари синаяпти. Сен бўлсанг, битта тирноғнинг кўчганига йиғлайсан-а! Уят эмасми! Яна комсомол эмиш.

Иван Яковлев Назиранинг оёқларига кўз ташлади. Қора тол рангига ўхшаб кетган оёқ панжаларини қуруқ кесак чақа қилиб юборган эди. Олдинига Назиранинг кўнглини кўтармоқчи бўлган Иван Яковлев гапиролмай қолди. Юраги увишиб кетди. Наҳотки, шу вақтгача Назиранинг оёғига қарамаган бўлса!

— Калошинг йўқми?

— Йўқ!

Иван Яковлев бошқа гап айтмади. Дардини ичига ютиб, тракторли аламли зарда билан ҳайдаб кетди.

Кеч кирганда Назира елка-бошлари атрофида чиркай-пашшаларнинг гаши келтирадиган даражада гингиллашига ҳам парво қилмай уйи томон келарди...

— Тирноғим кўчди? Оббо сен-эй! Шунга хафамисан? Фронтда одамларнинг товонлари тешилаяпти, оёқлари синаяпти! Сен бўлсанг битта тирноғингнинг кўчганига йиғлайсан-а? Уят эмасми? Яна комсомол эмиш! — Иван Яковлев Назирага тик қараб гапирди.

— Иван амаки, мана сув! — Назира шу гапдан кейин ширин уйқудан уйғониб кетди. Кўзини очди. Аммо ҳеч нарса кўрмади. Тонг ёришишига оз вақт қолган, ҳали уйнинг ичи қоронғу эди. Назира қайта ухлаш учун кўзларини юмди. Бироқ уйқуси келмади.

Тим қоронғи уйнинг шифтига тикилиб, Иван Яковлев айтган гапларининг маъзини чақиб куришга ҳаракат қилди.

— Нега ундай деди? Гаплари билан менга фронтдаги қийинчиликларни айтмоқчи бўлдимми? Ёки сен ишга чидамсизсан демоқчими? Нима, мен ишга бардош беролмаяпманми? Йўқ, мен ишга бардош бераман!

ХII

Июль қуёши нурларини мирза тераклар учидан аста-секин йиғиб олаяпти. Кўп ўтмай далага барқутдай оқшом чўқади. Кўкда ёғдуси тоза юлдузлар чарақлайди, сўнг само минбарига тўлин ой чиқади, қамишларнинг майин пўпанакларида инакдай нурлар товланади. Тунги енгил шабда бепоен далалар бўйлаб қўшиқ айтади. Одамлар тунги ором олиш учун болишларга бош қўяди.

Бугун Назира даладан енгил кайфият билан, осуда туйғулар оғушида қайтди.

Назира ҳовлига кириб борганда Марҳамат овқати сузиб олинган қозонни юваётган экан.

— Суюнчи бер, Назира!

— Аввал эшитайлик!

— Аввал суюнчи бер, кейин эшитасан.

— Дадамнинг манглай тери тукилган мана шу кенг далаларнинг ҳаммасини сенга бераман,— қўлларини ёзиб кенг далани кўрсатди. Назира.

— Акамдан хат келди.

— Ўқидингми? — шошиб сўради Назира.

— Почтачи ҳозир бериб кетди.

— Юр, бирга ўқиймиз.

Хонада Вазира билан Абдуғофур аллақачон уйқуга кетган. Бола-да, кунбўйи тиним билмайди. Кеч бўлиши билан боши ёстиқни излаб қолади.

Марҳамат токчада заиф нур сочаётган лампа чирор олдидаги конвертни олиб берди. Назира кўк конвертни юраги орзиқиб очди. Сўнгра хатни чироққа яқинлаштириб, овоз чиқариб ўқий бошлади. Ёнида Марҳамат билинар-билиномас нафас олиб турарди.

Хатдан жанг нафаси келарди. Акаси Белоруссия тупроғида жанг қилаётганини ёзган эди. Бир воқеа алоҳида таъкидланарди хатда...

Бир куни немислар ҳужуми қайтарилди. Отишма тинди. Аммо атрофда жанг аралаш тутун ер бағирлаб сузарди. Ердан бошини кўтарган Абдуқодир бўлиб ўтган воқеани ёдга олмоқчи бўлди. Шунда ғоят жангачанини ҳис қилди. Қани энди, ёнида бир булоқ бўлса, тўйиб-тўйиб сув ичса.

Сув топиш ниятида ўрнидан турди. Сирдарёнинг мавжли тўлқин уриб оқиши хаёлига келди. Шу топда Сирдарё бўйида ўтириб сув ичиш истаги қалбини чулғади. Лекин она Сирдарё бу ердан минг-минг километр узоқда.

Кун ботиш томонга юрди. Бир маҳал кўлмакка дуч келди. Сув қизғиш, қон аралаш эди. Яқин орада кўл бўйида жанг бўлганини эслади. Начора қон аралаш сувдан ичди...

Яна бир куни ортга чекинишарди. Саккиз чоғли йигит билан яшил бир сайхонликда тўхташди. Қорин оч. Очилган консерва банкиси ва нон ўртага олинди. Шу пайт йигирма қадам нарида бир одамнинг инграгани эшитилди. Командир: «Абдуқодир, бил-чи, ким экан?» дея буйруқ берди. Абдуқодир эҳтиёткорлик билан овоз чиққан томонга борди. Болдир ва сон суяклари мажақ-

лаган бир ўзбек йигити жон талвасасида ётарди. Ётган жойидаги майсалар қон. У жон ҳолатда Абдуқодирнинг оёғини ушлаб ёлворди: «Отиб ташланг мени!» Уйлаб ўтиришнинг вақти эмасди. Абдуқодир «яхши» деди-ю уни йигитлар томон судраб кета бошлади. Шунда у: «Бирпас тўхтанг, ўлим олдидан осмонга бир тўйиб қараб олай», — деди ва чексиз осмонга тикилди. Кейин тиниқ осмонга тикилиб, тўймай қаттиқ инграйди: ярадор йигит осмондан кўз узмай жон берди. Хаёллари остин-устун бўлиб кетган Абдуқодир шоша-пиша унинг очиқ қолган кўзларини рўмолчаси билан ёпди. Дунёга тўймай, бевақт хазон бўлган урушнинг навбатдаги қурбони бошида бир зум унсиз туриб қолди, кўзларига ёш келди...

Хатда ҳикоя қилинган бу даҳшатли воқеалар қизларнинг қалбини ларзага солди. Уруш дегани осон ишмас. Шунинг учун ҳам унинг аламли шамоли ҳар бир хонадон атрофида бўридай увлаяпти.

Опа-сингил бир нафас бир-бирига индамай қараб қолишди. Оламни сутдай ёритиб турган тўлини ой булутлар орасига яширинган эди...

XIII

Қўрғошиндай оғир кунлар кўпчиликнинг елкасини чуқтириб қўйди. Қишлоқдаги чолу кампирларнинг юраги кафтдаги симобдай титрайди. Лочиндай тезкор ўғиллари ўқлар ёмғири орасида. Бугун улардан: «Саломатомон жанг қилаяпмиз», деган қисқагина хат келса, кўп ўтмай: «Фарзандингиз Ватан учун бўлган оғир жангларда мардларча ҳалок бўлди», мазмундаги оғир ва юракларни пора қилувчи хабар келади. Айниқса, яқинда Хайринисо холаникида бўлиб ўтган воқеа сира-сира Назиранинг кўз олдидан кетмайди.

Ўшанда Назира Хайринисо холаларникига бош ювиш учун бир пиёла қатиқ сўрагани борган эди. Хайринисо хола ўчоқ бошида пиширилган сутни сопол косага эндигина сузиб олаётган экан.

— Кел, Назиражон!

— Қелдим. Қосани ичкарига мен олиб кира қолай,— холага ёрдамлашмоқчи бўлди Назира.

— Худога шукур, ҳали тетикман. Сен ичкарига киравер, ўзим олиб кираман.

Шу заҳоти ҳовлида бир қўли йўқ почтальон пайдо бўлди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, буни Хайринисо хола ҳам, Назира ҳам сезмай қолишди. Нега-

дир почтальоннинг тарзѝ таъзиядан қайтган одамнинг ҳолатини эслатар эди. Буни сезган Хайринисо хола косани маҳкам ушлаганича ҳовлининг ўртасида туриб қолди. Ёнида Назира.

— Хат олиб келдингми, Рўзиқулжон? — Ўз овозидан ўзи чўчиб тушгандай бўлди Хайринисо хола.

— Ҳа, хат олиб келдим!

Хайринисо холанинг юраги қандайдир совуқ нарсани ҳис этгандай бўлди. Қўллари қалтирай бошлади. Назира бўлса холанинг қўлидаги косани олишни ҳам, олмасликни ҳам билмасди.

Хайринисо холанинг эри Ғофур бобо безгакдан қурбон бўлган. Холанинг еру кўкка ишонмайдиган ёлғиз ўғли Рустамжон Назира билан бир синфда ўқир эди. Рустамжоннинг жангга кетганига бир йилдан ошди. Ўғли жангга кетгандан бери Хайринисо хола кечалари тўлғонмасдан, алғов-далғов тушлар кўрмасдан тинч ухлаганини эслай олмайди. Ахир, фарзанди йироқда бўлса, қайси она ором олиб ухлайди. Рустамжон кўнгли очиқ, камгап йигит эди. Аммо ўрни келганда жуда қизиқ-қизиқ гапларни топиб гапирарди. У гапирганда кулмасдан иложингиз қолмасди. Рустамжонни бир қўли йўқ мана шу почтальон яхши кўрар, ўлмасам уни куёв қиламан, деб юрарди. Шунинг учун ҳам Рустамжоннинг ҳар бир хатини Хайринисо холага ўзи ўқиб берарди. Чунки Хайринисо хола фақат бармоқ санашнигина биларди. Почтальон хатни ўқиб тугатгач, буклай туриб: «Эсон-омон келса, албатта қуда бўламиз!» — деб қўяр эди. Хўш, бугун у Хайринисо холага нима дейди?

Почтальон титраган лабларини зўрға йиғиб олиб, деди:

— Ўғлингизни куёв қиламан деган ниятда эдим, ниятимга етолмадим...

Ўғлининг қисмати нима бўлганлигини мана шу гапдан тўла англаб олган Хайринисо хола турган жойида қалқиб кетди. Назира холани суямоқчи эди, улгуролмади. «Болажоним», деганича юз тубан йиқилди хола.

Назира билан почтальон холанинг қўлтиғидан ушлаб турғаздилар. Бир оз ўзига келган она кўзларини юмганча бошини тебратиб фарёд қилди:

— Энди ер бетига юрганимдан кўра, ер остига тушганим яхши...

Бугун Назира билан ўқиган болаларнинг сони биттага камайди.

Назира сув олиб келиш учун ичкарига интилди. Рў-

зиқул холанинг юзларига сув сепгандагина у кўзларини истар-истамас очди.

Бу орада Назира Хайринисо холаникига нима учун келганини ҳам унутган эди. Кўп ўтмай холанинг ҳовлиси одамларга тўлди. Ҳовлини йиғи овози тутиб кетди.

Уч кун ўтди. Қишлоққа февралнинг сокин оқшоми чўкди. Ҳамон бошини ювишга улгурмаган Назира чироқни ёққанида ташқаридан отнинг дупури эшитилди.

— На-зи-ра! — эркак кишининг йўғон овози қулоғи остида жаранглади.

Назира «лаббай» деганича ташқарига отилди.

Ҳовлида кўк отини минган Иван Яковлев турарди.

— Келинг Иван амаки!

— Идорага борган эдим, раис Назирани чақириб келинг, деб мени юборди.

— Нимага чақирганликларини айтмадиларми?

— Айтмади. Ҳар ҳолда сени жангга юбормасалар керак.

— Жангга боришдан қайтмайман! Қанийди юборишса.

— Анча дадиллашиб қолибсан-ку!

Назиранинг хаёлида қандай воқеалар чарх ураётганидан воқиф бўлмаган Иван Яковлев отнинг жиловини келган томонига бурди. Хайринисо холанинг уч кун аввалги ҳолати Назиранинг қалбини жанг бўлаётган томонларга ундаган эди.

Назира раиснинг хонасига кирганда Муҳаммаджон Азизов кунгирали чироқнинг хира нурида нимадир ёзаётган эди. Назирани кўриши билан қоғоздан бошини кўтарди.

— Чақиртирган экансиз, Муҳаммаджон ака!

— Кел, қизим, кел! Қани, утиргин!

Назира қайрағочдан қилинган узун «эшак»нинг ўртароғига утирди.

Муҳаммаджон ака бу ерга Назиранинг отаси билан бирга келган. Ёши элликдан ошиб қолган бўлса ҳам ҳали бардам, ғайратли, ишбилармон, одамлар билан тезда тил топиша олади. Деҳқончилик илмини яхши билади. Шунинг учун бундан тўрт йил муқаддам одамлар уни колхозга раис қилиб сайлаган эдилар.

— Сени нимага чақиртирганимни билмасанг керак, қизим?

— Биламан! — ишонгандай гапирди Назира.

— Хўш, билсанг нимага чақиртирган эканман?..

— Урушга юборасиз.

— Урушга борасанми? — ўз гапига ўзи ишонқирамай сўради раис.

— Ҳа, урушга бормоқчиман. Военкоматдан сўрашса, Назира деган қизимиз урушга бормоқчи деб айтинг.

— Майли, урушга юбораман, лекин ўзимизнинг даламизда олиб борилаётган «уруш»га. Урушга оддий аскар эмас, командир бўлиб борасан.

Назира бир лаҳза ўйланиб қолди.

Фронтнинг орқасида ҳам жанг. Жангда ҳар бир аскарнинг ўз ўрни бўлгандай, колхоз даласида ҳам ҳар бир одамнинг ўз ўрни бор. Лекин бу ердаги ҳар одам икки одамнинг ишини қилиши керак.

Назиранинг кўнглида «раис тўғри гапиряптилар» деган фикр йилт этиб ўтди.

Раис қалбидаги муаммони энди ўрнидан туриб тусунтирмоқчи бўлди:

— Қизим, биласанми, бу йил пахта ўрнига қанд лавлаги экишимиз керак экан. Райондан шундай топшириқ беришди. Сабаби, одамлар оч. Уларни тўйғазиш лозим. Лавлаги тўйимли озуқа. Сенга лавлаги экиш учун беш гектар ер ажратмоқчимиз. Ана шу ерга звено бошлиғи, яъни «командир» бўласан. Дугоналаринг Хосият, Зебинисо, Холида ва Сарра Зубараклар сен ишонган аскарлар бўлади.

— Мен ҳали лавлаги уруғини кўзим билан кўрган эмасман. Шундай экан, звено бошлиғи бўлиб ишлай олмасам керак.

— Урушда жанг қилаётган баъзи йигитларимиз милтиқни тушларида ҳам кўришмаган. Лекин улар душмanning қоқ манглайини нишонга олиб отишаяпти-ку!

Назира бир муддатлик сукутдан сўнг жавоб қилди:

— Қийналиб қоламан. Бунинг устига сизларни уялтириб қўймасам деб қўрқаман.

— Тоғларга чиқмасанг, дўлона қайда, деганлар. Қийинчиликлардан қўрқсанг иш юришмайди. Уялтириб қўймасам, деяпсан. Уялтириб қўймасликларингизга ишонамиз. Ишонч — бойлик.

«Раис ишонаяпти, ишончини оқламаслик уят», — ўйлади Назира.

— Эртагача ўйлаб кўрай, Муҳаммаджон ака?

— Жангда, эртагача ўйлаб кўрай, деган гап инobatга олинмайди, қизим!

— Майли, сиз айтганча бўлсин! Лекин ёрдам бера-сизлар-да.

— Қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Қўлдан келганича ёрдам берамиз. Энди бориб дамингни ол!

Раиснинг ҳузуридан чиққан Назира ҳаяжон огушида эди.

Эртасига унга қўш ҳукизли арава беришди.

Қари ҳўкизлар гўнг ортилган аравани дала томон тортиб боришарди. Арава устида Назира.

— Мунча имиллайсанлар, тезроқ юрсанглар-чи! — гавронни яна баландроқ кўтарди Назира.

Ҳўкизлар ҳеч нарса сезмаётгандай бир меъёрда секин юрар, ғилдираклар ивиб кетган, шўр ерда гоҳ тойиб, гоҳ ўнгланиб борарди.

Назира минган арава бугун Нормат бобонинг ҳовлисидаги гўнг уюми олдида тўхтаса, эртасига Холмат бобонинг ўйи олдидаги култепа ёнига келарди.

XIV

Кўклам қуёши ёш боланинг табиатига ўхшайди, баъзан «кулса», баъзан «йиғлайди». Мана, бугун кўклам қуёши дала-тузни пурга тўлдирди. Омоч билан ҳайдалган намхуш ердан қозонда энди илиётган сутникига ўхшаш енгил буғ кўтариларди. Назира дугоналари Хосият, Зебинисо, Холида ва Сарра Зубараклар билан ўзларига ажратилган пайкалда ишлашяпти.

— Қўрга кўмиб пиширилган лавлагидан татиб кўрганмисан? — Назирага сўз қотди кетмони қулоч бўйи кўтариб ерга ураётган Холида.

— Татиб кўриш уёқда турсин, ҳатто уругини ҳам кўрган эмасман.

— Мен бўлсам татиб кўрганман. Қўрга пишган лавлаги бирам ширин бўладики, есанг лабинг лабингга ёпишиб қолади. Кимдан ҳам эшитгандим, лавлаги еган қизнинг дудоғи ширин бўлади, деб.

Қизлар «хо-хо»лаб кулишди. Холида қизларнинг кулгусидан завқланиб кетди.

Холиданинг чап ёноғи пастида мошдай холи бор. Ота-онаси ўз оти билан бирга туғилди деб, исмини Холида қўйишган. Гапга чечан, ўйин-кулгини хуш кўради.

— Ширин бўлади, дедингми? — гапга аралашди Хосият.

— Ҳа, ширин бўлади,— таъкидлади Холида.— Лавлаги еган қизнинг лабидан бир ўпган йигитнинг бир умр ороми йўқолармиш.

Яна қўнғироқдай ёқимли кулги кўтарилди.

— Бундан чиқди бозоримиз чаққон бўлар экан-да,— Холида билан куч синашмоқчидай гапни давом эттирди Хосият.

— Йигитлар урушдан қайтгунча лабларимиз шарбатланиб туради...

Бу гал ёқимли кулгунинг қувноқ жаранги узоқ-узоқларга эшитилди. Шодлик қўйнида бўлган қизлар энди кулгудан ўзларини тўхтатишолмасди.

— Лабим шарбат бойлаяпти, деб Шукурга хат ёза-қол, зора урушни тезроқ тугатиб қайтса!

Холиданинг кўнгли Шукурга мойиллигини Хосият яхши биларди. Гапга Шукурнинг номи қўшилиши Холиданинг сўзларига яна қанот бағишлади. Холида Шукур билан тенгдош. Иккови бир кўчанинг икки бетида тупроқ чагитиб катта бўлишган. Бир мактабда ўқишган.

— Қанотим бўлганда олдига учиб бориб келардим.

— Шукурни ҳузур қилиб ўпишга вақти бормикан?

— У ўпмаса, ўзим ўпаман.

— Илойим, гапинг ўнгидан келсин.

Назира қизларга қўшилиб кулар, лекин гапга аралашмасди. Ёки «командир» деган фақат кулиб, гапга аралашмасмикан?

— Қанийди гапим ўнгидан келса! Ўпичнинг гаштини, лаззатини сенга шундай гапириб берардимки, ҳасаддан лабларинг ёрилиб кетарди.

Қизлар кулги билан овора бўлиб кўкда қора булутлар карвони суза бошлаганини сезмай қолишди. Момақалди роқ гулдиради. Оловли чақмоқ булутларни қамчилаб ўтди. Аввал қизлар пешонасига бир-икки томчи келиб тушди. Сўнг баданни жунжиктирадиган ёмғир қўйиб берди.

Қизлар тўрт томони очиқ, усти қамиш билан ёпилган шийпон томон югуришди.

Уст-бошлари шалаббо бўлган қизлар шийпонда бир ерга тўп бўлиб, ёмғирнинг бир маромда шиддат билан ёғаётганини сокин сукут оғушида кузатиб туришарди. Шу топда улар нафис бир оҳангни берилиб тинглаётган одамни эслатишарди. Дарҳақиқат, ерга урилаётган ёмғир оҳанги орасида одамни тинчлантириб қўядиган аллақандай ёқимли, ҳазин куй яширинган бўлади. Шунинг учун ҳам боягина бир-бирларига навбат бермай ҳазил қилишаётган, кенг далани бошларига кўтариб

очишиб-сочишиб кулаётган қизлар ёмғир томчиларига тикилишганича жимиб қолишди.

— Ана, кимдир келаяпти!

Ҳамманинг кўзи пайкалнинг нариги томонидан шийпонга қараб келаётган аравага тушди. Имиллаб келаётган арава устидаги одам азбаройи ивиб кетганидан бўлса керак, қорайиб кўринарди.

— Бечора роса қийналаётганга ўхшайди,— раҳми келиб гапирди Сарра Зубарак.

— У Йўлдош ота бўлса керак. Эрталаб лавлаги уруғи олиб бораман деган эдилар,— деди аравадан нигоҳини узмай турган Назира.

...Йўлдош ота Холматов шийпонга етиб келганида, ўзига эрк бериб, савалаб ёғаётган ёмғир бир қадар секинлаб қолганди. Уст-боши шалаббо Йўлдош ота шийпонга кирди:

— Энди йўлга чиққанимда осмоннинг таги тешилса бўладими! Ортга қайтмадим. Ўғлим Абдунаби, ўқлар ёмғири остидан шамолдай учиб ўтаяпман, деб ёзибди. Мен бўлсам ёмғирдан чўчиб уйда ўтирайми? — ота бир муддат сукут сақлаб ўғлини эслади.

Олдинига сергакланган қизлар яна жимиб қолишди.

...Ёмғир кечга яқин тинди. Қизлар уруғ ивитиш учун махсус қазилган ҳовуз атрофида бир сиқим-бир сиқим лавлаги уруғини кафтларига олиб кўра бошлашди.

— Уруғи кўримсиз-у, лекин лавлагиси ширин бўлади, қизларим,— салмоқлаб гапирди Йўлдош ота.— Масалан, ёнғоқнинг пўчоғи хунук, аммо мағзи ширин.

Колхоз правлениеси деҳқончиликда йўл-йўриқ кўрсатиб туриш учун Йўлдош отани қизлар звеносига беркитиб қўйган. Раиснинг Назирага кўрсатган биринчи ёрдами — отани у бошчилик қилаётган звенога ишга юбориши бўлди.

...Кеч тушганда қизлар аравага тизилиб ўтиришди. Атрофга жимлик чўкди. Йўлдош ота аравани кечки сокинлик қўйнига сингиб бораётган қишлоқ томон ҳайдади:

— Чуҳ, жониворлар!

Атрофдаги тўқайзорлардан эса чиябўриларнинг зорланиб улигани узук-юлуқ эшитиларди.

Дуппидай кичкинагина қишлоқ оппоқ тонг оғушида эди. Сарра Зубарак қишлоққа етиб келганида Назира нон халтасини ва кетмонини кутарганича уйдан чиқаётганди.

— Суюнчи бер, Назира, суюнчи! Лавлагимиз униб чиқибди.

Тонгги қутлуғ хабардан енгил тортган Назира дала томонга ошиқди.

— Мана лавлаги майсаси.

Назира киприкдай нозик майсани қўллари билан елпиди.

— Севинтирганинг учун раҳмат, Сарра! — деди сўнг.

Улар ёш боладай завқланиб, дала томон йўл олишди. Шу топда Назира Сарра Зубарак Кишинев шаҳридан бу томонларга қандай келиб қолганлигини эслади.

Сарранинг ёшлиги Молдавиянинг Кишинёв шаҳрида ўтган. Сарра 1941 йилнинг айни ёзида 7 синфни битириш арафасида эди. Охирги имтиҳонни топшириб уйга ҳаяжон билан кириб келди.

— Онажон, беш олдим!

— Балли, оппоқ қизим.

Она ёлғиз қизини бағрига тортди, юз ва кўзларидан ўпди.

Ўша, оқшом станция томондан алланиманинг гумбирлаган овози эшитилди. Кўкда овози қулоқларни қоматга келтирувчи самолётлар пайдо бўлди. Кишинёв шаҳрида фашистларнинг биринчи бомбалари портлай бошлади. Ташқарига чиқиб, ҳангу манг бўлиб қолган Сарра нималар бўлаяпти, тушунолмаёпман деган маънода ёнида турган онасига тикилди. Шу пайт ҳовлига мактаб комсомол комитетининг секретари югуриб келди:

— Немислар уруш бошлади. Вокзалга борасизлар, машинага чиқасизлар! Тезроқ қимирланглар!

Йигит чопганича ортига қайтди.

...Занжирдай уланиб кетаётган машиналарнинг бирига ўтириб олган она-бола қаёқларга кетаётганликларини билмай ҳайрон эдилар.

Бир замон осмонда душмanning бомбардимончи самолётлари пайдо бўлди. Бомбалар кетма-кет портлади. Машиналар ағдарилди. Биров ингради, биров фарёд қилди. Сарранинг онаси юзларини қўллари билан беркитиб олган эди. Сарра онасига қаради-ю, қичқириб юборди. Онасининг бармоқлари орасидан қон силқиб оқарди...

Она икки ой госпиталда ётди. Кейин қизи билан Ўзбекистонга — Назира яшаётган «Ҳақиқат» колхозига келишди. Сирдарё станциясида кўр онаси билан турган увоққина қизнинг олдига биринчи бўлиб Назира келди:

— Хуш келибсизлар! — Сарра билан кўр онанинг қўлларипи ушлади Назира. Она-боланинг томирларига ёқимли бир ҳарорат югурди. Сарра бўлса Назиранинг кўнгли дарёдай кенг, юраги мурувватга тўла эканлигини кичкина, мовий кўзлари билан бир қарашдаёқ илғаб олганди.

— Қани, юринглар, бизнинг колхозга борамиз.— Назира она-болани қўлтиқлаб олди.

...Икки дугона лавлагининг кўзга ҳузур бағишловчи майсасини кўриш учун дала томон енгил қадам ташлаб борарди.

XV

Қировли қиш. Атрофини совуқ туман қоплаган. Куёш кўзга кўринмай ботади, ҳовлилар олдида қорлар уюми. Оғизлардан чиқаётган илиқ ҳовур юз ва кўзга, қош ва сочга қиров бўлиб энади. Оёқ остида қор ғирчиллайди. Шох-шаббаларини қалин қиров босган дарахтлар ҳовлилар олдида, ариқлар бўйида тўппайганича ҳорғин мудрайди. У ер-бу ерда ола қарғанинг қағиллаши эшитилади. Колхоз идораси олдига келган Назира паровознинг устма-уст қичқирганини элас-элас эшитди. Бир муддат жойида туриб қолди. Поездга ўтириб урушга кетган ҳамқишлоқларини эслади. Сўнг кирза этигини ерга бир-икки уриб, қорини қоққан бўлди-да, правление идорасига кириб кетди.

Бугун правление аъзоларининг йиғилиши ўтказилди. Назира правлениега аъзо бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Раиснинг хонасида правление аъзолари — ҳосилот раиси Қўлдош, комсомол ташкилотининг секретари Абдурахмонов, колхоз аъзолари Сарра ва Курбонойлар ўтиришарди. Бурчакдаги чўян печкада тараша чарсиллаб ёнарди. Раис столининг чап томонидаги чироқ эса заиф милтирайди.

Назира эшикни очганида ичкарига бирдан совуқ ел югурди.

— Кел, кизим! — Назирага ўтириш учун жой кўрсатди раис Мўминжон ака.

Назира раисга қаради, ўтирганлар Назирага. Раис эса гапили давом эттирди.

— Бугунги правление йиғилишини очик деб эълон қиламан. Қўриладиган масала звено бошлиқларини сайлаш. Кун тартибидаги масалага ҳеч кимда эътироз бўлмаса керак.

— Эътироз йўқ,— деган овозлар эшитилди.

— Ҳаммаларингга маълумки, ўтган йили лавлаги эккан эдик. Ҳосил ёмон бўлмади. Айниқса, Назира бошлиқ қизлар ишда яхши натижага эришдилар. Аммо бу йил барча майдонларга чигит экамиз,— дея ўтирганларга бир-бир юзланди раис.

— Лавлагининг «тили»га энди тушунган эдик-ку, Мўминжон ака,— сўз қотди Назира.

— Ҳали биз кўп нарсаларнинг «тили»га тушуниб оламиз,— раиснинг тилида бирдан жонланиш рўй берди. Гуё Назиранинг гапи Мўминжон ака айтмоқчи бўлган гапларга йўл очиб бергандай эди.— Аммо оппоқ пахтанинг «тили»га жуда ёшликдан тушунганмиз. Қадим-қадим замонлардан бери ота-боболаримиз пахта етиштириб келишган. Сизу биз деҳқон болаларимиз. Далаларда ялангоёқ юриб, эгатлар орасида эмаклаб катта бўлганмиз. Ҳадемай баҳор келади. Қўриниб турибдики, вақт зиқ. Ҳар бир дақиқа ғанимат. Бугун биз Назира ва Қурбонойни пахта экиладиган майдонга звено бошлиғи қилиб тайинлаш учун правление йиғилишини чақирдик. Бу таклифга нима дейсизлар, ўртоқлар!

Ҳамма раиснинг таклифини маъқуллади. Кейин ҳар ким шу ҳақдаги фикрини айтди. Назира ва Қурбоной ўзларига билдирилган ишончни оқлашга сўз беришди.

...Назира правление идорасидан чиққанда ташқаридаги туман янада қуюқлашган, уч қадам наридаги одамни кўриш қийин эди.

Назира бошлиқ қизлар ерни экишга тайёрлаганларида дарахт куртаклари янги тухумдан чиққан жўжанинг тумшуғига ўхшарди.

Назира қадрдон далаларига назар ташлар экан, кўзи равшан тортиб, кўнгли яйраб кетди. Соф ҳаводан тўйиб нафас олган қиз, шу серхосият далаларнинг асл ва ажралмас эгасидай ҳис этди ўзини. Кеча кечқурун радиодан эшитган гаплари ёдига тушди:

«Сирдарё район «Ҳақиқат» колхозининг Назира Йўлдошева бошлиқ звено аъзолари бугун 5 гектар ерга чигит экишни районда биринчи бўлиб бошлаб юбордилар. Биз ҳозир Назира Йўлдошева бошлиқ звено аъзоларига бағишлаб СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова ижросида ашула эшиттирамиз...»

Сарра қари кук отни етаклаб, Назира сеялканинг тутқичини ушлаганида қуёш бугунги ишнинг ҳам унумли, ҳам хосиятли бўлишидан дарак бераётгандай майин нур сочиб турарди.

Август. Қуёш одамни безовта қилиб қўйган дамлар. Усти қамиш билан ёпилган шийпоннинг ичидагина бир оз ором олиш мумкин бундай пайтларда.

Шийпоннинг бурчагида уч-тўртта кетмон бетартиб турибди. Шолча устига ёзилган кўрпачада Сарра, Хосият, Холида бир-икки соатлик уйқуга кетган. Назира бўлса, кундалик ёзиб борадиган дафтариини жимгина ёнбошлаганича, шошмай варақлайди.

«Бу аялчли ривоятни Ўринбой ариғининг бўйида Йўлдош бободан эшитганман. Утмишда Анорбой деган бир бой бўлган экан. Унинг қўтон-қўтон қўйи бўлар экан. Бир қўтон қўйини Шодмонқул деган камбағал йигит боқаркан. Бир куни ўғрилар Шодмонқулни ўлдириб, қўйларни ўғирлаб кетишибди. Бу воқеадан хабар топган хотини Хожар ёлғиз ўғлини кўтариб жонсиз даштга йўл олибди. «Дийдорини бир кўрайин, кўзларини қузғунлар чўқимай туриб, ерга яширай»,— деган ниятда йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Товонларини қум куйдирибди, сувсизликдан томоқлари қақрабди. Бир пайт чанқаган боласи сув сўрабди. Онаизор сув ўрнига боласига тилини ялатибди. Охири тандирдай қизиган чўлу биёбонда она-бола ҳолдан тойиб, «Сув! Сув!» дея жон беришибди.»

Мен Сирдарё қирғоқларига, Ўринбой ариғининг бўйларига чиқсам, ўқариқларга қатор қилиб қўйилган қамиш пайчалардан ипакдай товланиб оқаётган сувга назар ташласам, мана шу даҳшатли ривоят ёдимга тушади. Замонамиздан ўргилай Сирдарёнинг сувини беминнат мардикоримизга айлантирган».

«Ҳар ғўзада ўн тўрт, ўн олтитадан шох, йигирма беш, ўттизтадан кусак санадим... Бу ишимизнинг самарасимасимикан-а? Ёки бу инсоннинг азалий йўлдоши бўлиб келган кетмоннинг хосиятиданмикан? Ёки қум ва кул аралаштириб сепилган ўғитнинг қувватимикан?»

Нима бўлса ҳам, мана шу кўм-кук ғўзалар ҳаётим, умрим, ташвишларимнинг бебаҳо нишонасидир. Шу билан мен одамларни кийинтириб, севинтираман. Шуларни ўйласам, шу ёруғ оламда борлигим билан, шу одамларни деб ишлаганим билан фахрланиб кетаман. Фахрланишнинг ўзи нима? Ўз ишидан қониқишми? Бунга аниқ жавоб беролмайман, лекин бу нарсани яхши се-

заяпманки, одам боласи яхши ниятларга эргашиб яшар экан. Яхши ният эса доимо одамга эргашиб юраркан. Хўш, бундай ниятни одам боласи қаердан олади. Она сутиданми? Она меҳриданми? Одамлар ишончиданми? Ёки она ер саховатиданми? Негадир кейинги пайтларда шу саволларга жавоб топишни ўйлайдиган бўлиб қолдим...»

Бу йил куз эрта тушди. Шийпонга кўрпа-тўшакларини олиб кўчиб чиққан қизлар кунбўйи пахта терадилар. Бутун ташвишларни унутганча пахта тераётган Назиранинг юз ва кўзларига кузнинг табассумдай майин мезонлари беозор қўнарди. Улар эртага ҳам учади, индинига ҳам. Қўёш эса тафтини пасайтириб борарди.

Ушанда февралнинг бошлари эди. Кун пешиндан оққан.

Марҳамат дуд ҳидига тўлиб кетган ошхонадаги ўчоққа чойдиш қўйиб, ўтин қалайди. Уйдаги сандалда Иззат хола билан Новруд хола урчуқ йигиришади.

— Кўп ўтмай Назира ҳам келиб қолади,— деди отасидан қолган эски сандал устига дастурхон ёзаётган Марҳамат.

— Одам боласи ҳам ишга шунчалик ўч бўладими? Қишда ҳам далада ётиб ишлагиси келади. Тушдан олдин далага аравада гўнг ортиб кетаётганини кўрган эдим,— сўз қотди Назиранинг ишчанлигига қойил қолган Новруд хола.

Новруд хола Жўра бобонинг хотини. Улар «Ҳақиқат» колхозига Ўратепанинг чекка бир қишлоғидан 1936 йили келишган. Унинг эр етган ўғли Шароф урушда. Новруд хола Назирани кўз остига олиб юради. Баъзан ичида: «Худо, шу қизни менга келин қилиб бер»,— деб қўяди. Баъзида бу гапни тилида ҳам айтмоқчи бўлади. Бироқ тилини тияди. «Қани, ўғли Шароф урушдан эсон-омон қайтсин-чи, шунда бир йўла Назирага совчи юбориб қўя қолади. Ҳозирча бу пинҳоний орзу. Балки орзуси амалга ошар!»

— Худо раҳмат қилгур отаси оламдан ўтаётганда, Назирага: «Сендан умидим катта», деган эдилар. Раҳматли отасининг умиди уни қишин-ёзин далага боғлаб қўйган,— эшилган ипни урчуққа ўраётиб, жавоб қилди Иззатхон буви.

— Бултур пахта хирмони баланд бўлди.

— Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ, Новруд қўшни. Меҳнат қилмасанг, осмондан чалпак ёғилмайди.

— Ўтган йили у ҳосилдорликда ҳаммадан ўзиб кет-

ди.— Новруд хола Назирани мақтаб ганираётганидан ҳузур қиларди.

Марҳамат дастурхондаги иккита зогора кулчани ушатди.

— Қани, нонга марҳамат!

— Сиздан бўлсин!

— Йўқ, сиздан!

Қўлларидаги урчуқни ёнларига авайлаб қўйган Иззатхон буви билан Новруд хола қўлларини ювиб олишгач, нонга қўл узатишди.

— Назирани Тошканга пахтакорлар қурултойига чақиртиришибди. Ўзи бундан хабарсиз. Райсимиз келиб, айтиб кетдилар,— деди пиёлаларга чой қуяётган Марҳамат.

— Тошканга чақиришибдими? — ҳайратланиб сўради Иззатхон буви.

— Ҳа, Тошканга! — бамайлихотир жавоб қилди Марҳамат.

— Тошкан нима бўлибди, Назиражон ҳали Москопга ҳам боради,— деди кутилмаган хабардан севиниб кетган Новруд хола.

Шу пайт ошхонада кимнингдир шарпаси эшитилди. Марҳамат ўрнидан ирғибгина енгил турди. Назирани кўргач:

«Ана, ўзи ҳам келиб қолди»,— деди.

Хонага кирган Назира қўлларини лабларига яқин олиб бориб, «ух-ух»лай бошлади. Қишнинг аччиқ шамоли юз ва қулоқларини қизартириб юборганди.

— Қани, сандалга ўтир! Совуқ қотиб қолибсан, болам.

Назира сандалга ёпилган кўрпани кўкрагигача тортиб ўтирди. Чой узатган Марҳамат шундай серғайрат синглиси борлигидан ғурурланиб деди:

— Чойни ичиб, исиниб олгин, кейин бир янгилик айтаман, суюнчи берасан.

Назиранинг руҳиятида илиқ бир ўзгариш пайдо бўлди:

— Қандай янгилик экан?

Тўрда ёйилиб ўтирган Новруд хола хушхабарни Назирага биринчи бўлиб айтди:

— Сени Тошканга чақиришибди, болам!

Ҳозиргина даладан келганини унутган Назира Марҳаматга юзланди.

— Нимага чақиртиришибди?

— Пахтакорлар қурултойига.

Кутилмаган хабардан яйраб кетган Назира илиқ чойни ҳузур қилиб ҳўплади.

Новруд хола бўлса, Назиранинг қош-қовоқларидан ниманидир англаб олмоқчи бўлгандай, ундаи кўзини узмасди.

* * *

...Тошкентдаги Свердлов концерт залининг олди пахтакорлар билан тўлган. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар.

Қолхоз раиси Муҳаммаджон ака одамлар орасидан ким биландир гаплашаётган Назирани бир чеккага имлади.

— Назира қизим, биласанми, сен бугун сўзга чиқшинг керак.— Эҳтиётлик билан гап бошлади Муҳаммаджон ака,— ўз иш тажрибанг ҳақида гапирасан. Ҳар гектар ердан қандай қилиб 62 центнердан ҳосил олинганини айтасан. Биласанми, буни Усмон ота Юсуповнинг ўзлари айтдилар.

— Усмон ота мени билар эканларми?— кўзларини катта-катта очиб ҳаяжонланганча сўради Назира.

— Ўзингни шахсан танимасалар ҳам, қанча пахта етиштирганингдан хабардор эканлар.

Бу гап Назирага ҳам ғурур, ҳам қатъият бағишлади.

Назира залнинг олдинги қаторларидан бирига келиб ўтирди. Ҳамманинг юз-кўзларида ошкора завқ. Одамлар бир-бирларига энгашиб аста-секин сўзлашаётганлиги катта анжуманнинг бошланишидан дарак берувчи зални жонлантириб юборган эди. Катта залга ажиб кўрк бағишлаб турган маржон-маржон чироқлардан нур ёғилади.

Саҳнада Усмон Юсупов бошлиқ республика партия ва ҳукумати аъзолари пайдо бўлганда зал жимиб қолди.

Донгдор пахтакорлар қурултойини сочлари устара билан олинган ўрта бўй, елкалари кенг полвонсифат, қадди тик Усмон Юсупов кириш сўзи билан очди. Бу ўзбек пахтакорларининг биринчи қурултойи эканлигини, бу анжуман юртимизга ёвуз ният билан бостириб кирган фашистларнинг мағлубиятга учраб, орқага чекинаётган, бизнинг шавкатли армиямиз Берлин томон шитоб билан бораётган бир пайтда ўтаётганини айтди. Шу билан бирга Ўзбекистон пахтакорлари қўлга киритган

ютуқлар ва келаси йил пахтакорларимиз давлатга бир миллион тонна пахта етиштириб беришлари зарурлигини гапирди.

Назира Усмон ота ҳақида кўп эшитган, лекин ун яқиндан биринчи бор кўриши, сўзларини биринчи бор эшитиши эди.

Республикамизнинг турли жойларидан келган пахтакорлар бирин-кетин минбарга чиқа бошладилар.

Ҳадсмай, навбат Назирага. У сўзга чиқишини уйласса, ҳаяжонга тушар, елкасидан тоғдай оғир бир нарса босаётгандай бўларди. Шунда «уқувсизлик қилма, ўзингни тут!» деб ўзига-ўзи тасалли берарди. Сўнг олдига саволлар қўярди. «Гапни нимадан бошласак экан? Нималар ҳақида гапирай? Гапирадиган ишлар кўпга ўхшайди. Лекин ҳеч нарса хаёлимга келмаяпти. Минбарда тилим айланмай қолса-я, нима қиламан. Одамлар чапак чалиш ўрнига «бу соқов қизга нега сўз бердилар?» дейишса-я!»

Президиумдагиларнинг ўртасида ўтирган Усмон ота Юсупов яна ўрнидан турди ва маълум қилди:

— Энди сўз навбати Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхози звено бошлиғи Назира Йўлдошевага.

Зар дўппи кийган, тундай қора сочларини бошига чамбарак қилиб ўраб олган Назира ўрнидан шахт билан туриб, минбар томон йўналди. Сўнг аста сўз бошлади:

— Мен Мирзачўлдаги «Ҳақиқат» колхозидан келганман. Ўзим звено бошлиғиман. Еримиз беш гектар. Беш қизмиз. Ҳаммамиз яхши ишлаймиз. Ана шу яхши иш қайсар ва ўжар далаларни бизга қадрдон қилиб қўйди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 62 центнердан ҳосил кўтардик. Бу тайёр узукни бармоққа тақишдай осон кўчган эмас. Сирдарё ёқасидаги ерлар ажриқзор ва шўрхок. Бундай ерга меъёридан ортиқ сув тушди-ми, тупроқ атала бўлиб кетади. Атала бўлган тупроқ тобга келгунча ғўзанинг киприкдай нозик томири чирийди, барги сарғаяди. Биз буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб ишлаймиз. Чигит экиб бўлгандан тортиб, охириги толани териб олгунга қадар «зийрак ишини эплайди» қабилида иш тутамиз. Хўш, қандай қилиб гектаридан 62 центнердан ҳосил кўтардик? Аввало, шуни айтийки, ерни ўғитга тўйдирдик. Юмшоқ бўлсин учун қум аралаштириб сепдик. Ўзим қиш давомида далага аравада ўғит ташидим. Ернинг меъдаси тўйса, у сенга бирор нарса беради деганлари рост экан. Ерни обдан тўй-

диргандан кейин чигит экдик. Уч марта шарбат суви бердик. Бу гаплар бир оз мақтанишга ўхшаб туюлиши мумкин. Аммо, мен қилган ишларимизни тўғри ва қисқа айтяпман. Менинг тажрибам мана шу. Яна бир муҳим нарсага эътиборларингизни тортмоқчиман. Бу ерда сўзга чиққанлар орасида, ўртачирчиқлик қиз Замирахон Муталованинг сўзларини диққат билан тингладим. Замирахон ҳам звено бошлиғи бўлиб ишлар эканлар. У бу йил ҳар гектар ердан 80 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олмоқчи эканликларини айтдилар. Мен ҳам звеномиз аъзолари номидан гектарида 80 центнердан пахта ҳосили оламиз деб, Замирахон Муталовани социалистик мусобақа чақираман!

Назира минбардан тушиб, президиумнинг бир четида ўтирган Замирахоннинг қўлини қисди. Гулдурос қарсақлар эса зални ларзага келтирди.

...Назира биринчи қурултой, биринчи минбар, биринчи сўз, биринчи мусобақа, биринчи олқишлар наъшидаси билан маст эди. Гўё у бугун бир поғона юқори кўтарилгандай сезарди ўзини.

XVIII

Салом, эй дуторнинг қўш торига ўхшаш пўлат из! Сен 1941 йили қанча-қанча йигитларни кўз илғамас, овоз етмас томонларга олиб кетган эдинг. Атрофингни шовқин-сурон қоплаганди. Шунда сенинг ниҳоянг йўқдай туюлганди. Бугун эса қаттиқ ҳижрон азобидан кўзлари хира, қаддилари дол бўлган одамлар сендан нажот, умид кутгани чиққанлар...

1945 йилнинг майи. Дунёни даҳшатга солган фашизмнинг хону монига ўт қўйилган кезлар. Қишлоқда: «Бир поезд голиб аскарлар келармиш, поезд шу уездда тўхтаб ўтармиш», деган хабар тарқалди. Одамлар шундан Сирдарё уездига тўпланишган. Қани, кимнинг арслонтўш ўғли биринчи бўлиб поезд ойнасидан кўринади, кимнинг ўғли биринчи бўлиб поезд танбуридан тушаркин.

Поезд кўринди. Бу ерликлар умрида паровознинг келишини бунчалик орзиқиб, интизорлик билан кутган эмаслар.

Поезд келиб тўхтаганида тўпланганларнинг кўзи вагон ойнасидан бошларини чиқариб олган голиб аскарларга тушди. Танбурда биринчи бўлиб бўйдор бир йигит пайдо бўлди. Фарзандини ҳеч ким оначалик тез

таний олмайди. Новруд хола бирдан: «Болажоним, Шарофжон!» деб қичқириб юборди. Кейин, кейин Назиранинг акаси Абдуқодир, Дўсмат бобонинг угли Ботир кўринди. Назира акасининг бағрида қанча вақт бош қўйиб турганини билмайди.

Поезд жойидан қўзғалганида одамлар ғолиб аскарларни ўраб олиб, уйма-уй тарқалишди.

Урушдан қайтган аскар йигитларнинг уйларида кеч-қурунлари уруш ҳақида узундан-узоқ суҳбатлар бошланиб кетди. Бундай суҳбатларни кўнгли гирён ота-оналар зўр қизиқиш билан тинглардилар. Шундай бўлса ҳам баъзан аскарларнинг сўзларини бўлиб савол беришади: «Менинг боламни бирор жойда кўрмадингми? Елкалари кенг, қиррабурун, қўйкўз эди». Жанг-жадалдан ҳикоя қилувчи аскар бир муддат жим қолади. Нима десин? Кўрдим, деса, нега келмаяпти, деб куйинади. Кўрмадим деса, яна баттар изтиробга тушади...

Аскарлар бирин-кетин урушдан қайтишарди. Анча ўзгариб кетган йигитларнинг кўкракларини орден ва медаллар бегаб турарди. Лекин, уларнинг баъзилари қўлсиз, оёқсиз қайтишарди. Нима бўлса ҳам қайтишгани яхши. Ахир уларни ота-она, бола-чақа, опа-сингиллари қанча йиғилган билан кутдилар.

Кўнлар ўтган сари ҳаёт қайта изга тушгандай бўларди. Одамларнинг эса кўзларида нур балқиб, бағирлари севинч ва умидга тўлиб бораётгандай туюларди.

* * *

Йўлдош ота уч кундан бери далада кўринмай қолди. Ўғли Абдунаби жангда ҳалок бўлган. Эрталаб далага ишга кетаётган Назира ҳол-аҳвол сўраш учун отанинг уйига кирди. Кўзлари киртайиб, лабининг икки четида чуқур чизиклар пайдо бўлган ота Назиранинг ҳурмати учун ўрнидан турмоқчи бўлди:

— Қимирламанг отажон, қимирламанг! — деди Назира.

— Ёлғиз ўғлим бағримга эсон-омон қайтиб келар деган умид билан яшаётган эдим. Умидим пучга чиқди, қизим, — деди титраб, кўзларига ёш олган ота.

— Фақат сизнинг эмас ота, бу лаънати уруш қанчадан-қанча одамларнинг юрагида доғ қолдирди. Бардош қилишдан ўзга чора йўқ, отажон. Буни ўзингиз яхши биласиз, — отанинг кўнглини кўтармоқчи бўлди Назира.

— Эрта-индин далага чиқмасам бўлмайди, бу ётиш-да ўзимни-ўзим сб қўядиганга ўхшайман.

— Дала дардингизни енгиллаштиради.

...Отаникидан оғир қадамлар билан чиққан Назира уруш ҳар бир хонадонда ўз изини қолдириб кетганини ўйлади. Хаёлига қувноқ, тошқин сойдек шўх Холида келди. Холиданинг севган йигити Шукур ҳам жангдан қайтмади. Жангга кетган ўн тўрт нафар синфдошлари-чи! Уларнинг ўн нафаридан қора хат келди. Қабрлари қаерларда қолди экан? Дарё бўйидами? Ўрмон ичидами? Бу оғир ўйлар Назиранинг жигар бағрини баттар пора-пора қиларди.

* * *

Новруд холанинг ўғли Шароф Назиранинг звеносига ишга чиқди. Қамиш найларни ўқариқларга авайлаб қўяр, сўнг сувнинг товланиб оқишини бир нафас кузатиб турар ва яна найларни қўйишда давом этарди. Шароф яқинда граната ушлаб отган қўллари билан бугун ғўзалар танига қон-жон бағишлаётганидан ич-ичидан севинарди.

— Салом, Шароф ака!

Ғўзалар орасидан бошини кўтарган Шарофнинг кўзи ўн беш қадамча нарида келаётган Назирага тушди.

— Салом, келинг!

Шароф лойга ботган қўлларини шошиб ювди-да, Назирага қўл чўзди. Звенога ўтиб ишлашни колхоз расига ўзи айтгани учун Назира Шарофнинг қўлини салимий қисди.

— Дала ишларини соғиниб қолган бўлсангиз керак.

— Фақат далани эмас!..

Шарофнинг юрагида анчадан бери чўчиб ётган сирли бир нарсга қалқиб кетгандай бўлди. Кўзларида мулоим нур милтиради. Бунга парво қилмаган Назира гапида давом этди:

— Бу йил маррамиз — 80 центнер! Ишимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак.

— Ғўзаларнинг авжи баланд, буёғини бўшаштирмаймиз.— Назиранинг ишонч ва ғурур билан порлаб турган кўзларига умидворлик билан тикилди Шароф. Назира бўлса, гапини давом эттиришни истамади. Ўзини яна бепарво тутишга уринди. Лекин бўлмади. Сўнг қаёққадир шошаётгандай безовталанди. Нега?

Шароф икки синф юқори ўқирди. Ўқиш жараёнида

Шароф Назиралар ўқийдиган синфга кириб тургиси ё узоқдан бўлса ҳам Назирани бир кўриб қўйгиси келарди. Нега бундай? Сабабини ўзи ҳам билмасди. Назира бўлса бундай кузатишлардан беҳабар эди. Зотан, ундан хабардор бўлишига ҳали эрта эди. Кейин... Шароф урушга кетди.

Мана, улар бугун учрашишди.

Назира ингичка тасмадай оқаётган сувнинг оқимиغا тикилди. Шароф бўлса Назиранинг юз-кўзларида, бўйбастада рўй берган ўзгаришларни кузатарди: «Мен урушга кетаётганда кичкинагина қизча эди. Қаранг, қанчалик ўзгариб кетибди».

Назира Йўлдош ота сув тараётган ўқариқ томон кетганида, Шароф унинг ортидан афсоналарда куйланадиган бир орзу билан қараб қолди.

Бир куни шийпондаги михга илинган нимчасини олаётган Назира бир муддат ўйга толди: «Қим буни тескари илиб кетди экан-а?»

Юзини чақалоқнинг юзидай келадиган ойнада кўрмоқчи бўлиб, кичкина чўнтагига бармоғини солди. Ойна билан бирга икки энлик хат чиқди. Қоғозни очиб кўз югуртирди. «Назираҳон! Кечалари табассумингиз, кулишингиз, ҳатто соянгиз тушимга кириб чиқади. Шунга иқрорманки, сизсиз ҳаётим ширин бўлмайди. Шароф».

Назира гуноҳ қилиб қўйган одамдай шошиб қолди. Уёқ-буйёққа аланглаб қаради. Сўнг пастки лабини қимтиди:

— Ана, нимчани ким тескари илиб кетган экан?!

Назира шошганидан нимчани тескари илиб кетган Шарофни, кейин унинг онаси Назира шаънига айтган мақтов гапларни ўйлади. Умрида биринчи бор ўзини йўқотиб, гангиб қолди. Муҳаббат қуши унга қараб талпинарди. Хўш, бу қушдан ўзини олиб қочсинми?

Пайкалнинг нариги бошида бошини бўз белбоғ билан танғиб боғлаган Шароф Назира томонга сирли нигоҳ ташларди. Хаёли қизда.

Келгуси йили эрта баҳорда Шароф Жўрасев звено бошлиғи бўлди. Назирани социалистик мусобақага чақирди. Мусобақадош йигит-қизнинг пайкаллари ҳам туташ, меҳрлари ҳам...

XIX

Олтин куз. Назира райком идорасига келди. Эшикни очганида ўрта ёшли секретарь аёл машинкада ниманидир чиқиллатиб ёзиб утирарди. Илиққина салом-аликдан сўнг секретарь аёл унга бир оз кутиб туриш зарурлигини айтди. Райком секретарининг қабулхонаси Назирага таниш. У бундан икки кун аввал ҳам мана шу хонада бюро йиғилишига кириш учун навбат кутганди. Шунда уни бюро аъзолари бир овоздан партиёга қабул қилишган эди. Бугун эса партиё билетини олишга келган.

Қўп ўтмай секретарь аёл уни ичкарига киришга таклиф этди. Узун бўйли, қиррабурун, дадиллиги кўзларидан билиниб турган райком секретари Назирага партиё билетини топширар экан, таъкидлаб гапирди:

— Ҳамиша Ленин партиёси сафида эканлигингизни унутманг, севикли Ватанимизнинг буюк қудрати, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида муносиб хизмат қилишда ҳамиша олдинги сафда бўлинг!

— Раҳмат! — Назиранинг тилига шу сўздан бошқа калима келмади.

Бир олам ҳаяжон билан уйга келган Назира кундалигига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди. «Мен улуғ Ленин партиёси сафига ўтди. Энди коммунистман. Қанчалик улуғ ном эгаси бўлдим».

* * *

1947 йилнинг кузи хосиятли келди. Йил охирларида республика радиосидан қутлуғ бир хабар эълон қилинди: «Ҳақиқат» колхозидаги звеноларнинг ҳосили ҳар йилгидан ошиб кетди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик Назира Йўлдошева бошлиқ звенода 80, Йўлдош ота Холматов бошлиқ звенода 77, Сарра Зубарак звеносида 76, Шароф Жураев звеносида 58 центнердан бўлди. «Ҳақиқат» колхозининг аҳдига вафо қилувчи пахтакорларига шон-шарафлар бўлсин!»

* * *

Илк баҳорнинг эрта тонги. Орзу-ниятлар она ер билан эгизак бўлиб кетган Назира қадрдон даласига йўл олди.

Қўп ўтмай қишлоққа хушхабар тарқалди. Назира Йўлдошевага энг олий нишон — Социалистик Меҳнат

Қаҳрамони унвони берилганлиги Москва радиосидан эълон қилинди.

Бу хушxabарнинг эртаси кунёқ почтабон Назирага бир даста табрикнома келтирди.

«Сирдарё район, «Ҳақиқат» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Назира Йўлдошевага.

Ўртоқ Йўлдошева 1947 йилда пахтадан юқори ҳосил олганлигингиз ва Сизга юксак мукофот — **СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ** унвони берилгани билан чин қалбдан табриклайман.

Сиз барча колхозчиларга Ватанимиз бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишининг ажойиб намунасини кўрсатдингиз. Бу йил ҳам юқори ҳосил олишда яна юксак ғалабага эришишингизга ишонамиз. Сизга сиҳат-саломатлик тилайман. Узоқ йиллар ана шундай самарали меҳнат қилишингизни истайман.

УСМОН ЮСУПОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

«Ўзбекистон ССР, Сирдарё район, «Ҳақиқат» колхозининг звено бошлиғи

ўртоқ Назира Йўлдошевага.

Сизга **СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ** — юксак унвон берилиши билан табриклайман.

Сиз эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмай бундан буён ҳам ўз ишларингизда юқори ҳосил етиштириш учун курашда янги, янада катта муваффақиятларга эришасиз, деб ишонч билдираман. Сиз ўз тажрибаларингизни қишлоқ хўжалигидаги бошқа меҳнаткашларга ўргатасиз ва уларнинг ҳам юқори ҳосил олишларига ёрдамлашасиз, деб ишонаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, меҳнатда янги ғалабалар тилайман.

И. БЕНЕДИКТОВ,
СССР Қишлоқ хўжалик министри».

Шу йилнинг саратонида қишлоқ аҳли бир гапни тилларида такрорлашарди: «Назира ўстирган пахтанинг баргидан кўсаги кўп эмиш. Бахтини берсин».

Назира Тошкентдаги олий партия мактабига йўл олди. Ўқиган ўқдан ўзибди, дейдилар. Назира билимини ошириш зарурлигини биларди. Одамлардан, даврдан ортда қолмаслик учун ўқиш керак. У деҳқон қизи. Тақдири, ҳаёти дала ишларига боғланган. Шунинг учун қишлоқ хўжалик соҳасидаги билим унга зарур. Ана шу ҳол уни ўқишга чорлади. Қитоблар, ўқув заллари, муаллимлар суҳбати кутарди уни...

XX

Назира Тошкентдаги олий партия мактабини битириб қайтгандан кейин район партия комитети секретарининг ҳузурига кирди.

— Аввал сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Қаерда ишламоқчисиз?— сўради райком секретари хонатлас кийган, кўзларида ўйчанлик, босиқлик балқиб турган Назирадан.

Назира вазминлик билан қисқа жавоб қилди:

— Ўзим ўсган қишлоққа юборсангиз.

Райком секретарининг мақсади ўз фикрини тортинмай, дангал ўртага ташлай оладиган, жанговар ва дадил, бунинг устига олий партия мактабини тугатган қизни район партия комитетининг аппаратида ишга олиб қолиш эди. Шунинг учун бўлса керак, бу дафъа фикрини аниқ айтди:

— Сизни райком аппаратида ишга олиб қолмоқчимиз. Одамлар орасида, хусусан хотин-қизлар орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борасиз.

— Ўзим ўсган қишлоққа юборсангиз! — Назира яна боя айтган гапини такрорлайди.

Бари бир масала райком секретари айтганча бўлди. Назира район партия комитетида ишлай бошлади. Лекин ҳаёли, фикри-зикри қалбига бебаҳо умид бағишловчи қишлоғининг валломат одамларида, зумрад далаларида, севган йигити Шарофда, ўзи ўсган қишлоқда эди. Шунинг учун ҳам Назира райком секретарининг ҳузурига бот-бот кириб: «Ўзим ўсган қишлоққа юборинг», деган гапни такрорлайверди. Охири Назира «Ҳақиқат» колхозига партком секретари бўлиб ишга келди...

Бригада даласига элтадиган сертупроқ ерда икки отлиқ боряпти. Улар кун кеча шу бригададаги ғўза

ривожини кўздан кечиришни маслаҳатлашиб олишган эди. Назира мишиб олган кўк от бўйини бир оз чузиб бир текисда юради. Раис мишган ёш саман бошини кўтариб, ўйноқлаб боради.

Раис ва парткомнинг келаётганини узоқдан кўрган бригадир шийпон олдида чиқиб уларни кутиб олди.

Раис билан Назира аввал бригаданинг ўттиз беш фоз ерида чигит чиқмай қолган ерини кўздан кечирмоқчи бўлишди.

Улар отларини шийпон олдидаги қора толга бойлаганларидан кейин бригадир ҳамкорлигида картани орашди.

— Ерни бузиб, беда экиш керак,— деди раис пайкалдан кўзларини узмай.

— Менимча беда экиш шарт эмас,— сўз қотди Назира.

— Нима учун? — эътиборсизлик билан сўради раис.

— Чигит чиқмаган жойларига зудлик билан чигит экиш лозим. Сўнг парвариш жадаллаштирилса, ривожимана шу пиҳолларга етиб олади,— деди Назира ғўза пиҳолларини кўрсатиб.

— Йўқ, бузиб беда экиш керак.

— Ҳозир беданинг биринчи ўрими тугалланди. Экилган беда то ўсиб ўримга келгунича, кўз киради. Бунинг устига молларга пичан йиғиш масаласи унча қийин эмас. Қанчадан-қанча бўш ер, қанчадан-қанча тўқайларнинг пичани ўсиб, ғовлаб ётибди. Уларни ўриб олиш лозим.

— Йўқ, бузамиз, беда экамиз. Сен нима дейсан, Хомид? — ёнидаги турган бригадирга кўзини қисиб қаради раис.

Хомид тор пешонасини қашиди.

— Менимча парткомимиз тўғри айтаяптилар.

Раис фикри бригадир томонидан рад этилганлиги учун ранжиди. Сукут сақлаб, бир оёғи остига, бир атрофга қаради.

— Ола жойларига бугундан бошлаб чигит эктиринг, жуда бўлмаган тақдирда кўзда кўрагини териб оламиз.— Назира қатъий оҳангда гапирди бригадирга.

Раис бўлса ҳамон фикридан қайтмаганди.

— Бир картада икки хил пахта ўстирмоқчимисиз, Назирахон?

Раис Назирага ён босгиси келмаётган бўлса ҳам айтган гапи биринчи бор рад этилганини ич-ичидан ҳис

этиб турарди. Лекин Назира ҳам ўз фикридан қайтмади.

Пайкални узоқ кўздан кечирган Назира пешинда бригадир билан шийпонга келди. Шийпондаги шолча устида раис ўзини пуштиранг рўмолчаси билан елпиб ўтирарди.

Назира шошиб, оти бойлоғлиқ турган толга қаради. От йўқ. Ҳайрон бўлди. Боғчада эмизикли боласи — жажжигина Мамлакат кутяпти. Раисга чой дамлаб келган Маҳмуд Назирани ҳайрон бўлиб турганлигини сезиб, сўз қотди:

— Одилнинг хотинини тоби қочиб қолди. Отингизга миндириб, докторга олиб кетди.

Масаланинг моҳиятига тушунган Назира бир муддат ўйланиб қолди. «Энди нима қилдим, яёв борсам кечикаман. Бола бечора қийналиб кетади. Раиснинг отини сўрасаммикин-а?»

Назира раисга юзланди.

— Раис бува, отингизни бериб турунг. Болам боғчада, бориб эмизишим керак.

— Мен қўшни бригадага ўтмоқчиман. Ёшсиз, ғайратингиз ошиб-тошиб ётибди, яёв бораверинг, — истехзо билан жавоб берди раис.

Назира «ноинсоф экансиз» демоқчи бўлди-ю, аламини ичига ютди.

Пиёда кетишдан бошқа чора йўқ. Раис Назира колхозга партком бўлиб келганидан буён очилиб муомала қилган эмас. Эҳтимол, уни зимдан ёмон кўрар. Лекин Назира унга ҳамиша тўғри гапирар эди. Балки мана шу томони раисга ёқмаётгандир. Яна ким билади, дейсиз. Инсон хаёлида нималар яширинмайди, дарёдан нималар оқмайди. Назира шитоб билан йўлга тушди.

Назира жингалак соч қизалоғини қанча вақт бағрига босиб турганини эслай олмайди...

XXI

Муродхўжа раисликнинг эгарига қанчалик шахт билан ёпишиб ўтирмасин, бари бир эгардан учиб кетди. «Одамларнинг кўзларига тик қарай олмадингиз. Одамлар олдида қилган гуноҳларингиз қаддингизни дол, бошингизни ҳам қилиб қўйди. Фақат тўғри ва олижаноб кишиларгина элнинг кўзига тўғри ва мардона қарайдилар». Муродхўжа Назиранинг шу гапларини эслади. Тўғри, колхозга раис бўлгандан буён еди-ичди. Хўш,

қайси раис еб-ичмайди? Шу саволлар билан у Ҷанга бир оз тасалли бермоқчи бўлди. Лекин қариндош-уруғларига колхоз мулкини талон-тарож қилдирганини раи этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Пахтачиликдан олинадиган ҳосил пасайиб кетди. Шу нуқсонлар уни ёғардан учибриб юборди.

Муродхўжа энди нима қилиши керак? Уйда айниқдай ағанаб ётаверсинми ёки далага чиқсинми? Ётган айниқдан юрган тулки яхши дейдилар. Уйда ётмагани маъкул. Далага чиқса, ўтган куни ҳисобот-сайлов йиғилишида уни боплаб танқид қилган одамлар орасида ишлайдими? Йўқ, тилига уч қадоқ тош бойласалар ҳам далага кетмон кўтариб чиқмайди. Ахир, туёғидан ўт чақнайдиган тулпор от миниб юрган раис бугун далага яёв, кетмон кўтариб чиқса душманларига кулги бўлмайдими? Инсонда номус, орият бор. Шунинг хислатлар инсонга берилмаганда нима бўларди? Яхшилик билан ёмонлик қоришиб кетмасмиди?

Шуларни ўйлаган Муродхўжанинг уйқуси қочиб кетди. Ширин уйқуга чўмиш учун хаёлида чарх урган фикрлардан холи бўлиши лозим. Лекин у ўзини қўлга ололмас, бу фикрлардан холи бўлолмас эди. Ухлай олмагани сари баттарроқ азоб чекарди. Дам ўнг, дам чап томонга ағдариларди. Гўё кўрпада тикон бор, ётишига халақит беради. Ҳисобот-сайлов йиғилишида колхозчилар айтган гаплар бирма-бир хаёлига келди:

— Муродхўжа бизнинг ишончимизни оқламади. Одамлар ишончини оқламаган одам раисликка нолойиқ.

— Колхоз ахлининг тўқ, фаровон яшабини эмас, ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлади. Эртақлардагидай фароғатда яшади. Бу — кўпчилик меҳнати ҳисобига бўлган фароғат эди.

— Раислик даврида ичган товуқ шўрваларнинг кучини далада кўрсатсин. Дала кучли одамларни хуш кўради.

— Колхознинг печатини Назира Йўлдошевага топшириб, қўлига кетмон олсин.

Колхозчилар бу гапларни унинг суяк-суягига етказиб, ботириб-ботириб гапиришди.

Дунёда одамлар меҳридан улуг, одамлар қаҳридан ёмон нарса йўқ. Улар кулса, олам жаранглайли, улар нафратланса олам титрайли. Тартибсиз фикрларнинг ўтли қамчиси уни шафқатсизлик билан савалаб эди.

«Эртага Назира билан юзма-юз гаплашаман. Ҳайиқмаса, менга ён босмаса, ўзимга қарашли қариндошлар»

римни унга қарши қайрайман. Колхозни остун-устун қиламан. Биров ишга чиқмайди, биров кучиб кетади, биров шикоят қилиб ташкилотма-ташкилот югуради. Ҳа, ана шундай қиламан. Ётиб қолгунча, отиб қол, деганлар», дея кўзларини узмай шивирлади ўзига-ўзи.

...Эрталаб чаккалари мушт еган одамникидай оғриб, қобоқлари шишиб ўрнидан турган Муродхўжа ҳовлида чираниб эснади. Уйқусиз тунда ўйланганларини эсга олди. Негадир, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Ўз ҳовлисида ўзини мусофирдай ҳис қилди.

Февралнинг оқшомги ёмғири ерларни лой қилиб юборган. Димоққа зах билан шўрнинг ҳиди урилади. Қуёш парда ортидан нур сочаётгандай. Эндигина ердан кўкариб чиққан қиёқларнинг ҳовучида, қамишларнинг ўзаги билан барглари туташган жойларида ёмғир томчилари ёқутдай товланади.

Муродхўжа қиёқзор орасидаги сўқмоқдан секин кетиб бормоқда. Шўр лой хиром этигидаги калошни тортиб олай дейди. Баъзан кавшари чиқиб кетган калош этик ўкчасига «шалп» этиб урилади. Муродхўжанинг тақимларигача шилимшиқ лой сачрайди. Илгари у бу йўлдан саман отда ўтарди. Бугун эса шўр ер лойи оёғидан ортга қараб тортаяпти.

Уч йилдан буён оқланмаган, ёмғир ювиб, оҳак ўринлари қора ямоққа ўхшаб кетган кўримсизгина колхоз идораси. Идорага кирган Муродхўжа раис ўтирадиган хона эшигининг дастбандини секин ушлади, оқшомги қайсар фикрларидан нишон қолмагандай бўлди. Авваллари у бу хонага нечоғлиқ ғурур билан кириб, жойида савлат тўкиб ўтирарди. Энди бу хонада аёл киши ўтирибди. «Нега журъатсизланасан, Муродхўжа? Янги раиснинг олдига дадил кир! Оқшомги фикрларингни тортинмасдан юзига айт. Ахир у аёл киши-ку! Сен эркаксан!» Муродхўжа шу хаёллар билан эшикни ўзига тортди. Қарға шойи кўйлак устидан ёқалари кенг мовий костюм кийган, қора сочларини зар дўппига чамбарак қилиб ўраб олган Назира столга энгашиб, ниманидир дафтарга ёзаётган эди.

Бошини кўтарган Назиранинг узун киприклари орасида чақнаб турган қора кўзлари Муродхўжанинг қизарган, ҳорғин, шу билан ҳасад, ғазаб учқунлари акс этиб турган кўзларига тушди. Сўнгра ўрнидан эркин ва снгил турган Назира самимий илтифот билан Муродхўжага ўтиришга жой кўрсатди.

— Марҳамат, ўтиринг!

Стулга қулайроқ ўрнашиб ўтирган Муродхўжа сариқ қошларини кўтариб, Назирага қараб қўйди. Хўш, гапни нимадан бошласин! Оқшомги: «Менга ён босмаса, ўзимга қарашли қариндошларимни унга қарши қайрайман», деган фикрларидан қайтмаган ҳолда гапирсинми? Ёки оқшомги фикрлари қаттиқ изтироб натижа-сида келган ўткинчи бир парсамикан? Ёки райком секретарининг олдига борсинми? Борганда у нима дейди. Агар у ҳисобот-сайлов йиғилишида айтилган гапларни ўз қулоғи билан эшитди-ку!»

— Хизмат, Муродхўжа ака? — мулойимлик билан сўради Назира.

— Қолхоздан кетмоқчиман,— Назирага айтмоқчи бўлган гапларига ўзи ишонқирамай бу хонага кирган Муродхўжанинг хаёлига шу гап келди.

— Нега энди?

— Бизга бу ер тўғри келмайди.

— Қаерни қилма орзу, ўша ерда бор тошу торози, деганлар.

Бир муддат сукутга берилган Муродхўжа ўйлай бошлади. «Қетсаммикан ё қолсаммикан? Раиснинг кўнглида менга нисбатан ғарази йўққа ўхшайди. Очиқлик билан гапиряпти». Муродхўжа бирор гап айтиш ўрнига Назиранинг кўзларига қаради. Ўзини эркин тутиб ўтирган Назиранинг кўзларида ишонч ва меҳрнинг ошқора алангаси порлаб турарди. Нега Муродхўжа уни шу вақтгача сезмади. Ахир иккови колхозда уч йилга яқин бирга ишладди-ку?

— Ўзингизга тўғри келадиган бирор иш топиб берамиз, Муродхўжа ака,— яна очиқлик билан гапирди Назира.

Юраги бир оз юмшаган Муродхўжа айёрлик билан сўради:

— Қандай иш берасиз?

— Масалан, бригада бошлиғи бўлиб ишлашингиз мумкин.

Раиснинг бу гапига розилик беришини ҳам, розилик бермаслигини ҳам билмай қолган Муродхўжа кафтларини бир-бирига ишқай бошлади.

— Эртагача бир ўйлаб келсам бўладими?

— Бемалол.

Йўлда кетаётган Муродхўжа, илтифот билан ўрнидан туриб, эшик олдигача кузатиб қўйган раиснинг юз-кўзларидаги очиқлик ва меҳрибонликни ўйлади. «Бундай раҳбарга одамлар эргашади ҳам, ишонади

ҳам. Мен-чи? Мен одамларни писанд қилмас эдим. Бу аёл бўлса, ўта камтар. Эл, камтарга камол, деган. Нега буни шу вақтгача ҳис этмадим?...»

У янги раис — Назирага тан берганлигини, колхоздан кетмай одамлар билан бирга ишлаши зарурлигини аста-секин ҳис этиб борар эди...

Назира эса бу пайтда чексиз осмоннинг бир бўлаги кўринаётган дераза ёнида турганча хаёлга чўмганди. Осмон чексиз, абадий, — деб ўйларди у, — лекин инсон умри ўлчоғлиқ. Аммо унинг эзгу ишлари мангудир. У бу дунёга еб-ичиш учун эмас, балки, меҳнат қилиш учун келади. Еб-ичиш учун келади деганлар хато қилади. У фақат ўзи эмас, ёнидаги одамлар учун ҳам яшаб меҳнат қилади. Оила қуради, фарзанд кўради. Она фарзандини севишиб отага кўрсатади, кейин қуёшга кўрсатади. Отага кўрсатгани сендай жасур бўлсин дегани, қуёшга кўрсатгани — қалби ҳароратли, оташли бўлсин дегани. Кейин-чи? Кейин — атрофда одамлар. Уларни севиб яшаш керак. Нима учун? Одамлар сени севишлари учун шундай қилмоқ зарур. Бўлмаса ёлғизлик одамни руҳан ўлдиради».

Назира одамлар деб яшаётгани учун ҳам шуларни ўйлайди. Қолхоз одамлар даврасидаги дастурхонга ўхшайди. Ҳўш, бу дастурхонда нима бору нима йўқ. Борини янада кўпайтириш, йўғини эса бунёд этиш керак. Бутун қалб, бутун борлигини сарф этмасанг, бунёд этиш қийин. Бунёд этолмасанг, одамлар сенга эргашмайди. Одамларни эргаштира олсанг, ғалаба манзили яқин деявер...

XXII

Меҳнат — бахт. Одамлар ишончи ҳам бахт. Одамлар Назирага ишонишди. Раисликка сайлашди. Энди Назира бу ишончдан узоқлашиб кетмаслиги керак. Бунинг учун нима қилиш зарур? Аввало колхоздаги муҳим ишларни ҳал қилишга киришмоқ даркор. Муҳим ишлар ҳал қилинмаса, ҳўжаликни нурли йўлга олиб чиқиб бўлмайди. Лекин буни Назиранинг бир ўзи амалга оширолмайди. Ахир, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деганлар-ку. Шу боис колхоз аҳли билан бир ёқадан бош чиқармоқ зарур. Бирлашган ўзар — бирлашмаган тўзар...

Беш бармоқ кафтга қандай жипслашган бўлса, одамлар Назира атрофига шундай жипслашмоқлари лозим. Ҳўш, бунга қандай йўл билан эришиш мумкин?

Бунинг учун одамларга юрагининг очишинг керак. Юрагининг очсанг, улар сенга юракларидagi мақсад-ниятларни тўкиб соладилар. Ичимдан топ деган билан иш олға силжймайди. Шу мақсадда бўлса керак, Назира қишлоқ аҳлини йиғиб гаплашишга аҳд қилди.

— Қолхоз қулоғигача қолоқлик ботқоғига ботган, — дея сўз бошлади у ҳамма йиғилгач, — эндиги вазифа уни шу ботқоқдан олиб чиқишдан иборат. Хўш, бунинг учун нималарга эътибор беришимиз шарт. Аввало, кўзимиз қорачиғидай азиз бўлган ерни жон-дилдан севмоғимиз, унинг ҳар қаричини эъозламоғимиз лозим. Дунёда гулларнинг тури кўп. Қизил, сариқ, наформон, пушти... Лекин биз учун энг суюмли гул — она ер. Мана шу она ер онамизнинг онасидир, отамизнинг отасидир. Қайси фарзанд онани, отани ҳурматламаса, одамлар орасида маломатга қолганидай, биз ҳам ерни адроқламасак, маломат изтиробини чекамиз. Табиб дардни аниқлаш учун хастанинг юрак зарбини тинглайди. Бўлмаса дардни аниқлолмайди. Биз ҳам ернинг юрагини тинглашимиз даркор. Шунда унга қандай чора зарурлигини билиб оламиз. Бизда ернинг унумдорлиги паст. Мана унинг «дарди». Шунинг учун унга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартирмоқ олдимиздаги муҳим вазифадир. Муносабатни ўзгартириш, яъни иш сифатини яхшилаш демакдир. Сифатли иш ер танасига дармон. Фарзанд учун она ёлғиз бўлганидай, биз учун ҳам она ер танҳодир. Шундай экан, уни эъозлаш виждоний бурчга айланмоғи зарур. Ўғитлаш, ҳайдаш ишлари сифатли бажарилгандагина у бизни тўйдиради...

Қолхознинг кекса деҳқони Бердиназар ака Холмуродов қўл кўтариб, ўртага чиқди. Назира айтган гаплардан таъсирланиб кетган бўлса керак:

— Қизим, менга сўз беринг! — деди.

— Марҳамат, — жавоб берди Назира.

— Қизим, ер хусусида айтган гапларинг ўринли. Мен умрим бўйи ерга эгилиб ишладим. Хўш, ерга эгилиб нима топднинг деганлар ҳам бўлди. Уларга: «Олтин сан-дигини топдим», — деб жавоб қилдим. Ерга эгилмасанг у сенга жавоҳирини тутмайди. Шунинг учун мен ерга эгилмаган одамни ҳушламайман. Шу билан бирга колхоз ерини хомталаш қилган одамларни ҳам ёмон кўраман. Бизда бундай одамлар йўқ дейсизми? Афсуски, бор. Масалан, бундай одам орамизда ўтирибди. Ким-деб сўрарсиз, албатта. Бу — Сапар Қосимов. У ўтган йилда 70 сотих ерга ўзи учун мош экиб олди. Ҳар би-

римиз Сапар Қосимовга ўхшаб 70 сотихдан ерга ўғринча мош эксак, колхоз ерининг ярмидан кўпи талон-тарож бўлиб кетади. Биз шу бугундан эътиборан бундай ҳолга чек қўйишимиз керак.

Юзи докадай оқариб кетган Сапар Қосимов ғазаб билан ўрнидан турди:

— Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, деганлар. Узинг пайкал бошидаги ариқ бўйига ошқовоқ эккандинг. Уни Велико Алексейск бозорида неча сўмга пуллагансан, мард бўлсанг шуни гапир.

— Ошқовоқни сотмаганман. Қолхоз фермасига топширганман. Қизим, Назира, менда Сапар Қосимовга нисбатан шундай таклиф бор. У эккан ер қочиб кетган эмас. Райком аъзолари бориб кўришсин. Кейин Қосимов одил қонун олдида жавоб берсин.

Ўтирганлар «наҳотки Сапар Қосимов қамалиб кетади» деган маънода бир-бирларига қараб олишди. Масаланинг жиддийлиги ҳаммани ҳушёр торттирганди. Назира бу ишга қандай муносабатда бўлади? Ўтирганлар Назирадан ана шу саволга тўғри, аниқ жавоб кутардилар. Назира ҳам бу масалага аниқ жавоб берилиши лозимлигини ич-ичидан ҳис этаётганди. Бу ўринда у иккиланмаслиги керак, шу билан бирга Сапар Қосимовга ён босмаслиги лозим. Унга ён босса, бу гуноҳини одамлар бир умр кечирмаслиги мумкин.

— Бердиназар ака, тўғри гап айтдингиз. Сапар Қосимов одил қонун олдида жавоб бериши лозим,— деди Назира қатъий ва ишончли оҳангда.

Мана шу сўз Назиранинг принципаал, эътиқодда мустаҳкам эканлигини билдириб турарди.

— Бола-чақалиман, раҳмингиз келсин, Назирахон!— деб йиғлаб юборди Сапар Қосимов.

— Қуз ёшлар гуноҳни ювиб юборолмайди. Шу билан бирга у социалистик қонуннинг кучини ҳам пасайтиролмайди,— деди Назира йиғилишга яқун ясаркан.

Май ойи. Олам нурга тўла. Шундай кунда колхоз ферма мудирини Абдухалил Рустамов Назира ҳузурига кирди.

— Бир масалада қийинчиликка дуч келяпмиз,— деб гап бошлади у.— Қандай масала дерсиз? У ҳам бўлса, фермада сут соғувчиларнинг етишмаслиги. Баъзи сигирлар соғилмай қолаяпти. Бундай сигирларнинг безовта бўлганлигини кўрсам, юрагим куйиб, ачишиб кетади. Шу масалада фермага ёрдам беришингизни сўрайман.

Ферма мудирининг гапларини эътибор билан тингла-

ган Назира бир муддат сукутга чўмди. Кейин ўриндан туриб уёқ-буёққа юрди. «Масала муҳим. Соғувчиликка хотин-қизларни кенг жалб этиш керак, аввало ёш қизларни, хусусан ўрта мактабни битирувчи қизларни».

— Мен бугун мактабга бораман. Мактабни битирувчи қизлар билан юзма-юз гаплашаман. Уларни соғувчилик касбини танлашга даъват этаман. Ишончим комилки, йўқ демасалар керак...

— Боши кўкка етган ферма мудирининг миннатдорчилиги билдириб чиқиб кетди.

Битирувчи ёшларни қишлоқда олиб қолиш муаммоси Назирани кўпдан буён ўйлантириб келарди. Энди бу масалага ёндашиш, уни ҳал этиш пайти келди. У қалбидаги муддаони мактаб директорига айтди. Директор таклифни жон-дилдан қўллаб-қувватлади. Танаффусга қўнғироқ чалинган, Назира билан мактаб директори ўнинчи синф хонасига кирдилар. Олтин ёшлик гузаллиги, жўшқинлиги юзларида барқ уриб турган ёшларни кўрган Назиранинг қалби севинчга тўлиб кетди. Бир дақиқа ўз ёшлигини эслади. Шундан бўлса керак, ёшларга хос мамнуният билан сўз бошлади:

— Ҳар бир ёш ўрта мактабни битирган кунининг ўзининг узоқ сафарга отланаётган денгизчидай ҳис этади, ҳаяжонга тушади. Узоқ манзилга соғ-омон етиб боришни ўйлайди. Битирувчилар эса ҳаёт тўлқинига бардош бера оламанми дея ҳаёлга чўмади. Сизлар ҳам ана шундай ҳаёл оғушидасизлар ҳозир. «Ҳаёт мени ўз ёнига чақиради, меҳнат мени бағрига чорлайди. Унга жавоб беришга тайёрманми», деб ўйлайсиз. Аммо ота-оналаримиз амалга оширган ишларнинг давомчилари сифатида майдонга чиқаётганингизни, чиқишингиз зарурлигини тўла тасаввур қилолмайсиз. Мана, ўзимизнинг колхоз ҳаётини олайлик. Колхоздаги катта ишларни ким амалга оширади? Ёшлар! Колхознинг келажаги сизлар билан порлоқ бўлади. Ҳозирги кунда колхоз фермасида олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидай деб бўлмайди. Фермада соғувчилар етишмаяпти. Оқибатда баъзи сигирлар соғувсиз қолаяпти. Масала шундай экан, биз нима қилишимиз керак? Соғувчи излаб шаҳарга боришимиз керакми? Йўқ! Сизларга мурожаат қиламиз. Директор билан бўлган қисқа суҳбатимизда бу йил ўрта мактабни саккиз нафар қиз битириб чиқиши маълум бўлди. Биз ана шу қизларнинг барчасини колхоз фермасида соғувчи бўлиб ишлашларини хоҳлардик. Қисқаси, сизларни фермада ишлашга таклиф этаман.

Булар оддий сўзлар эмас, қалб нидоси эди. Бу нидо замирида, колхозни истиқбол йўлига олиб чиқиш керак, деган эзгу ният ётарди. Шунинг учун ҳам бу сўзлар ёшлар қалбига таъсир этди. Қишлоқ ёшлари қишлоқ кишиларини, шу кишилар меҳнатини севиши табиий. Кузларида шижоат нури порлаб турган Назиранинг таклифини қизлар чин дилдан қабул қилишди...

Одам бахтга интилиб яшайди. Бир кун, бир ой, бир йил эмас, умр бўйи интилади. Аммо бунга осонликча эришиб бўлмаслигини раиса ҳам яхши тушунади. Бунга эришиш учун қалбда иштиёқ денгизи шитоб билан мавжланиб турмоғи даркор. Шундай бўлмаса бахт этагини тутқазмайди. Назиранинг отаси қизини бахтли бўлишини ўйларди. Энди унинг ёнида отаси йўқ. Отанг ташлаб кетса ҳам одамлар ташлаб кетмасин, дейдилар. Назиранинг ёнида одамлар бор. У отасига кўрсатолмаган эзгуликларини мана шу одамларга кўрсатмоғи лозим. У шу одамларни бахтли сезади. Қалдирғоч умрининг бахтли фасли — баҳор. У шу фаслда бола очади. Бола очилган кун — унинг бахтли куни. У куз келганида ана шу болалари билан иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Одам боласи эса фасл танламайди. Куз келиши билан қалдирғочдек иссиқ юртларга учиб кетмайди. У тўрт фаслда ҳам бирдек иштиёқ билан ҳаракат қилади. Ҳаракат-баракат. Баракат-бахтиёрлиги. Донишманд айтганидай, ҳаракатдан тўхташ — бахтли бўлмоқликдан тўхташ демак. Назира Йўлдошева бугун ҳаракат ва бахт билан юзма-юз турибди. Энди у одамлар ҳурматини йўқотиб қўймаслик учун ҳаёт ва меҳнат тўлқинида умид кемасини қандай бошқариши керак? Кемаси нурли қирғоққа етиб борадими? Одамлар шунга қараб унга баҳо беради.

Утган куни Назира колхоздаги нуроний отахонлар билан суҳбатлашди. Қўйниларига қўл солиб, уларнинг ёшларга ер илмини эгаллашларида бош-қош бўлишга истаклари бор-йўқлигини аниқлади, ҳар хил гаплар бўлди. Биров у деди, биров бу деди. «Деҳқончиликни бизга ҳеч ким ўргатмаган, Далада юриб бировнинг кетмон уришига, бировнинг ариқ олишига қараб ўрганганмиз. Ҳозирги ёшлар ҳам шунақа», — деганлар ҳам бўлди. Пировардида, Назира кулимсираганча бир воқеани айтиб берди.

Ховосда 114 ёшли Аҳмадқул ота Юсуповни ҳамма билади. Кунларнинг бирида район марказидаги бир врач отанинг бир асрдан ортиқ умр кўрганлигини сири-

ни билмоқ учун «Ховос» совхозига борибди. Уйга келиб Аҳмадқул бобони сўраса, унинг пичан ўриш учун далага кетганлигини айтишибди. Шунда врач далага бўлибди. Борса, бир сайҳонликда Аҳмадқул бобо чапги ўроқда пичан ўраётган экан. «Бобо,— деб суз бошлабди шунда врач,— ёшингизни яшаган, ошингизни ошаган одамсиз. Шунинг учун уйда бемалол дам олиб ётсангиз бўлмайдами, пичан ўраётганингиз нимаси? Бу ишни энди неваралар қилсин». Шунда Аҳмадқул бобо: «Мен бахтли бўлишим керак ва яшашим керак. Бунинг учун ҳаракатда бўлишим лозим»,— дебди...

Раисанинг ибратли ҳикоясидан таъсирланган колхоз отахонлари колхозчиларга ёрдамлашиш, ўз тажрибаларини ўргатиш учун эртаси куни далага чиқдилар.



Пахта терими бошланди. Кузнинг мусаффо тонги. Шундай тонгда Назира Йўлдошева бригадир Шомуротнинг даласига борди. Бепоен пахтазор. Лўппи-лўппи очилган чаноқлар юлдуздай порлаб турибди. Юлдузлар тунда порлайди. Бу юлдузлар эса кечаю кундуз нур сочади. Қанча шоирларнинг дostonларига жон мавзу бўлган бу юлдузлар. Пахтазордан кўзларини узмаган Назиранинг қалбини ҳайрат ва ҳаяжон қамраб олган. Ўзбекистонда пахтазорни кўриб ҳайратга тушмаган бирор одам борми? Йўқ! Назира деҳқон қизи. Шунинг учун ҳам пахтазорга меҳр қўйган. У баҳорда умидини ерга чигит қилиб қадаган. Шу чигитнинг ерни ёриб, униб чиқишини болаларга хос бир беғубор туйғу билан кутган. У ердаң ниш кўрсатганда бу одам Назиранинг назарида тоза нурдан яратилган бўлиб туюлган. Қуёш — ҳарорат, дарёлар — сув бериш учун хизматга келган. Шу она юртда Назирадай гўзал, меҳнаткаш аёллар бор экан, қуёш — ҳарорат, дарёлар — сув бераверади.

...Назиранинг ана шу пахта хирмонлари ҳақидаги қўшиқ қачон яратилган? Балки бу қўшиқ ҳали яратилмагандир. Лекин пахта ва Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши қўшиқни Назиранинг ўзи бунёд этган. Бу қўшиқ — унинг пахтазори. У даласидаги ҳар гўза ниҳолини киприклари орасига қўйиб ўстиради, шунинг учун ҳар тола пахта дунёдаги етти хазина бойлигидан ҳам қиммат унга. У шунинг учун бахтли, шунинг учун қалби орзуларга лиммо-лим...

МУНДАРИЖА

ҲАБИБУЛЛО. ВИСОЛ УМИДИ. ҚИССА	3
Ҳ. РИЗО. ЧЎЛ ҚАЛДИРҒОЧИ. ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА	95

На узбекском языке

Хабибулло Турсунматов
Объяснение в любви

Хамракул Ризо
Ласточка степей

повести

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1985

Тақризчи **Омон Мухтор**

Редактор **Тулқин**
Рассом **О. Донец**
Расмлар редактори **Р. Зуфаров**
Техн. редактор **В. Демченко**
Корректор **С. Сайдолимов**

ИБ № 1672

Теришга берилди 13.06.1985 й. Босишга рухсат этилди 10.11.85. Р-22053. Формати 84×108¹/₃₂. № 3. қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 5,0. Шартли босма листи 8,40. Шартли кр-отт. 8,82. Нашр листи 8,92. Тиражи 40000. Буюртма № 1302. Баҳоси 60 т. Шартнома № 67—85.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ГСП, Тошкент, Ленин кўчаси, 41.

60 т.

